Россия Федерацияси амалдаги ЖК 93-моддасида вояга етмаганларга тайинланган бошқа жазо турларига нисбатан (жарима, муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш) амалдаги жиноят қонунчилигига мувофиқ жазони ўташдан шартли равишда муддатидан олдин озод қилиш кўзда тутилмаган [7]. Ўзбекистоннинг ЖК 73-моддасининг 1-қисми мазмунига кўра, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш жазосига ҳукм қилиниб, бу жазони қонунда кўрсатилган қисмини ўтаб бўлинганидан кейингина қўлланиши мумкин. 89-моддада эса озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин. Бошқа турдаги жазоларни ўтаётганларга нисбатан муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиш қўлланилмайди ва қўлланиши мақсадга мувофиқ ҳам эмас.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш жиноят ҳуқуқидаги самарали институтлардан бири сифатида тан олинган. Ўзбекистон Республикасининг 1926 ва 1959 йилларда қабул қилинган Жиноят кодексларида ҳам жазодан озод қилишнинг бу тури назарда тутилган эди ва бу институт доимий равишда ривожлантириб келинди. 1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексига (50- модда) маҳкумни муддатидан илгари шартли озод қилиш учун маҳкум намунавий хулқи ва меҳнатга ҳалол муносабати билан ўзининг тузалганлигини исбот қилган бўлиши талаб қилинар эди.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексига эса маҳкум ўзининг тузалганлигини исбот қилганлиги талаби қўйилмай, қонунда муайян шартлар назарда тутилганки, бу шартларнинг мавжудлигининг ўзи шахснинг жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш учун асос бўлади. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш учун ЖК 89-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жазо турларини ўташнинг ўрнатилган тартиб-қоида, талабларини бажарганлиги ва меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабатда бўлганлиги етарлидир. Жиноят содир қилиш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш учун фақат озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш ва ахлоқ тузатиш ишларини ўтаётганларга нисбатан қўлланиб, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- 1) ўрнатилган тартиб-қоидалар талабларини бажарганлиги;
- 2) шу жазоларни ўташ вақтида меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабатда бўлганлиги;
- 3) жазонинг қонунда кўрсатилган қисмини ўтаб бўлганлиги.

Ушбу шартларнинг барчаси бир вақтда мавжуд бўлишигина шахсни жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш учун асос бўлади.

Ушбу шартларнинг бирортасининг бўлмаслиги жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни истисно қилади. Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 536-моддасида белгиланган бўлиб, жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига ёки маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига биноан судья томонидан қўлланилади. Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ва Болалар масалалари бўйича миллий комиссиянинг биргаликда берган тақдимномасига биноан ёхуд маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига асосан судья томонидан қўлланади.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг асосларидан бири суд томонидан тайинланган жазо муддатини қонунда кўрсатилган қисмининг ўтаб бўлганлигидир. ЖК 89-моддасининг учинчи қисмида белгиланишига кўра, маҳкум жазонинг қуйидаги қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлган бўлиши керак: а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини; б) оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун жазо муддатининг учдан бир қисмини; в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек

қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, жиноят-процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғридаги кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунига билан Жиноят кодексининг 73 ва 89-моддаларига ҳам ўзгартиришлар киритилди. Ушбу ўзгартиришлар киритилгунча жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишга асос бўладиган жазонинг ўталмаган қисми анча муддатга кўп эди. Жумладан, жиноят содир қилиш пайтида вояга етмаганларга нисбатан учдан бир қисмини, ярмини, учдан икки қисмини ўтаб бўлганлиги талаб қилинар эди. Жиноят кодексининг 73 ва 89-моддаларига киритилган ўзгартиришлар тузалиш йўлига ўтиб олган шахсларнинг суд томонидан тайинланган жазони анча кам қисмини ўташи билан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш имконияти вужудга келди.

Амалдаги ЖКнинг 73-моддасида маҳкумнинг қатъий тузалганлиги талаб қилинмай, ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмида назарда тутилган асосларнинг бўлиши етарлидир. Аммо жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш вақтида бу шахслар бирон-бир мажбуриятлар юклатилиши ёки ҳуқуқий ҳолатини чекловчи бирон-бир ҳуқуқдан маҳрум қилиниши мумкинлиги ЖКда назарда тутилмаган. Муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган шахслар агар янги жиноят содир қилмасалар, ҳар қандай ҳуқуқбузарликлари учун умумий асосларда жавобгарликка тортилади (интизомий, маъмурий).

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 93-моддасида вояга етмаганларни жазони ўташдан шартли равишда озод қилиш учун махсус шартларни белгилашни назарда тутди. Бу вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлик қоидаларини белгилашга индивидуал ёндашиш билан боғлиқ. Ушбу муддатларни белгилашда халқаро стандартлардан келиб чиқиб энг оптимал муддатларни белгилаганлиги айрим олимлар томонидан эътироф этилади [8]. Пекин қоидалари қуйидагиларни тавсия қилади, “тегишли органлар жазони ижро этиш муассасасидан шартли равишда озод қилишни иложи борича кенгроқ ва иложи борича тезроқ қўллашлари керак” [9].

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи айрим мамлакатлар ЖКларида муддатидан илгари жазодан шартли равишда озод қилинган шахслар хулқини назорат қилувчи махсус органлар ташкил этилган. Муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш вақтида суд маҳкумга муайян мажбуриятларни юклайди. Жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган шахс суд томонидан юклатилган бу мажбуриятларни бажармаса ёки жамоат тартибини бузганлик учун шартли ҳукм қилинганга маъмурий жазо қўлланилган бўлса, шартли озод қилинганни назорат қилиш юклатилган орган тақдимномаси билан суд шартли озод қилишни бекор қилиб, жазони ҳақиқатда ўташ учун юборилади.

Ўзбекистон Жиноят кодексига эса бундай қоидалар назарда тутилмаган. Ўзбекистон Жиноят кодексига ҳам ана шунга ўхшаш нормаларни назарда тутилиши фойдадан ҳоли бўлмас эди. Чунки, узоқ муддат озодликдан маҳрум бўлиш шароитида сақланган шахс ўзининг олдинги меҳнат жойидан, ҳатто айримлари оиласидан маҳрум бўлган, ўз ҳунарини ёки билимини эсдан чиқарган маҳкум жазони ўташи мобайнида жамиятда жиддий ўзгаришлар содир бўлган бўлиши мумкин. Бозор иқтисодиёти тизими шароитида зиддиятларнинг чуқурлашганлиги, ишсизликнинг юқорилиги, судланган шахсларнинг иш топишидаги қийинчиликлар ва ҳоказолар муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилинган шахслар олдида жиддий муаммоларни келтириб чиқариши, шахс эса бу муаммоларни ўзи мустақил равишда ҳал қила олмай қолиши, натижада яна жиноят йўлига ўтиб қолиши мумкин. Собиқ иттифоқ даврида муддатидан илгари жазодан шартли озод қилинганлар юзасидан туман ижроия қўмиталари қошида ташкил этиладиган кузатув комиссиялари назорат олиб борар эди.

Ҳозирги кунда бундай комиссия тамоман ўз фаолиятини тўхтатган. Болалар масалалари бўйича миллий комиссияларнинг ишлари ҳам қоникарли эмас. Амалдаги ЖКнинг 89-моддасидаги шахсни жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш учун ўзининг тузалганлигини исбот қилиши талаб этилмас экан, демак уни тарбиялаш жараёни жазодан шартли равишда озод қилинган муддат мобайнида давом эттирилади. Аммо қонунда кимлар ёки қайси орган улар билан тарбиявий ишлар олиб бориши, ишда, ўқишда, турмушдаги муаммоларни ҳал қилишда ким ёрдам беради, деган савол очиқ қолган. Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс бирон-бир шарт қўйилмасдан жазонинг қолган қисмини ўташдан тўла озод қилинади. Суд шахсни муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилишда, шахснинг жазодан озод этилганидан кейинги яшаш шароити, оилавий аҳволи, яқин қариндош-уруғларининг ёрдами ва муносабати, ишга ёки ўқишга жойлашиш имкониятларини ҳам ҳисобга олиши керак.

Шартли равишда жазодан озод қилишда вояга етмаган шахсларга муайян мажбуриятларни белгилашда судлар боланинг шахсий хусусиятларидан келиб чиқиб, содир этган жинояти оқибатларининг табиати ва оғирлиги, оилавий аҳволи, ижтимоий муносабатлар доираси, унга билдирилган ишончни англашини [10] ҳисобга олиши муҳим саналади. Судлар қонунда назарда тутилмаган асосларни сабаб қилиб, масалан, жазонинг енгиллиги, жазони ўталган қисми қонунда белгиланган муддат талабига тўғри келса-да, унинг оз қисмини ўтаганлиги, жазони ўташ (тарбия) колониясида оз вақт бўлганлигини важ қилиб шартли озод қилиш тўғрисидаги тақдимномани қабул қилишни рад қилишга ҳақли эмас. Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисидаги тақдимномани кўриб чиқишга мажбур.

Шартли озод қилишга асослар етарли бўлмасагина, асослар етарли бўлгунча ишни қайтариш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 164-моддасида белгиланишича, маъмурият маҳкуми жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишга тақдим этишни рад қилса, маҳкум ёки унинг адвокати судга тегишли илтимоснома билан мурожаат этишга ҳақли. Суд жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишни рад этган тақдирда, бу ҳақда ажрим чиққан кундан бошлаб камида олти ой ўтганидан кейин тақдимнома такроран берилиши ёки илтимоснома такроран берилиши мумкин. Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўллаш вақтида жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган жазодан шартли озод қилиш тўғрисида қонунни эмас, балки жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги ишни кўриш вақтида амалда бўлган қонун қўлланади. Суд шахсни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 89-моддаси асосида жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўллаш вақтида жазонинг қолган қисмини шартли ҳукм қилиш, ёки унинг қолган қисмини қисқартиришга ҳақли эмас. Суд ё жазодан муддатидан илгари шартли озод қилади ёки бундай озод қилишни рад этади, фақат тегишли ҳужжатлар олингунча бу ишни кўришни кечиктириши мумкин. Муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилишда шахсга нисбатан синов муддати белгиламайди, жазонинг қолган қисмининг ўзи синов муддати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 89-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланишига кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс, жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60 ва 86-моддасида белгиланган тартибда жазо тайинлайди. Бунда кейинги қасддан қилган жинояти учун тайинланган жазо муддатига олдинги ҳукм бўйича жазонинг ўталмай қолган қисмини тўла ёки қисман қўшиб бир неча ҳукмлар юзасидан қатъий жазо тайинлайди. Бунда қонун мазмунига кўра, олдинги жинояти қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилганлигининг аҳамияти йўқ. Аммо жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс эҳтиётсизликдан жиноят содир қилса, фақат эҳтиётсизликдан қилган жинояти учун тайинланган жазони ўтайверади. Олдинги жинояти учун муддатидан илгари озод қилинган шартли муддат эса эҳтиётсизликдан қилган жинояти учун тайинланган жазо ўташ муддати мобайнида давом этаверади.

Муддатидан илгари шартли озод қилиш жуда кенг доирадаги маҳкумларга қўлланади ва қўллаш мумкин бўлмаган шахслар доираси чекланган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси тўртинчи қисмида жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни қўлланиши мумкин бўлмаган шахслар доираси берилган. Бу қоида 89-моддада алоҳида кўрсатилмаган, вояга етмаган шахс 73-моддадаги қўллаш мумкин бўлмаган жиноятларни содир этган тақдирда ҳам 89-модда асосида жазодан муддатидан илгари шартли озод бўлиши мумкин.

Вояга етмаганларни жазони ўташдан муддатидан олдин шартли равишда озод қилиш жазодан озод қилишни тартибга солувчи айрим умумий қоидаларни қисман чеклаш билан боғлиқ хусусиятларга эга.

Жазодан шартли равишда озод қилиш қуйидаги хусусиятга эга:

- 1) шахсни ижтимоий ҳаётга мослашишига имкон беради;
- 2) қайта жиноят содир қилмаслиги учун назорат қилинишини таъминлайди;
- 3) жазони ўташ муассасасидаги салбий таъсирни йўқотади.

Вояга етмаганлар учун Жиноят кодексининг 89-моддасида назарда тутилган жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш катталарга нисбатан қўлланиладиган муддатидан илгари шартли озод қилиш (ЖК 73-м.) билан кўп жиҳатдан ўхшашдир. Айни пайтда, қонунда инсонпарварлик принципига мувофиқ, 18 ёшга тўлмай жиноят содир этган шахсларни муддатидан илгари озод қилиш учун имтиёзли шартлар белгиланган. Бошқача қилиб айтганда, Жиноят кодексининг 89-моддасида, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш хусусида гап боради. Ушбу модда қоидалари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишнинг умумий масалаларини тартибга соладиган ЖКнинг 73-моддасига нисбатан махсус норма сифатида кўрилиши мақсадга мувофиқ саналади. Жиноят кодексининг 89-моддасига мувофиқ, жазони ўташдан шартли равишда муддатдан илгари озод қилишни қўллаш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) жиноятни вояга етмаган ёшда содир этган бўлса ва жинояти учун жазони ўтаётган бўлса (ушбу қоида шуни англатадики, содир этилган қилмиши учун жазони ўтаётган ўн саккиз ёшга етмаган шахсларгагина нисбатан қўлланилади. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш вақтида вояга етганлик факти аҳамиятга эга эмас);

2) жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган бўлса;

3) маҳкум тайинланган жазонинг энг кам зарур муддатини ўтаган бўлса (бу муддатлар 89-моддада берилган бўлиб, катталар учун белгиланган муддатлардан фарқ қилади);

4) маҳкум тайинланган тартибга риоя қилаётган бўлса, унинг тузалаётганлигини тасдиқловчи меҳнатга ёки ўқишга виждонан муносабати тўғрисида факт мавжуд бўлса (ўқишга ва меҳнатга ҳалол муносабати уни муддатидан олдин шартли равишда жазодан жазодан озод қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Виждонан муносабатда бўлиши фақат жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш масаласи кўриб чиқиладиган вақтда эмас, балки белгиланган жазони ўташ муддати мобайнида ўзгарганидан гувоҳлик бериши керак).

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш суд шахсининг ахлоқан тузалишига ва мажбурлов чоралари билан ахлоқ тузатиш таъсири кўрсатиш зарур эмаслигига ишонч ҳосил қилган тақдирда қўлланилиши мумкин [11]. Шахсда бундай тузалиш юз бераётганидан унинг озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишларини ўташнинг белгиланган режими талабларини бажараётганлиги ва меҳнат ёки ўқишга виждонан муносабатда бўлаётганлиги далолат бериши мумкин [12].

М.Х.Рустамбаевнинг тушунтиришларига кўра, режим деганда, 89-модда маъносига кўра, жазони ўташ ва ижро этиш тартиби тушунилади. Режим маҳкумнинг ўзгаришида асосий воситалардан бири ҳисобланади. Умумий қоидага кўра, меҳнатга ҳалол муносабат бу – маҳкумлар меҳнатга жалб қилиниб, ўзига юклатилган меҳнат вазифасини ва белгиланган нормани муттасил, ситқидилдан, ҳалол бажариб келаётганлиги унинг

ҳалол меҳнат йўлига ўтиб олганлигини кўрсатувчи мезон ҳисобланади.

М.Х. Рустамбаевнинг фикрига кўра, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш ва ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо тайинланганда алоҳида аҳамият касб этиши мумкин. Ушбу таърифни ЖКнинг 89-моддасига мослаштирадиган бўлсак, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабат деганда, вояга етмаганнинг ҳалол меҳнат қилиши ва ўқишга ҳалоллик билан муносабатда бўлганлиги, фақатгина маълумот олиш учун ўқишга бўлган муносабатигина эмас, балки хунар-техника билим юртида ўқиши ва ўз малакасини ошириши ҳам назарда тутилади. Вояга етмаган шахсларнинг ўқишга ва меҳнатга ҳалол муносабати уни муддатидан олдин шартли равишда жазодан озод қилишда энг асосий ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган омиллардан биридир. Бундан ташқари, ушбу институтни қўллаш мобайнида ҳукм қилинган шахсларнинг виждонан муносабатда бўлиши фақат жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш масаласи кўриб чиқиладиган вақтда эмас, балки белгиланган жазони ўташ муддати мобайнида ўзгарганидан гувоҳлик бериши керак. Юқорида келтирилган асосларга қўшимча сифатида қуйидаги асослар ва характерлар маҳкумда қўзғатилганда ҳам мазкур институтни унга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Масалан, жиноят натижасида жабрланувчига етказилган зарарни тезроқ қоплаш учун ҳаракат қилиши, ўзининг айбини тан олганлиги, жазони ўтаб бўлганидан кейин тўғри ҳаёт бошлашга ва жинорий ўтмишдан қутилишга ҳаракат қилганлигига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Шу ўринда статистик маълумотларни кўриб чиқиш вазиятни ойдинлаштиради. Жиноят содир этган шахсларнинг жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни қўлланганлик ҳолати бўйича статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, 2018 йилда 80 нафар, 2019 йилда 98 нафар, 2020 йилда 133 нафар, 2021 йилда 236 нафар, 2022 йилда эса 378 нафар шахсга нисбатан қўлланилган. Мазкур кўрсаткич жами вояга етмасдан жиноят содир этган шахслар – 2018 йилда 1008 нафар, 2019 йилда 677 нафар, 2020 йилда 728 нафар, 2021 йилда 1688 нафар, 2022 йилда эса 1947 нафарни ташкил этмоқда. Вояга етмаган шахсларнинг жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни суд ушбу турдаги жазо қўллашнинг асослари ва шартлари биргаликда мавжуд бўлгандагина амалга ошириши мумкин. Маҳкумнинг жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш кўриб чиқиладиган модда қоидалари бўйича, фақат қуйидаги шартларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши мумкин:

вояга етмаган ёшда содир қилган жинояти учун жазо ўтаётган бўлса;

ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган маҳкум унга тайинланган тартибга риоя қилса;

унинг тузалаётгани тўғрисида гувоҳлик берувчи меҳнатга ёки ўқишга виждонан муносабатда бўлса;

маҳкум 89-модданинг учинчи қисмида белгиланган содир этган қилмишининг оғирлигига қараб тайинланган жазонинг энг кам зарур муддатини ўтаган бўлса.

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ўн саккиз ёшга тўлмай жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ва Болалар масалалари бўйича миллий комиссиянинг биргаликдаги тақдимномасига биноан ёхуд маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига асосан судья томонидан қўлланилади. Қўшимча маълумот сифатида келтириш жоизки, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги тақдимнома рад этилганда янги тақдимнома биринчи тақдимнома тақдим этилгандан кейин 6 ой ўтгандан сўнг тақдим этилиши мумкин. Бу муддат ҳам вояга етмаганлар учун қисқартирилиши мақсадга мувофиқ, чунки умумий асослардаги муддат бу катталар учун ҳисобланади ва вояга етмаган учун эса икки баробар қисқартирилиши боланинг эртароқ жазодан озод бўлишига ва ижтимоий ҳаётга қайтишига хисса қўшади.

Вояга етмаганларнинг жазони ўташдан шартли равишда муддатидан олдин озод қилишнинг хусусиятларини мисол сифатида жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг ажрими мисолида кўриш мумкин. Ажримда суд маҳкум А.Инамованинг

илтимосномасини муҳокама қилиб, маҳкумнинг ўталмай қолган жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳақидаги илтимосини, Тошкент махсус прокурори ёрдамчиси ва колония бошлиғининг илтимосномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, маҳкум А.Инамовани ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажариб, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиб, суд тайинлаган жазо муддатининг тегишли қисмини ўтаганлигини ва колония маъмурияти томонидан ижобий тавсифланганлигини инобатга олиб, илтимосномани қаноатлантириб, маҳкум А.Инамованинг ўталмай қолган озодликдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шарли равишда озод қилиш лозим деб ҳисоблайди. Мазкур ҳолатлар шахснинг тузалганлигидан далолат беради. Айрим ажримларда маҳкумга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилмаганлиги, рағбатлантириш чораси қўлланилганлиги ҳам асос сифатида келтирилган. Қирғизистон ЖК 88-моддасида шартли равишда озод қилиш маҳкумга қуйидаги барча шартлар бажарилган тақдирда қўлланилади:

- 1) тузалиш ва қайта ижтимоийлаштиришнинг ижобий натижаларига эришган;
- 2) жиноят натижасида етказилган зарарнинг камида ярмини қоплаган;
- 3) интизомий жазога тортилмаган;
- 4) жазони ўташ пайтида меҳнатга ва ўқишга виждонан муносабатда бўлган;
- 5) алкоголизм, гиёҳвандлик, психотроп ёки токсик гиёҳвандликдан даволанган бўлиши талаб этилади.

Мазкур кодексда 90-моддаси Жазони ўташдан муддатидан олдин шартли равишда озод қилишда синов муддатини тайинлаш деб номланган бўлиб, унга кўра суд жазони ўташдан муддатидан олдин шартли равишда озод қилинган шахсга жазо муддатининг ўталмаган қисми доирасида, лекин уч йилдан ортиқ бўлмаган синов муддатини тайинлайди. Суд пробацция органи томонидан амалга ошириладиган синов муддати давомида шартли равишда муддатидан олдин озод қилинганларни назорат қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Маҳкумни назорат қилишда суд синов муддати давомида унга назорат талабларини кўяди. Агар маҳкум синов муддати давомида ўзига юкланган белгиланган назорат талаблари ва мажбуриятларига риоя қилмаса, суд пробацция органининг тақдимномасига асосан шартли равишда озод қилишни бекор қилиш ва унга тайинланган жазонинг қолган қисмини ижро этиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Эътиборга молик жиҳати пробацция хизмати томонидан шахснинг янги жиноят содир этишининг олдини олиш, унинг жамиятга мослашишига, назорат талабларига бўйсунушига ёрдам берадиган масъул ташкилот ва ходимлар фаолият юритади.

Белоруссия Жиноят кодексига (119-модда) ўн саккиз ёшга тўлмаган маҳкумга нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш нормаси қўлланилаётганда суд маҳкумга нисбатан бажарилиши шарт бўлган бир қатор мажбуриятларни юклаши мумкинлиги белгиланган бўлиб, агарда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахс томонидан ўталмаган жазо муддати давомида унга юкланган мажбуриятларни бажармаса ёки бир неча бор жамоат тартибини бузган бўлса, суд унинг хулқи устидан назорат олиб боровчи орган тақдимномасига биноан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни бекор қилиши мумкинлиги мустаҳкамланган.

Шу каби қоидалар Литва (94-модда) ва Қозоғистон (86-модда) давлатлари жиноят кодексларида мавжуд. Мазкур талабнинг қўйилиши вояга етмаганни ижобий хулқ-атворини рағбатлантириш ва салбий хулқ-атвор эса қўлланилган имкониятдан маҳрум этишини тушуниб етишига ва тезроқ тузалиш йўлига ўтишига хизмат қилади. Ҳозирги кунда 89-модда қўлланилганда вояга етмаган шахс ҳеч қандай шартсиз озод этилади. Бу эса ижобий натижа бериши қийин жараён саналади ва унинг хулқи устидан назорат олиб боровчи органларнинг фаолияти самарадорлини ҳам тушириб юборади.

Фикримизча, жазони ўташдан муддатидан олдин шартли равишда озод қилишни қўллаш билан боғлиқ бўлган англашилмовчилик ҳолатлари мавжуд бўлиб, хусусан, судлар томонидан қонунда кўрсатилмаган сабабларга кўра (масалан, тайинланган жазонинг енгиллиги, жазони ижро этиш юзасидан муассасада кам вақт бўлганлиги ва бошқалар)

жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилишни рад қилиш ҳолатлари мавжуд. Лекин шу вазиятларда ўзининг ўзгарганлигини исботлаган маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни рад қилиш ҳоллари бўлмаслиги керак. Бошқача талқин қилинганда, маҳкумнинг тузалганлиги тўғрисида исботловчи ҳолатлар бўлганда уни асоссиз равишда жазони ўташдан озод қилиш масаласини ҳал қилишни рад этиш мумкин эмас. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, бир неча ҳукм юзасидан (Жиноят кодекси 60-модда) ва 86-моддада белгиланган вояга етмаганларга жазо тайинлашнинг умумий қоидаларига асосланган ҳолда жазога тортилади. Амалдаги Кодексда вояга етмаган маҳкум жазодан шартли равишда озод қилинган тақдирда унинг хулқи устидан назорат олиб бориш тартиби белгиланмаган бўлиб, ушбу бўшлиқни бартараф этиш мақсадида ювенал пробацция хизматини ўрнатиш ва мазкур институтни такомиллаштириш таклиф қилинмоқда. Мисол учун, 2022 йил октябрь ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди томонидан Маҳкум А.Инамовага жазодан муддатидан илгари шартли озод этилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида янги жиноят содир этса, унга ЖКнинг 60-моддасига асосан жазо тайинланиши тушунтирилсин, деб ажримда фақат мазкур шарт белгиланган.

ЖК 90-моддасини қўллашда шахс олдига маълум шартлар қўйилади ва пробацция хизмати назорати ўрнатилади. Мисол учун, 2022 йил декабрь ойининг 16 куни жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди томонидан Т. Қирғизовага жазо енгилроғи билан алмаштирилиб, қуйидаги шартлар ва талаблар қўйилган:

алкоголли маҳсулотлар ва гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилмаслик;
маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик
каби қўшимча чеклашлар юклансин.

Жазони ижро этиш Т.Қирғизованинг яшаш жойи бўйича туман ИИБнинг Пробацция хизмати томонидан амалга оширилсин. Кўриниб турибдики, ажримда 89-моддани қўллашда пробацция ўрнатилмаган, 90-моддани қўллашда эса пробацция назорати ўрнатилади.

Ушбу бўшлиқни бартараф этиш мақсадида пробацция институти жорий қилиш, хусусан, ушбу институтнинг имкониятлари орқали жазодан шартли равишда озод қилинган вояга етмаган маҳкумларга қўшимча мажбурият, тақиқ ва чекловлар ўрнатиш орқали унинг хулқи устидан назорат белгиланиб, тузалиш йўлига ўтишга ва жамиятда ўз ўрнини топишга қаратилган таъсирли ва самарали механизм яратиш, шу билан бирга, пробацция хизмати жазодан шартли равишда озод қилинган вояга етмаган маҳкум томонидан барча тақиқ ва мажбуриятларни бажариб, ўзининг хулқи билан тузалиш йўлига ўтганлигини исботласа, суд томонидан ушбу чекловларнинг айримлари ёки барчаси олиб ташланиши ёхуд унинг акси янги мажбуриятлар юкланиши мумкин.

Башарти жазодан шартли равишда озод қилинган вояга етмаган маҳкум томонидан ўрнатилган чеклов ватақиқлар бажарилмаса, суд томонидан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш бекор қилиши ва ўталмаган жазо муддатини ўташ ҳақида ажрим чиқариши мумкин.

Бундай ёндашув моддий қонундаги одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган бўлиб, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган вояга етмаган маҳкумларни тузалиш йўлига ўтишга чорлаб, уларни амалдаги қонунларга иттифоқдорлик руҳида бўлишни тарбиялайди.

АҚШлик Кетлин Миднинг фикрига кўра [13], АҚШда вояга етмаганларни жазодан озод қилиш институтининг ҳозирги ҳолати турли штатларда унга нисбатан ёндашувларнинг турлича эканлигини кўрсатади. Айрим штатларда ювенал юстиция мустақил фаолият кўрсатади, ижтимоий хизматлар томонидан бошқарилади (Ижтимоий хизмат Агентлиги, Оила ва болалар билан ишловчи хизмат), шунингдек пробацция хизматлари фаолият юритади. Ўсмирлар ҳуқуқбузарлик содир этишса, ювенал судларга жалб этилади ёки уларга нисбатан маълум бир ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ ҳолатни

норасмий кўриб чиқиш қўлланилади ёки уларнинг бирор-бир хобби ёхуд машғулотга қизиқишини уйғотувчи турар-жой бўйича ўсмирлар билан ишлашни назарда тутувчи реабилитацион программалар (дастурлар)дан фойдаланилади. Булардан ташқари, бир нечта штатларда пробация хизмати томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда судья томонидан тасдиқланадиган вояга етмаган ҳуқуқбузар билан ишлаш бўйича индивидуал режани назарда тутадиган ҳакамлар иштирокидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича алоҳида судлар учрайди [14].

Пекин қоидалари вояга етмаганларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш бўйича кенг чора-тадбирларни кўзда тутуди. Жумладан, Пекин қоидаларининг 18.1 бандида таъкидланишича: “Имкон қадар кўпроқ мослашувчанликни таъминлаш ва имкон қадар ахлоқни тузатиш муассасаларига жойлаштиришдан сақланиш мақсадида ваколатли ҳокимият органи ишни кўриб чиқишда кенг қўламли таъсир чораларини қўллаш имкониятига эга бўлиши керак. Бир-бири билан бириктириб қўлланилиши мумкин бўлган бундай чоралар қуйидагилардан иборат: а) васийлик, раҳбарлик ва назорат тўғрисидаги қарор; б) пробация; в) жамият фаровонлиги учун ишлаш тўғрисидаги қарорлар; г) гуруҳ таркибида психотерапияда иштирок этиш ва бошқа шу каби тадбирлар тўғрисидаги қарорлар; д) яшаш жойига тарбия учун бериш ва бошқа хил тарбиявий чоралар тўғрисидаги қарорлар” [15] ва б.

Республикада вояга етмаган ҳуқуқбузар билан жабрланувчини яраштиришга кўмаклашишга, жазодан озод қилинган вояга етмаганларни жамоатчилик томонидан назорат қилишга қаратилган махсус дастурлар мавжуд эмас, ваҳоланки Пекин қоидаларининг 11.4 бандида уларнинг зарурлиги уқтириб ўтилган: “Вояга етмаган болалар ишини кўриб чиқишнинг дискрецион мазмунини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида жамоа доирасида вақтинча назорат қилиш ва бошқариб туришни, жабрланувчининг реституцияси ва компенсациясини кўзда тутувчи муайян дастурларни амалга ошириш зарур”.

Давлат органлари кўпинча ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақат ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси деб билади ва шу сабабли ушбу ишга етарли даражада эътибор қаратмайди.

Жазодан шартли равишда озод қилиш институтининг пайдо бўлиши жазони ўташ, биринчи навбатда, инсонпарварлик ва адолат принципларини амалга ошириш билан боғлиқ. Бу институтнинг мавжудлиги, жиноят содир этган шахсларни ахлоқан тузалиши ва жазодан озод бўлишига барвақт имконият беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш институти тузалиш йўлига ўтган шахснинг ўталмаган жазосидан давлат томонидан кечиш, бир тарафдан инсонпарварлик принципининг амалдаги ифодаси бўлса, иккинчи томондан жиноят содир этган шахснинг тезроқ тузалиш йўлига ўтишга ҳаракат қилишга ундайди. Шартли озод қилинган шахс билан махсус вояга етмаганлар бўйича пробация органининг ишлаши боланинг келажакда ўз йўлини топиб кетишига, қайта жиноят содир содир этишини олдини олишга хизмат қилади. Жазодан шартли озод қилинган шахс суд томонидан ўрнатилган шартларга амал қилишини, у нафақат жиноят содир этганда шартлилик бекор бўлишини, балки ўрнатилган талабларга амал қилмаган тақдирда ҳам назорат қилувчи орган ташаббуси билан суд томонидан бекор бўлишини билиб маълум ҳаракатлардан ўзини тийиши суд унга юклатилган мажбурият ва тақиқларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбурият ва тақиқлар юклаши ҳам мумкинлини билиши мазкур институтнинг самарадорлигини оширишга ва боланинг қайта жиноят содир этишининг олдини олишга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Вояга етмаганларга нисбатан одил судлов тўғрисидаги БМТнинг минимал стандарт қоидалари (“Пекин қоидалари”)/ 1985 йил 10 декабрдаги 40/33-сонли Резолюция билан қабул қилинган. URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/beijing

[rules.shtml/](#)

2. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. II том. Жазо тўғрисида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. –Б. 225.

3. Хибина Н.Н. Условно-досрочное освобождение несовершеннолетних от отбывания наказания. Автореф. дис. ... канд.юрид.наук – Бишкек, Кыргызско-Российский Славянский университет Кыргызская государственная юридическая академия при Правительстве Кыргызской Республики 2011. –С.28// URL: <https://stepen.vak.kg/wp-content/uploads/2022/04/Avtoreferat-KHibina-N-1.pdf>

4. Otajonov A. A. Legal analysis of signs participation in the crime //Право и жизнь. – 2019. – №. 1. – С. 60-65.

5. Сычев Александр Алексеевич Понятие условно-досрочного освобождения от отбывания наказания // Вестник ВУиТ. 2010. №73. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-uslovno-dosrochnogo-osvobozhdeniya-ot-otbyvaniya-nakazaniyadosrochnogo-osvobozhdeniya-ot-otbyvaniya-nakazaniya> (д обращения: 26.06.2024).

6. Д.А.Щерба. Условно-досрочное освобождение от отбывания наказания: вопросы теории и практики. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук -Владивосток: Дальневосточного юридического института МВД России, 2007. – 42 с. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/retsenziya-na-avtoreferat-kandidatskoy-dissertatsii-scherba-d-a-uslovno-dosrochnoe-osvobozhdenie-ot-otbyvaniya-nakazaniya>

7. Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 12.06.2024) (с изм. и доп., вступ. в силу с 06.07.2024//URL: [https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/Caitlyn Meade. Juvenile Justice. 2015. URL: <https://doi.org/10.1002/9781118519639>. wbesрх234](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/Caitlyn%20Meade.%20Juvenile%20Justice.%202015.%20URL%3A%20https%3A%2F%2Fdoi.org%2F10.1002%2F9781118519639)

8. Минимальные стандартные правила Организации Объединённых Наций, касающиеся отправления правосудия в отношении несовершеннолетних (Пекинские правила) Приняты резолюцией 40/33 Генеральной Ассамблеи ООН от 29 ноября 1985 года URL: <https://base.garant.ru/1305342/>

9. Малин П.М. Уголовно-правовые и уголовно-исполнительные проблемы условно-досрочного освобождения от отбывания наказания в виде лишения свободы. Автореф. дисс. кан. юр. наук. –Рязань 6 200. –С.9.//URL: <https://www.dissercat.com/content/ugolovno-pravovye-i-ugolovno-ispolnitelnye-problemy-uslovno-dosrochnogo-osvobozhdeniya-ot-ot>

10. Костылева О.В. Освобождение от наказания в связи с изменением обстановки: современные тенденции правоприменения// Библиотека криминалиста. Научный журнал. Москва, 2013. -№ 2. -С.284.5.

11. Морозова Ю.В. Условно-досрочного освобождения от отбывания наказания// Учебное пособие. Отдел научной информации и издательской деятельности Санкт-Петербургского юридического института (филиала) Университета прокуратуры Российской Федерации. Санкт-Петербург 2022 67 б// URL: https://www.procuror.spb.ru/izdaniya/2022_01_06.pdf

12. Рогова, Е. В. Уголовная ответственность несовершеннолетних: учебное пособие / Е. В. Рогова. – Иркутск : Иркутский юридический институт (филиал) Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2017. – 111 с.//URL: <https://213.171.58>

13. Автономов А.С. Ювенальная юстиция: Уч. пособие М., 2009.// URL: <https://www.sworld.com.ua/index.php/legal-and-political-science-411/criminal-law-and-criminology-411/10932-411-0066>

14. Turabaeva Z. Conditional release of minors from serving the sentence //International Journal of Law And Criminology. – 2024. – Т. 4. – №. 02. – С. 18-25. URL: <https://theusajournals.com/index.php/ijlc/article/view/2441>;

15. Минимальные стандартные правила Организации Объединённых Наций, касающиеся отправления правосудия в отношении несовершеннолетних (Пекинские правила) Приняты резолюцией 40/33 Генеральной Ассамблеи ООН от 29 ноября 1985 года URL: <https://base.garant.ru/1305342/>;

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХАЙДАРОВ Шухратжон Джумаевич

Тошкент давлат юридик университети Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга қарши курашиш кафедраси профессори в.б.,
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: Xaydarovshuxrat@mail.ru
<https://orcid.org/0000-0002-8188-7410>

КАСБ ЮЗАСИДАН ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАСЛИК ЖИНОЯТИНИНГ СУБЪЕКТИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ХАЙДАРОВ Ш.Д. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг субъекти // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2024) Б. 44-51.

 4 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-4-5>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноят субъектининг ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Шунингдек, мақолада касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг субъекти жиноят ҳуқуқи мутахассислари фикрлари асосида таҳлил қилинган ва муаллиф ушбу олимлар фикрларига илмий ёндашиб, ўз фикрларини илмий таҳлил қилиш асосида ёритган. Бундан ташқари, мақолада касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик назарда тутилган моддани касб мажбуриятларини лозим даражада бажармаган ҳар қандай субъектга нисбатан қўллаш имконини бериш мумкинлиги, бу жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш вазифасини бажариши илмий асослантилган. Мақола касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятини 2014-2024 йиллардаги статистикаси шунингдек, тадқиқот иши юзасидан ўрганилган ҳукмлар асосида таҳлил қилиб берган. Шунингдек, мақолада касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ илмий асослантилган хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлари: жиноят, жавобгарлик, касб, субъект, вазифа, тиббиёт, касал, мажбурият.

KHAYDAROV Shukhratjon

Acting Professor at Tashkent State University of Law
Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: Xaydarovshuxrat@mail.ru
<https://orcid.org/0000-0002-8188-7410>

THE SUBJECT OF THE CRIME OF IMPROPER PERFORMANCE OF HIS PROFESSIONAL DUTIES

ANNOTATION

This article reveals the features of the crime of improper performance of one's professional duties. Also, the article, based on the opinions of criminal law specialists, analyzes the subject of the crime of improper performance of one's duties related to the profession, and the author scientifically approaches the opinions of these scientists and highlights his opinions. based on scientific analysis. In addition, it is scientifically substantiated that the provision of the article on improper performance of one's professional duties can be applied to any subject who has not properly performed professional duties, and serves to ensure the inevitability of responsibility for this crime. The article, based on statistical data for 2014-2024, analyzes the crime of failure to fulfill one's duties properly, as well as court decisions studied in connection with the research work. The article also provides scientifically based conclusions and proposals related to the improper performance of one's duties related to the profession.

Keywords: crime, responsibility, profession, subject, task, medicine, patient, obligation.

ХАЙДАРОВ Шухратжон Джумаевич

Исполняющий обязанности профессора кафедры уголовного права, криминологии и противодействия коррупции Ташкентского государственного юридического университета, доктор философии по юридическим наукам (PhD)

<https://orcid.org/0000-0002-8188-7410>

E-mail: Xaydarovshuxrat@mail.ru

СУБЪЕКТ ПРЕСТУПЛЕНИЯ НЕНАДЛЕЖАЩЕГО ИСПОЛНЕНИЯ СВОИХ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ОБЯЗАННОСТЕЙ

АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрыты особенности преступления ненадлежащего исполнения своих профессиональных обязанностей. Также в статье на основе мнений специалистов уголовного права анализируется предмет преступления ненадлежащего исполнения своих обязанностей, связанных с профессией, а автор научно подходит к мнению этих ученых и освещает свои мнения. на основе научного анализа. Кроме того, научно обосновано, что положение статьи о ненадлежащем исполнении своих профессиональных обязанностей может быть применено к любому субъекту, не исполнявшему должным образом профессиональные обязанности, и служит обеспечению неотвратимости ответственности за это преступление. В статье на основе статистических данных за 2014-2024 годы анализируется преступление неисполнения своих обязанностей должным образом, а также судебных решений, изученных в связи с исследовательской работой. Также в статье приводятся научно обоснованные выводы и предложения, связанные с ненадлежащим исполнением своих обязанностей, связанных с профессией.

Ключевые слова: преступление, ответственность, профессия, предмет, задача, лекарство, больной, обязательство.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик (ЖК 116-м.) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлардан бири ҳисобланади.

Муайян касб вакиллари (шифокор, қутқарувчи, қурувчи, сартарош, электрик ходимлари ва бошқалар) ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиб, касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида шахсинг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилгани ёхуд эҳтиётсизлик орқасида одам ўлимига сабаб бўлиш жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилади.

Шахсинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажариши, қўйилган

талабларга қатъий риоя этишидан алоҳида шахслар ва бутун жамият манфаатдор. Аксинча ходимларнинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида фуқароларнинг шахсий манфаатларига ва бутун жамиятга зарар ёки шикаст етказилиши мумкин.

Мамлакатимизда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти: 2014 йилда – 74 та (108 нафар шахс); 2015 йилда – 66 та (109 нафар шахс); 2016 йилда – 102 та (148 нафар шахс); 2017 йилда – 88 та (113 нафар шахс); 2018 йилда – 102 та (145 нафар шахс); 2019 йилда – 92 та (122 нафар шахс); 2020 йилда – 78 та (102 нафар шахс); 2021 йилда – 67 та (95 нафар шахс); 2022 йилда – 78 та (104 нафар шахс); 2023 йилда – 87 та (117 нафар шахс) 2024 йил 1-ярим йилда – 59 та (77 нафар шахс) [1] содир этилган.

Дарҳақиқат, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг субъектини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят содир этган ҳар бир инсон ижтимоий хусусиятга эга бўлган кўпгина хоссаларни ўзида мужассамлаштиради, лекин жиноят таркиби учун фақат ёш, ақли расолик ва айрим ҳолларда махсус субъект белгиларига аҳамият касб этади.

Жиноятнинг субъекти жиноят таркибининг зарурий элементларидан бири ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқига биноан жиноят қонуни билан тақиқланган ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ни содир этган ва унинг учун жиний жавобгар бўла оладиган шахс жиноятнинг субъекти деб эътироф этилади [2].

Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасида кўзда тутилган жиноят фақат муайян касб вазифалари юклатилган шахслар томонидан содир этилади. Бундан ушбу жиноят махсус субъектлик жиноят, деган хулосага келишимиз мумкин.

Таъкидлаш лозимки, махсус субъектларнинг жиний жавобгарлиги масаласи юридик адабиётларда қизғин муҳокама қилинади. Аммо суд амалиётида махсус субъект ҳаракатларини квалификатсия қилишда ҳанузгача хатоларга йўл қўйилади. Баъзан махсус субъектнинг вазифаларини ва уларнинг мансабдор шахснинг вазифаларини ажратишда қийинчиликлар туғилади [3]. Касб ёки хизмат вазифасини лозим даражада бажармаслик хусусида ҳам айтиш мумкин.

Жиноятнинг махсус субъекти дейилганда, ақли расо, қонунда белгиланган муайян ёшга етганлик каби умумий белгилар билан бирга жиноят қонунда ёки бевосита унда назарда тутилганлиги туфайли ушбу қонунга биноан жиний жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар доирасини белгиловчи қўшимча белгиларга эга бўлган шахс тушунилади [4; 5].

Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасида назарда тутилган жиноятларнинг субъекти махсус субъектлар қаторига киради. Қонунда субъект унинг касбига ишора қилиш йўли билан белгилаган, лекин унда махсус субъектни тавсифловчи белгилар кўрсатилмаган. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи назариясида бу турдаги махсус субъектнинг белгилари лозим даражада ўрганилмаган.

Ушбу масалани тўғри ҳал этиш махсус субъект (муайян касб эгаси) тушунчасининг мазмунини ташкил этувчи белгиларни тўғри аниқлаш профессионал фаолият соҳасида тегишли моддалар бўйича жиний жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар доирасини белгилаш имкониятини беради.

Жиноят қонунда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг субъекти тўғрисида аниқ кўрсатма, яъни ушбу жиноят қайси соҳа вакиллари томонидан содир этилиши кўрсатилмаган. Бу ўз навбатида мазкур моддани касб мажбуриятларини лозим даражада бажармаган ҳар қандай субъектга (тиббий ходими, қутқарувчи, электр ходими, спорт мураббийлари, ёнғин хавфсизлиги ходими, боғча тарбиячиси, авиатсия соҳасининг мансабдор бўлмаган ходимлари, ошпаз, сартарош, газ таъминоти ходими ва б.қ.) нисбатан қўллаш имконини беради. Жиноят ҳуқуқида аналогияга йўл қўйилмаслигини ҳисобга олсак, бундай умумий тусдаги модданинг бўлиши албатта мақсадга мувофиқ бўлиб, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлайди.

ЖК 116-моддаси иккинчи қисмида эса айнан қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ

касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахс ёки бўлмаса шифокор, фельдшер, ҳамшира ва шу кабилар тўғрисида сўз боради.

Ушбу масала хусусида чуқурроқ тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Амалиётда мазкур модда кўпроқ тиббиёт ходимларига қўлланилмоқда. Тадқиқот натижаларига кўра ЖК 116-моддасида назарда тутилган жиноятлар асосан тиббиёт ходимлари томонидан содир этилаётганлиги аниқланган [6].

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунининг 41-моддасига мувофиқ олий ёки ўрта махсус тиббиёт ўқув юртини тамомлаганлик тўғрисида диплом олган шахслар тиббиёт ва фармасевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўладилар [7].

Жинояткодексида қонун ёки бошқа махсус қоидаларга асосан касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлганлар деганда, бир мунча кенгроқ доирадаги шахслар назарда тутилади. Бундай шахсларга махсус тиббий билимга эга бўлмаган, лекин мажбуриятига кўра касалга қаровчи шахслар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига кўра, тиббий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан ҳам кўрсатилиши мумкин.

Мазкур масала 2018 йил 30 апрелдаги “Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низомда ҳам ёритилган бўлиб, унга кўра, “Мактабгача таълим муассасаси раҳбари тарбияланувчиларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлиғини мустақкамлашни ташкил этилиши учун масъул ҳисобланади [8]”.

Тиббиёт ходими ўз касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган жиноятларда, агар Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида субъектнинг алоҳида белгилари кўрсатилган бўлса, махсус субъект ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда, субъектнинг умумий белгиларидан ташқари, аниқ жиноятни содир этганлик учун жинойи жавобгарликка ўзга шахсларни тортиш имкониятини чекловчи алоҳида қўшимча белгиларга эга бўлган шахс жиноятнинг махсус субъекти деб эътироф этилади.

Тиббиёт ходими томонидан касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг субъекти сифатида жиноят қонунида оқибат – шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ҳамда қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига ёхуд одам ўлими ёнки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

Амалдаги ЖК 116-моддаси биринчи қисми бўйича жиноят субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо касб вазифаларини лозим даражада ёки умуман бажармаган ҳар қандай касб эгаси бўлиши мумкин; ЖК 116-моддаси иккинчи қисми бўйича жиноят субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган ҳар қандай жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Мазкур жиноятнинг субъекти махсус, кўп ҳолларда махсус ихтисослик бўйича маълумотга, яъни дипломга эга бўлиши зарур. Яъни, касб вазифасини бажармаслик субъектига хос бўлган яна бир алоҳида белги – кўп ҳолларда унда муайян ихтисосликка эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг мавжудлигидир.

Агар шахс бирор касб билан қалбаки ҳужжат асосида фаолият олиб борса, ўзининг касбига оид зарур билимларга эга бўлмаган ҳолда ЖК 116-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби объектив томони зарурий белгиларини содир этса, қилмиш қандай квалификация қилиниши зарур, деган савол туғилади.

Бу борада олимлар ягона фикрга эга эмаслар. Ю.А.Ждановнинг фикрига кўра, “агар шахс қалбаки ҳужжат асосида зарур билим ва кўникмага эга бўлмаган ҳолда бирор касб билан шуғулланиб, ижтимоий хавfli оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, унинг қилмиши жиноят ҳисобланмайди. Чунки, шахс айнан қалбаки ҳужжатлар

асосида ишлаётганлиги учун жиноят субъекти ҳисобланмайди. Фақатгина қалбаки ҳужжатлардан фойдаланганлиги учун жавобгарликка тортилиши зарур” [9].

В.Б.Малининнинг таъкидлашича эса, “агар шахнинг касб вазифасини лозим даражада бажармаслигига унинг етарли билимга эга эмаслиги сабаб бўлса, бу уни содир этилган жиноят учун жавобгарликдан озод қилишга асос бўла олмайди” [10].

Биз ҳам ушбу фикрни қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, касб юзасидан ўз вазифасини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс, қалбаки ҳужжатлар асосида ушбу касбини эгаллаган бўлса ҳам унинг қилмишини ЖК 116-моддаси билан квалификация қилиниши керак, чунки, у биринчидан мазкур касбий вазифасини бажариш учун меҳнат шартномасини имзолаган, хизмат йўриқномаси билан танишган ва булар ҳақида огоҳлантирилган бўлади.

Шунингдек, унинг қалбаки ҳужжатлар асосида ишлаётганлиги шахснинг ижтимоий хавфлилиги юқори эканлигидан далолат беради ва унинг қилмиши ЖК 228-моддаси билан қўшимча равишда квалификация қилинади.

Тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан қатъий тартибга солинган. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунининг 41-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармасевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига олий ёки ўрта махсус тиббиёт ўқув юртини тамомлаганлик тўғрисида диплом олган шахслар, рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган муайян тиббиёт ва фармасевтика фаолияти турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эса диплом ва лицензия олган шахслар эга бўладилар” [7].

А.Н.Ильяшенконинг фикрича, “тиббиёт ходимларига нисбатан касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик деганда, тиббий фаолиятни (қон олиш ва қуйиш, трансплантация қилинаётган материални текшириш, барча турдаги жарроҳлик аралашувини ўтказиш ва б.қ.) амалга ошириш жараёнида риоя этилиши мажбурий бўлган расмий талабларга, кўрсатмаларга, қоидаларга, санитария-эпидемиология ва гигиеник меъёрларга жавоб бермайдиган қилмишни (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этиш тушунилади” [11].

Тиббиёт ходимлари ҳар қандай ҳолатда ҳам агар имконияти бўлса, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга мажбур.

Баъзи адабиётларда [12] бундай мажбурият кенг талқин қилиниб, тиббиёт ходимлари қачон ва қаерда бўлишидан қатъи назар биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга мажбурилиги таъкидланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 30-моддасида ҳам тиббиёт ва фармасевтика ходимларининг фуқароларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишлари шартлиги белгилаб қўйилган.

Бироқ, бу фикрни инкор қилувчилар ҳам йўқ эмас. Хусусан, Ю.А.Власевнинг фикрича, “мазкур жиноят таркибининг касалнинг ёнида хизмат вазифасига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бўлган ва унга ёрдам кўрсатмаган ҳар қандай тиббиёт ходимига нисбатан қўллаб бўлмайди” [13]. Муаллифнинг фикрича, агар шифокор хизмат вазифасидан бошқа вақтда касалга ёрдам кўрсатмаса, унга нисбатан ЖК 116-моддаси иккинчи қисмини қўллаш мумкин эмас.

Бизнинг фикримизча, амалдаги қонунчилик мазмунидан ҳамда суд-тергов амалиётида тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, ўринда тиббиёт ходимларининг касалга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши унинг хизмат вазифасига расмий равишда кирган ёки кирмаганлигининг аҳамияти йўқ. Яъни, тиббиёт ходими ҳар қандай ҳолатда ҳам касалга ёрдам кўрсатиш расмий жиҳатдан унинг хизмат вазифаларига кирган ёки кирмаганлигидан қатъий назар касалга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга мажбур ҳисобланади ва ушбу мажбуриятни бажармаслиги ЖК 116-моддасида кўзда тутилган оқибатларга сабаб бўлса, қилмиш жиноят сифатида баҳоланади.

Тиббиётходимларибеморларнидаволашбиланбоғлиқмуайянвазифалар–текшириш,

ташхис қўйиш, тегишли муолажани тайинлаш, жарроҳлик аралашувини амалга ошириш ва ҳоказоларнигина эмас, балки турли тиббий ҳужжатларни расмийлаштиришни (беморнинг амбулатория ва статсионар картасини юритиш, рецептлар ёзиб бериш, маълумотномалар, йўлланмалар бериш ва ҳоказоларни) ҳам қамраб олади.

Бундай ҳолларда тиббиёт ходими ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўладиган, ташкилий-бошқарув ҳаракатларига яқин турадиган, яъни сиртдан мансабдор шахснинг белгиларига ўхшаш бўлган муайян ҳаракатларни бажаришига қарамай, аслида у мансабдор шахс ҳисобланмайди ва ўзининг беморларни даволаш борасидаги касбий вазифаларини бажаради.

Тиббиёт ходимлари томонидан содир этилган касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятини квалификатсия қилиш учун айнан қайси касбий ёки мансаб вазифалари бузилганлигини тўғри аниқлаш талаб этилади.

Масалан, жарроҳлик бўлимнинг бошлиғи беморни операция қилар экан, ўз лавозими бўйича маъмурий-хўжалик ёки ташкилий-бошқарув вазифаларини эмас, балки беморни даволаш борасидаги касбий вазифаларини амалга оширади. У касб юзасидан ўз вазифаларини бўлим бошлиғи сифатида эмас, балки жарроҳ сифатида лозим даражада бажармайди. Бинобарин, жиний қилмишни квалификатсия қилиш тўғрисидаги масалани ечишда айти шу ҳолатдан келиб чиқиш зарур.

Шунга қарамай, тиббиёт ходимини мансабдор шахс деб эътироф этиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар илгари ҳам олимлар томонидан танқид қилинган. Масалан, Г.Н.Борзенков “тиббиёт ходимлари жабрланувчи учун оғир оқибатларга сабаб бўлган ўз қилмишлари учун ЖКнинг инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларга доир моддаларига мувофиқ жавобгарликка тортилишлари лозим” [14], деб ҳисоблаган.

Баъзи манбаларда “шифокорлар у ёки бу муассасаларнинг хизматчилари ҳисобланадилар ва муайян лавозимларни банд этадилар, шу туфайли ҳам улар ўз касб-кори муносабати билан эмас, балки хизмат бўйича вазифаларини бажаришлари муносабати билан мансабдор шахслар деб топилишлари ва суиистеъмол учун жиний жавобгарликка тортилишлари мумкин” [15], деб таъкидланади.

Қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиш бўйича мажбуриятини бажармас экан жиноят субъекти асосий объектга зарар етказиш билан бирга касб вазифаларини амалга ошириш, масалан, тиббий хизмат ёки ёрдам кўрсатиш тартибини ҳам бузадики, ушбу соҳадаги муносабатлар мазкур жиноятнинг қўшимча объекти сифатида намоён бўлади [16].

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти бўйича жабрланувчи фуқаролиги, миллати ва бошқа бирор-бир белгисидан қатъи назар ҳар қандай касал ёхуд тиббий ёрдамга муҳтож бўлган бошқа шахс бўлиши мумкин.

Ушбу жинояти субъектининг белгиларини аниқлашда қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланган тиббий ёрдам кўрсатиш мажбурияти юклатилганлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

“Касалга ёрдам кўрсатмаслик деганда, касаллиги ёки тиббий аралашув талаб қиладиган бошқа сабабларга кўра тиббий ёрдамга муҳтож шахсга, қонунга мувофиқ, бундай ёрдамни кўрсатиш мажбурий бўлгани ҳолда, тиббий ёрдамни кўрсатмаслик тушунилади” [17]. “Касалга ёрдам кўрсатмаганлик учун жавобгарлик субъектига нафақат тиббиёт ходимлари, балки касбий мажбуриятлари доирасига будай ёрдамни кўрсатиш мажбурияти киритилган бошқа шахслар ҳам киради” [18].

Юқоридагилардан хулоса қилиб, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти бўйича қўйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

биринчидан, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти махсус субъектли жиноят сифатида таснифланади, яъни, Жиноят кодекси 116-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти махсус, яъни, Касбига кўра бирор мажбуриятни бажариши шарт бўлган (116-модда биринчи қисми) ёки қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахслар (116-модда иккинчи қисми) ҳисобланади;

иккинчидан, жиноят қонунида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг субъекти тўғрисида аниқ кўрсатма, яъни ушбу жиноят қайси соҳа вакиллари томонидан содир этилиши кўрсатилмаган. Бу ўз навбатида мазкур моддани касб мажбуриятларини лозим даражада бажармаган ҳар қандай субъектга (тиббиёт ходими, қутқарувчи, электр ходими, спорт мураббийлари, ёнғин хавфсизлиги ходими, боғча тарбиячиси, авиатсия соҳасининг мансабдор бўлмаган ходимлари, ошпаз, сартарош, газ таъминоти ходими ва б.қ.) нисбатан қўллаш имконини беради. Жиноят ҳуқуқида аналогияга йўл қўйилмаслигини ҳисобга олсак, бундай умумий тусдаги модданинг бўлиши албатта мақсадга мувофиқ бўлиб, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлайди;

учинчидан, қонун ёки бошқа махсус қоидаларга асосан касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлганлар деганда, махсус тиббий билимга эга бўлмаган, лекин мажбуриятига кўра касалга қаровчи шахслар ҳам бўлиши мумкин, яъни тиббий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан ҳам кўрсатилиши мумкин;

тўртинчидан, ЖК 116-моддаси ва 207-моддаларида белгиланган жиноятлар ўртасидаги асосий тафовут жиноят субъектига бориб тақалади. Яъни, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти мансабдор шахслар томонидан содир этилса, ЖК 207-моддаси, мансабдор шахс бўлмаган ходимлар томонидан содир этилса, ЖК 116-моддаси билан квалификатсия қилинади;

бешинчидан, тиббиёт ходими ҳар қандай ҳолатда ҳам касалга ёрдам кўрсатиш расмий жиҳатдан унинг хизмат вазифаларига кирган ёки кирмаганлигидан қатъий назар касалга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга мажбур ҳисобланади ва ушбу мажбуриятни бажармаслиги ЖК 116-моддасида кўзда тутилган оқибатларга сабаб бўлса, қилмиш жиноят сифатида баҳоланади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2024 йил 16 июлдаги №07/14-9743-324-сон маълумотномаси.
2. Каримов Х. Жиноятларни квалификатция қилишда жиноят субъекти мезонларининг аҳамияти // Юридик фанлар ахборотномаси. Илмий-амалий ҳуқуқий журнал. – Тошкент, 2018. – №2. – Б.149-154.
3. Макаров С.Д. Квалификатция соучастия в преступлении с ненадлежащим субъектом // Российский судья. – Москва, 2015. – №8. – С. 22-25.
4. Отажонов А. А. Жиноятда иштирокчилик институтининг жиноят-ҳуқуқий тартибга солиниши. Монография. – 2023. – Б. 158.
5. Курбанов М. Мансабдор шахслар жинойи жавобгарлигининг ўзига хос жиҳатлари // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. – Тошкент, 2017. – №2. – Б.66-67.
6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2019 йил 19 октябрдаги 30/16-19-2658-сонли маълумотномаси.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил, 9-сон, 128-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 20/1, 10-ққ/1-сон “Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори // URL: <https://lex.uz/docs/3733353>; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 10/18/3012/1219-сон.
9. Жданов Ю.А. Пускова причинность // Избранное, Ростов н/Д., 2001, Т.2. – С. 92.
10. Малинин В.Б. Причинная связь в уголовном праве. – СПб.: Восток, 2000. –С, 58.
11. Ильяшенко А. Н. Проблемные вопросы привлечения к уголовной ответственности за преступления, связанные с заражением литса ВИЧ-инфекцией вследствие ненадлежащего исполнения медитсинским работником своих профессиональных

обязанностей // Вестник Краснодарского университета МВД России. – 2017. – №2(36). – С. 13-16.

12. Комментарий к УК Российской Федерации / Под ред. А.В.Наумова. – М.: Норма, 2006. – С. 328.

13. Власев Ю.А. Уголовная ответственность за оставление в опасности: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2005. – С. 123.

14. Борзенков Г.Н. Квалификация преступлений против жизни и здоровья: Учебно-практическое пособие. – М.: «Зерсало-М», 2006. – С. 228.

15. Борчашвили И.Ш. Субъект преступления. Учебное пособие. – Алматы: Жеті-жарғы, 2007. – 96 с.

16. Мыц Я.А. Проблемы объективной стороны неоказания помощи больному // Объединенный научный журнал 2005. – №27. – С. 11-12.

17. Мыц Я.А. Неоказание помощи больному // Законность. – 2006. – №11. – С. 22-23.

18. Otajonov A. A. Legal analysis of signs participation in the crime //Право и жизнь. – 2019. – №. 1. – С. 60-65.


ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

КАРАКЕТОВА Дилноза Юлдашевна

Тошкент давлат юридик университети Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга қарши куришиш кафедраси катта ўқитувчиси,
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: d.yu.karaketova@gmail.com

БЕЗОРИЛИК ЖИНОЯТИ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): КАРАКЕТОВА Д.Ю. Безорилик жинояти объектив томони белгиларининг ўзига хос хусусиятлари: таҳлил ва таклиф // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2024) Б. 52-61.

 4 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-4-6>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада безорилик жинояти таркиби муҳим элементларидан бири бўлган жиноят объектив томони ва унинг белгиларининг умумий тавсифи очиб берилган бўлиб, улар тўғрисидаги олимларнинг илмий қарашлари, тадқиқотлари, улар ўртасидаги ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлар ҳақида атрофлича баён қилинган. Шунингдек, жиноят объектив томонининг зарурий белгилари қиёсий таҳлил қилиниб, улардаги муаммоли жиҳатлар аниқланди ва кетма-кет тавсифлаб берилди. Ушбу мақолада асосий эътибор безорилик жинояти объектив томони умумий тавсифига қаратилган бўлиб, безорилик жинояти объектив томони белгилари инструментал ва қиёсий таҳлил қилинган. Мазкур белгиларда мавжуд муаммолар аниқланиб, уларнинг назарий ва амалий ечимлари топилган. Бундан ташқари, жиноят ҳуқуқи доктринаси ва ривожланган хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлил этилиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: безорилик, жиноят ҳуқуқи, жамоат тартиби, жиноят таркиби, объектив томон, квалификация қилиш, қонунчиликни такомиллаштириш.

KARAKETOVA Dilnoza Yuldashevna

Senior lecturer at Tashkent State University of Law,
Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: d.yu.karaketova@gmail.com

SPECIFIC FEATURES OF THE SIGNS OF THE OBJECTIVE SIDE OF HOOLIGANISM: ANALYSIS AND SUGGESTION

ANNOTATION

This article reveals the objective side of hooliganism, which is one of the important elements of the corpus delicti, and the general characteristics of its signs, as well as describes in detail the

scientific views and research of scientists about them, the similarities and differences between them. A comparative legal analysis of the signs of the objective side of hooliganism was also carried out, their problematic sides were identified and consistently described. This article focuses on the general characteristics of the objective side of hooliganism, and the mandatory signs of the objective side of the crime are analyzed instrumentally and comparatively. The existing problems in these features have been identified, their theoretical and practical solutions have been identified and found. The doctrines of criminal law and criminal legislation of developed foreign countries were also analyzed, and on the basis of this, specific proposals and recommendations were developed to improve the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: hooliganism, criminal law, public order, corpus delicti, objective side, criminal law qualification, improvement of legislation.

КАРАКЕТОВА Дилноза Юлдашевна

Старший преподаватель кафедры Уголовного право,
криминологии и противодействия коррупции
Ташкентского государственного юридического университета,
доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: d.yu.karaketova@gmail.com

СПЕЦИФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПРИЗНАКОВ ОБЪЕКТИВНОЙ СТОРОНЫ ХУЛИГАНСТВА: АНАЛИЗ И ПРЕДЛОЖЕНИЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрывается объективная сторона хулиганства, которая является одной из важных элементов состава преступления, и общая характеристика ее признаков, а также подробно описываются научные взгляды и исследования ученых о них, сходства и различия между ними. Также был проведен сравнительно-правовой анализ признаков объективной стороны хулиганства, выявлены и последовательно описаны их проблемные стороны. В данной статье основное внимание уделяется общей характеристике объективной стороны хулиганства, а обязательные признаки объективной стороны преступления анализируются инструментально и сравнительно. Выявлены существующие проблемы в этих признаках, установлены и найдены их теоретические и практические решения. А также были проанализированы доктрины уголовного права и уголовного законодательства развитых зарубежных стран, и на основании данного выработаны конкретные предложения и рекомендации по совершенствованию уголовного законодательства Республики Узбекистан.

Ключевые слова: хулиганство, уголовное право, общественный порядок, состав преступления, объективная сторона, уголовно-правовая квалификация, совершенствование законодательства.

Жиноят таркиби объектив томони шахс жиноий хулқ-атворининг ташқи белгилари мажмуини ифодалайди [1]. Бу тушунча умумий бўлиб, унда объектив томон белгилари қисқача ифодалаб берилган.

Безориликнинг объектив томони белгилари ЖК 277-моддаси диспозициясида берилган. Жиноят ҳуқуқи назариясида безориликнинг объектив томони тузилишидан келиб чиқиб, жиноят таркиби объектив томони ҳақида тўрт хил ёндашув мавжуд.

И.И.Косарев безорилик ўзининг объектив томони белгиларига эга эмас, деб ҳисоблаб, бундай ёндашувни қуйидагича асослантиришга ҳаракат қилган. Биринчидан, ҳар қадайдан жиноят (туҳмат, қасддан одам ўлдириш ҳ.к) у ёки бу даражада жамоат тартибини бузади. Иккинчидан, аффе́кт ҳолатида содир этилган жиноятлардан бошқа ҳар қандайдан

жиноятни содир этиш жамиятга нисбатан содир этилган ҳурматсизлик ҳисобланади. Учинчидан, “безорилик” деб номланувчи ҳаракатлар бошқа ҳаётга, соғлиққа, мулкка қарши жиноятлар таркибини ташкил қилади. Бошқа жиноятлар содир қилинмаса, безориликни тасаввур қилиш қийин бўлади [2].

Иккинчи гуруҳ олимлар безориликни формал таркибли жиноят, деб ҳисоблайди, яъни бу жиноят жамиятга ҳурматсизликни ифодаловчи жамоат тартиби қўпол равишда бузилган пайтдан бошлаб тамом бўлади [3].

Учинчи гуруҳ олимлар безориликни моддий таркибли жиноятлар жумласига киритиб, жамоат тартибига зарар етказилишини оқибат, деб ҳисоблайдилар. А.И.Рарог бу фикрга қарши чиқиб, жамоат тартибининг қўпол равишда бузилиши ва жамиятга ҳурматсиз муносабатда бўлиш оқибат эмас, балки, безориликнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини ифодаловчи белги [4] эканини асослаб берган.

Тўртинчи гуруҳдагилар безориликни муқобил таркибли жиноят деб ҳисоблаб, жамоат тартибининг қўпол бузилиши зўрлик ишлатиш (бунда шахсинг соғлиғига енгил шикаст етказилган бўлиши лозим), ўзгалар мулкига шикаст етказиш ёки нобуд қилиш (аниқ оқибат келиб чиққан бўлиши шарт) билан бирга содир этилиши мумкинлиги [5]ни таъкидлайдилар. Ушбу фикрни тўғри деб ҳисоблаймиз ва ЖК 277-моддаси диспозициясининг тузилишига кўра безориликни муқобил таркибли жиноятлар қаторига киритиш мумкин. Бу жиноят таркибига кўра жамиятда юриш-туриш қоидасини қасддан менсимаслик уриш-дўппослаш ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолда содир этилганда, жиноят натижасида оқибат келиб чиқиши талаб этилмайди. Бу ҳолда безорилик содир этилган вақтидан бошлаб тамом бўлган ҳисобланади. Жамиятда юриш-туриш қоидасини қасдан менсимаслик баданга енгил шикаст етказиш, мулкни нобуд қилиш ёки шикаст етказиш каби оқибатларга сабаб бўлган безорилик моддий таркибли ҳисобланади.

Ҳар икки таркибда ҳам безорилик объектив томонининг зарурий белгиси ижтимоий хавfli қилмишнинг мавжудлигидир. Ўрганилаётган жиноятда қилмиш фақат фаол ҳаракатларда, яъни “жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик”да ифодаланади. Безорилик ҳаракатларига: ҳақорат қилиш, бошқаларга тегажоқлик қилиш, уриш, беҳаё сўзли қўшиқларни айтиш, деворларга ёмон мазмундаги сўзларни ёзиш, жамоат жойларида ялонғоч юриш, атроф-муҳитни ифлослантириш, кўкаламзор ерларга зарар етказиш ва атрофдагиларга ўзининг устунлигини намоён қилувчи бошқа ҳаракатларни киритиш мумкин. Бу каби ҳаракатлар турли шаклларда ифодаланади, уларнинг аниқ рўйхатини бериш имкони йўқ. Муҳими, жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимасликда ифодаланувчи безорилик ҳаракатларининг белгиларини ажратиш олишдир.

Айрим олимлар жамиятда юриш туриш қоидаларини қасддан менсимаслик “қўпол” [6] бўлиши кераклигини айтадилар. Бу безориликнинг қуйидаги объектив белгилари: содир этилган қилмишнинг хусусияти, ҳаракатларнинг давомийлиги, уларни содир этиш жойи ва вақти, келиб чиққан оқибатлар ва бошқаларни таҳлил қилиш орқали аниқланади. Жамоат тартибининг узоқ муддат давомида бузилиши, бир қанча шахсларнинг манфаатларига зарар етказилиши, масалан, оммавий тадбирларнинг ўтказилмай қолиши, фуқароларга нисбатан қўполлик, шилқимлик қилиш, жамоат тартибининг қўпол равишда бузилиши ҳисобланади [7; 12]. Лекин “қўпол”ликни жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимасликнинг зарурий белгиси сифатида кўрсатилиши тўғри эмас. Чунки “қўпол” деган тушунча баҳоловчи хусусиятга эга бўлиб, суд-тергов амалиётида тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Шунингдек, биз томонимиздан ўрганилган суд ҳукмларининг (310та) бирортасида “жамиятда юриш туриш қоидаларини қўпол равишда менсимаслик” деган жумла ишлатилмаган.

Сабаби бир қилмиш айрим вазиятда “қўпол” деб топилиши, бошқа вазиятда эса “қўпол” деб топилмаслиги мумкин. И.И.Косарев ҳам жамоат тартибини “қўпол” бузишни “қўпол бўлмаган” бузишдан фарқлаш мумкин эмас [8] лигини айтади.

Жамиятда юриш-туриш қондасини қасддан менсимаслик барча томонидан тан олинган хулқ-атвор қоидаларини менсимаслик, бошқаларни ҳурмат қилмаслик, бошқаларга нисбатан устунлигини ошқора намойиш қилишда ифодаланади. Атрофдагиларнинг фикрини менсимаслик, бошқаларнинг огоҳлантиришига эътибор қилмаслик ёки бундай огоҳлантиришдан сўнг тажовузкорликни янада ошириш жамиятга нисбатан ҳурматсизликни ифодалайди [9]. Бундай ҳурматсизлик аниқ, яъни ошқора, айбдорнинг ўзида ва безорилик натижасида жабр кўрганларда, шунингдек, бу ҳолатнинг гувоҳи бўлганларда ҳеч қандай шубҳа туғдирмаслиги лозим. Бироқ бундан безорилик жамоат жойида ва жамоа олдида, яъни вазиятни кузатиб турган бошқа шахслар кўз ўнгида содир этилиши лозим, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак.

Аммо қатор олимлар безориликнинг зарурий белгиси сифатида унинг жамоат жойида содир этилган бўлиши шартлигини кўрсатадилар [10]. Биз безориликда жиноят содир этилган жой қилмишнинг квалификациясига таъсир қилмайди, бундан ташқари безориликнинг зарурий белгиси эмаслиги [11]ни таъкидловчи олимларнинг фикрига қўшилаемиз. Чунки ЖК 277-моддаси диспозициясида жиноят содир этиш жойи зарурий белги сифатида кўрсатилмаган. Иккинчидан, суд-тергов ходимлари қилмишни безорилик, деб топишда жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, фақат жиноят қонунида белгиланган субъектив ва объектив белгиларга асосланадилар. Безориликнинг жамоат тартиби сақланиши лозим бўлган барча жойда содир этилиши мумкин [12]лигини таъкидлаган тадқиқотчиларнинг фикри ҳам асосли эмас.

Жиноят ҳуқуқига оид адабиётлар, шунингдек, суд-тергов амалиётида ошқораликни безориликнинг зарурий белгисига киритиш масаласида ягона фикр мавжуд эмас. Ошқоралик белгиси жиноят содир этилаётган вақтда бошқа шахсларнинг ҳам воқеа жойида бўлиши кераклигини билдиради. М.Х.Рустамбаев ошқораликни безориликнинг зарурий белгиси, деб билиб, жамиятга ҳурматсизлик омма олдида амалга оширилган бўлиши керак. Одам йўқ, ҳеч ким бўлмаган жойда жиний ҳаракатларнинг содир этилиши безорилик эмас, бошқа жиноят сифатида квалификация қилинади [13], дейди.

Жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимасликда ифодаланувчи ҳаракатлар кўп ҳолларда ошқора содир этилади, чунки безорининг жамоат жойида, бошқа шахсларнинг кўз ўнгида жамиятга нисбатан ҳурматсизлигини ифода қилиши ва жамоат тартибини бузиши осонроқ бўлади. Бу каби вазиятларда безори кўпинча низо келтириб чиқаришга ҳаракат қилади. Аммо безори ошқора бўлмаган ҳаракатлари билан ҳам жамоат тартибини бузиши ва жамиятга нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлиши мумкин, масалан, хиёбонлардаги гуллар майсаларни пайҳон қилиш, тўсиқларни бузишга қаратилган ҳаракатлар ҳам жамиятга ҳурматсизликни ифодалайди.

М.А.Утанов ошқоралик белгисига қарши чиқиб, безори ўз ҳаракатларини бошқа шахсларнинг иштирокисиз ҳам содир этиши мумкин, дейди. Бунга ҳеч ким йўқ жойда шахсни уриш-дўппослаш, ҳақорат қилиш, аёл кишига нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш, телефон орқали уятсиз сўзларни айтиб ҳақорат қилиш, шунга ўхшаш хатларни юбориш кабиларни киритади [14]. Телефон ёки хат орқали бировни ҳақорат қилиш каби ҳаракатларнинг муаллиф томонидан безорилик сифатида баҳоланишини тўғри эмас, деб ҳисоблаймиз. Бу ҳолатда жамоат тартиби, яъни жамиятда ўрнатилган юриш-туриш, одоб-ахлоқ, урф-одат нормалари бузилмайди, балки, шахснинг шаъни-қадр қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларга зарар етказилади.

Юқоридаги фикрларга асослансак, ошқоралик белгиси жиноят содир этишда бошқа шахсларнинг иштироки билан бевосита боғлиқдир. Мазкур жиноятда безори кўпинча бошқаларнинг кўз ўнгида жамиятга нисбатан ўзининг ҳурматсизлигини ифодаласа-да, ҳар доим ҳам бошқаларнинг бўлиши талаб қилинавермайди [15]. Шунингдек, безорилик ҳеч ким бўлмаган вақтда уйда, подъездда, ҳовлида, хиёбонда ҳам содир этилиши мумкин. Бундай вазиятларда безорилик ошқоралик белгисига эга бўлмайди. Ҳатто, содир этилгандан сўнг бошқа шахсларга маълум бўлган безорилик ҳаракатларини ҳам ошқора деб бўлмайди.

Безориликка ўхшаш ҳар бир вазиятда нафақат айбдорнинг ҳаракатлари, балки, жабрланувчининг хулқ-атвори ҳам ҳисобга олиниши лозим. Агар ўртадаги келишмовчиликнинг сабабчиси жабрланувчи бўлган ёки айбдор жабрланувчини олдиндан ёмон кўрган бўлса, унинг ҳаракатлари безорилик ёки безорилик оқибатида содир этилган бошқа жиноят сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида: “Безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш жиноятини ўзаро жанжал ёки урушиш оқибатида содир этилган қотилликдан (ЖК 97-м., 1-қ.) фарқлаш учун уруш-жанжал ташаббускори ким эканлигини, низо одам ўлдиришда баҳона сифатида фойдаланиш мақсадида айбдор томонидан атайлаб уюштирилган-уюштирилмаганлигини аниқлаш лозим. Агар уруш-жанжал жабрланувчи томонидан бошланган бўлса ёки низога унинг ғайриҳуқуқий хулқ-атвори сабаб бўлса, айбдор безорилик оқибатида одам ўлдириш жинояти учун жавобгар бўлмайди” [16], дейилган.

С.В.Бородиннинг қилмишни безорилик оқибатида содир этилган, деб топиш учун “айбдор шахсни бу жиноятнинг “ташаббускори” ёки “фаол тарафи” эканлиги муҳим эмас, балки бунда айбдорнинг жиноят содир этиш мотиви муҳимдир” [17], деган фикри асослидир.

Безориликнинг объектив томони жамоат тартибини бузувчи ҳаракатларни содир этиш ва жамиятга нисбатан очиқдан-очиқ ҳурматсизликда намоён бўлади. Ўз мазмунига кўра безорилик ҳаракатлари оқибатида нафақат жамоат тартиби, балки, фуқароларнинг соғлиғи, жисмоний дахлсизлиги ва мулкӣ ҳуқуқларига ҳам зарар етказилади. Жамоат тартибини бузиш шахсга зўрлик ишлатиш, уриш дўппослаш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилганида безорилик таркибини ташкил қилади (ЖК 277-м. 1-қ.). Бу ҳаракатлар ўз хусусиятига кўра жамиятга нисбатан очиқдан-очиқ ҳурматсизликни, ўзига ёки бошқаларга аниқ ва ошқора ҳолда умум томонидан тан олинган хулқ-атвор, ахлоқ қоидаларига эътибор бермасликда ифодаланади. Бу қилмишлар оқибатида баданга шикаст етказилган ёки мулк нобуд қилинган ёхуд унга шикаст етказилган бўлиши шарт, яъни жиноий оқибат талаб этилади. В.И.Ткаченконинг фикрича, безорилик жамоат тартиби қўпол равишда бузилган пайтдан тамом бўлган ҳисобланади. Бундай ҳаракатлар зўрлик ишлатиб содир этилган безориликда аҳамиятга эга бўлади, агар безорилик ўзганинг мулкни нобуд қилиш ёки шикаст етказишга сабаб бўлса, қилмиш ва оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги аниқланиши лозим [18].

Безорилик объектив томони белгиларидан яна бири унинг зўрлик ишлатиб содир этилишидир. Зўрлик ишлатаётган шахс жамиятда ўрнатилган юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимайди. Шунинг учун безориликда ишлатилган зўрлик шахсга қарши жиноятларнинг объектив белгиларига ўхшашдир.

А.В.Иващенко қонун чиқарувчи “зўрлик” деганда жисмоний зўрликни назарда тутишини таъкидлайди. Зўрлик ишлатиш билан кўрқитилса, яъни руҳий зўрлик мавжуд бўлса, безориликнинг таркиби мавжуд бўлмайди ва қилмиш ЖКнинг бошқа нормаси билан квалификация қилиниши зарур [19], дейди. Безориликда ишлатиладиган зўрлик тушунчасига бундай ёндашув айрим олимларнинг эътирозига сабаб бўлиб, улар ҳар қандай зўрлик жабрланувчига руҳий азоб беришини [20] айтадилар. А.А.Отажоновнинг фикрича, зўрлик инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига сабаб бўлувчи бир ёки бир гуруҳ шахслар томонидан руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатишдир [21].

Безориликда ишлатиладиган зўрликни тўғри баҳолаш учун унинг турларини кўриб чиқиш зарур. ЖК айрим нормаларида зўрликнинг: зўрлик, соғлиқ ёки ҳаёт учун хавfli бўлган зўрлик, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик турлари назарда тутилган. Безорилик содир этилганида зўрликнинг юқорида келтирилган барча турлари бир пайтда ишлатилиши мумкин. Биз ўрганган жиноят ишларининг 92 фоизда қилмиш уриш-дўппослаш ва баданга шикаст етказишда ифодаланувчи ҳаракатлар орқали содир этилган.

Безориликда ишлатиладиган зўрликнинг биринчи тури уриш-дўппослашдир. Унинг зарурий белгиси баданга шикаст етмайди, яъни шахснинг жисмоний дахлсизлигига зарар етади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 майдаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида уриш-дўппослашга айбдор томонидан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан бузиб, шахснинг баданига шикаст етказмаган ҳолда бир неча зарба бериш [22], деб тушунтириш берилган. ЖК ушбу нормасига берилган илмий шарҳларда ҳам уриш-дўппослаш тушунчасига айнан шундай изоҳ берилган [23]. Ўзбекистон Республикаси юридик энциклопедиясига кўра “дўппослаш – уч ёки ундан ортиқ марта шахсга зарба бериш [24]”.

Мазкур фикрларга асосланадиган бўлсак, агар безори жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан жабрланувчига бир марта зарба берса ва бунинг натижасида баданга шикаст етмаса, қилмиш қандай квалификация қилинади? деган савол туғилади. Қилмишни жиноий безорилик деб топиш учун бир неча бор зарба берилган, яъни жабрланувчи дўппосланган бўлиши керак, маъмурий жавобгарликка сабаб бўлувчи майда безориликнинг объектив томонида “уриш” ҳаракатларини назарда тутилмаган.

Шу сабабли ЖК 277-моддаси 1-қисмидаги “уриш-дўппослаш” тушунчаси ўрнига “дўппослаш” тушунчасини қолдириш мақсадга мувофиқдир. Бу биринчи навбатда, ЖК ўзбек ва рус тилларидаги матнини бир хилда ифодаланишини таъминлайди, чунки ЖК рус тилидаги матнида “уриш-дўппослаш” эмас, “побои”, яъни “дўппослаш” деб берилган. Иккинчидан, “баданга шикаст етказилишига сабаб бўлмаган уриш”нинг майда безорилик доирасига киритилиши безориликнинг бу шакли учун МЖТК 183-моддасида жавобгарлик белгиланишига асос бўлади.

Безориликни содир этишда соғлиқ учун хавfli бўлган ва ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик, ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорига кўра, соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчига соғлиғининг бузилишига сабаб бўлган тан жароҳати етказиш ёки шундай тан жароҳати етказиш хавфини туғдирувчи ҳаракатлар (чаккага, қуёш чигалига уриш ва ҳ.қ.) тушунилади.

Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиш деганда, баданга енгил шикаст етказиш тушунилиши лозим. Бундай зўрлик жабрланувчига жисмоний азоб берувчи ёки унинг эркинлигини чеклаб қўювчи ҳаракатларда ифодаланиши мумкин” [25].

Қилмишни ЖК 277-м. 1-қ. билан квалификация қилиш учун айбдор ишлатган зўрлик ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаслиги, яъни баданга енгил шикаст етказилиши лозим. Баданга шикаст етказиш деганда, инсон органлари ёки организми тўқималари анатомик тўқислиги ёки улар физиологик функциясининг ташқи таъсир оқибатида бузилиши тушунилмоғи лозим [26]. “Баданга шикаст етказиш деб – инсон танасининг бирон-бир аъзосига муайян даражада тан жароҳати етказишни тушунмоқ лозим, яъни етказилган тан жароҳати натижасида шахс соғлиғининг йўқолиши, ёки аъзоларидан ажралиши, ёхуд аъзолари сақланиб қолса-да, уларнинг ўз фаолиятини йўқотиши ёки баданнинг анатомик бутунлигининг бузилиши ёхуд меҳнат қобилиятининг маълум даражада йўқотиш ҳоллари ёки ҳомиланинг тушишини тушунмоқ керак” [27]. ЖК 109-моддаси мазмунига кўра: шахс соғлиғини қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган (109-м. 1-қ.) енгил шикаст, шунингдек, соғлиғининг бузилишига соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган енгил шикаст (ЖК 109-м. 2-қ.) назарда тутилган.

Демак, ЖК 277-м. 1-қисмидаги енгил шикаст ЖК 109-моддасида назарда тутилган енгил шикастнинг ҳар икки турини ҳам қамраб олади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги

қарорида ҳам шахснинг баданига етказилган тан жароҳати унинг соғлиғи бузилишига олиб келган-келмаганлигининг аҳамияти йўқлиги белгиланган [28]. Лекин соғлиқнинг бузилишига сабаб бўлган енгил шикаст, соғлиқнинг бузилишига сабаб бўлмаган енгил шикастга нисбатан ижтимоий хавфлироқдир. Ҳатто қонун чиқарувчи томонидан ЖК 109-моддаси 1-қисмида соғлиқнинг бузилишига сабаб бўлмаган енгил шикаст учун маъмурий жавобгарлик белгиланишини, ушбу модданинг 2-қисмида эса соғлиқнинг бузилишига сабаб бўлган енгил шикаст етказганлик тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши назарда тутилган. Биз томонимиздан ўрганилган 310 та суд ҳукмининг бирортасида безорилик натижасида соғлиқнинг бузилишига сабаб бўлмаган енгил шикаст ЖК 277-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинмаган. Бу каби қилмишлар амалиётда майда безорилик сифатида баҳоланада ва биз ҳам уни тўғри, деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, ЖК 277-моддасидаги “баданга енгил шикаст етказиш” жумласидан олдин “соғлиқнинг бузилишига сабаб бўлган” жумлани киритилиши тўғри бўлар эди.

Безориликда ишлатилган соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик баданга ўртача шикаст етишига сабаб бўлса, қилмиш ЖК 277-моддаси 2-қисми “а” банди билан квалификация қилинади. Агар безориликда ишлатилган ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик натижасида жабрланувчининг ўлими юз берса ёки баданга оғир шикаст етса, қилмиш ЖК 97-моддаси 2-қисми “л” банди ёхуд ЖК 104-моддаси 2-қисми “е” банди билан квалификация қилинади.

Безорилик оқибатида ўзга шахсларнинг мулки нобуд бўлиши ёки унга шикаст етказилиши мумкин. Қонунда безориликнинг предмети ўзганинг мулки бўлишини белгилаб қўйилган. Ўзганинг мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш билан қўрқитиш орқали жамоат тартибини қўпол равишда бузиш жиноят ҳисобланмайди. Жиноят қонунида безорилик оқибатида мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш анча миқдорни, яъни базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдорни ташкил этиши кераклиги белгиланган.

Ўзганинг мулкни нобуд қилиш деганда, унинг яроқсиз ҳолга келтирилиши, мулкка шикаст етказиш деганда, унга жинояткорона муносабат натижасида мулкнинг хўжалик мақсадларида фойдаланиш хусусиятларини вақтинча ёки қисман йўқотиши, аммо уни тиклаш ва келажакда бирор тарзда фойдаланиш мумкинлиги тушунилади [29].

Лекин айрим олимлар безорилик жамоат тартибига тажовуз қилувчи жиноят эканидан келиб чиқиб, жамоат тартибининг бузилганлик даражаси мулккий зарарга бевосита боғлиқ эмаслигини таъкидлайди. Уларнинг фикрича, ўзганинг мулкни нобуд қилиш ёки шикаст етказиш билан қўрқитилса, шунингдек, етказилган зарар анча миқдорни ташкил этмаган бўлсада, жамоат тартибини қўпол равишда бузилиши ҳам безорилик тартибини ташкил қилиши лозим [30], мулккий зарарнинг йўқлиги жамоат тартиби бузилмаганини билдирмайди [31]. М.А.Утанов эса, безорилик ҳаракатларида ўзганинг мулкни нобуд қилиш ёки шикаст етказишга уринишни безорилик жиноятига суиқасд [14], деб квалификация қилган.

Мулккий зарар етказиш билан боғлиқ бўлган безорилик ҳаракатларини бу каби квалификация қилинишига қуйидаги асосларга кўра қўшилмаймиз: 1) ЖК 277-моддаси тузилишига кўра мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш анча миқдорни ташкил қилиши лозим; 2) ушбу норма диспозициясида мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш билан қўрқитиш безориликнинг белгиси сифатида назарда тутилмаган; 3) безорилик келиб чиққан оқибатга қараб квалификация қилинади. Агар безорилик натижасида ЖК 277-моддасида назарда тутилган оқибатлар келиб чиқмаса, қилмиш унга суиқасд эмас, балки, майда безорилик сифатида МЖТК183-моддаси квалификация қилиниши керак.

Шунингдек, ЖК 277-моддаси 1-қисми диспозициясида ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ҳаракатлари назарда тутилмаган, ЖК 277-моддаси 2-қисми “в” бандида эса совуқ қурол ёки кишининг соғлиғига шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намоиш қилиб, уларни қўллаш билан қўрқитиб ёхуд

қўллаб содир этилган безорилик учун жавобгарлик белгиланган. Лекин жамиятда юриш туриш қоидаларини қасддан менсимасдан ҳеч қандай қуролни қўлламаган ҳолда ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишда ифодаланган ҳаракат учун жавобгарлик белгиланмаган. Амалиёт ходимлари ўртасида ўтказилган сўровда иштирок этганларнинг 95 фоизи амалдаги жиноят қонунида безориликнинг ушбу тури учун жавобгарлик белгиланмагани туфайли бу каби қилмишлар майда безорилик ва ЖК 112-моддаси билан, агар безориликнинг бошқа аломатлари бўлмаса, жиноятлар жами сифатида квалификация қилинишини айтганлар.

Кўплаб давлатлар жиноят қонунчилигида айнан зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган безорилик учун жавобгарлик мавжуд. Жумладан, Қозоғистон Республикаси ЖК 257-моддаси, Беларусь Республикаси ЖК 333-моддасида “зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш”да ифодаланувчи безорилик учун жавобгарлик назарда тутилган. Юқоридагиларни эътиборга олиб, ЖК 277-моддаси 1-қисмини “ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш”, деган жумла билан тўлдиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

ЖК 277-м. диспозициясини таҳлил қилиш безорилик объектив томонининг қуйидаги белгиларини ажратиш имконини берди: оддий зарурий белги (жамиятда юриш-туриш қоидасини қасддан менсимаслик), мураккаб зарурий белги (уриш-дўппослаш, баданга шикаст етказиш, мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш). Безориликнинг иккинчи белгисида қонунда кўрсатилган ҳолатлардан бири ёки бир нечтаси бир пайтда мавжуд бўлиши мумкин. Безорилик объектив томонининг оддий ва мураккаб белгиларини қуйидаги шаклларга ажратдик:

1) жамиятда юриш-туриш қоидасини қасддан менсимасликнинг уриш-дўппослаш билан боғлиқ ҳолда содир этилиши;

2) жамиятда юриш-туриш қоидасини қасддан менсимасликнинг баданга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилиши;

3) жамиятда юриш-туриш қоидасини қасддан менсимасликнинг мулкни нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилиши;

4) жамиятда юриш-туриш қоидасини қасддан менсимасликнинг мулкни нобуд қилиш ва баданга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилиши;

5) жамиятда юриш-туриш қоидасини қасддан менсимасликнинг мулкни нобуд қилиш ва уриш-дўппослаш билан боғлиқ ҳолда содир этилиши;

6) жамиятда юриш-туриш қоидасини қасддан менсимасликнинг мулкни нобуд қилиш, уриш-дўппослаш ва баданга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилиши.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқорида кўрсатилган ҳолатлар билан қамраб олинмаган ҳаракатлар жинойий безорилик сифатида баҳоланиши мумкин эмас.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик (Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри)/Р. Кабулов, АА Отажонов ва бошқ. //Т.: Ўзбекистан Республикаси ИИБ Академияси. – 2012. – Т. 482.

2. Косарев И.И. Хулиганство и хулиганские побуждения как уголовно-правовой феномен: Автореф... канд. юрид. наук: 12.00.08. - М.: РГБ, 2012. -С. 19. // URL: <https://www.dissercat.com/content/khuliganstvo-i-khuliganskie-pobuzhdeniya-kak-ugolovno-pravovoi-fenomen>

3. Борисов С.В. Хулиганство: уголовно-правовой и криминологический аспекты: Дис... канд. юрид. наук: 12.00.08. - М.: РГБ, 2005. -С. 85. // URL: <https://www.dissercat.com/content/khuliganstvo-ugolovno-pravovoi-i-kriminologicheskii-aspekty>

4. Рапог А.И. Субъективная сторона и квалификация преступлений. –М., 2001. – С.37. // URL: <http://lawlibrary.ru/izdanie40198.html>

5. Зарубин В. Спорные вопросы субъективной стороны хулиганства // Уголовное право, 2001. – №3. – С.13. // URL: <https://lawlibrary.ru/article1117188.html>

6. Утанов М.А. Проблемы борьбы с хулиганством. Монография. –Альматы: Аян Эдет, 1998. – С. 33-34.

7. Отажонов А. А. Жиноят кодекси Махсус қисмида иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш //Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ахборотномаси.–Тошкент. – 2015. – Т. 1. – С. 21.

8. Косарев И.И. Хулиганство и хулиганские побуждения как уголовно-правовой феномен: Автореф... канд. юрид. наук: 12.00.08. - М.: РГБ, 2012. –С. 19. // URL: <https://www.dissercat.com/content/khuliganstvo-i-khuliganskie-pobuzhdeniya-kak-ugolovno-pravovoi-fenomen>

9. Уголовное право. Особенная часть. Т.2 / Под ред. Л.Д. Гаухмана, СВ. Максимова. – М., 1999. – С. 36. // URL: <http://lawlibrary.ru/izdanie22062.html>

10. Аметов А.Ж. Безориликнинг ижтимоий хавфлиги // “Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. -Тошкент: ТДЮИ, 2011 –Б. 314.

11. Зарубин В.И. Уголовная ответственность за хулиганство: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2001. –С.54-55. // URL: <https://www.dissercat.com/content/ugolovnaya-otvetstvennost-za-khuliganstvo>

12. Отажонов А.А. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар. – Т., 2013. – Б. 5.

13. Рустамбаев М. Х., Отажонов А. А. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот Дарслик //Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Миллия гвардия Ҳарбий-техник институти. – 2018. – Т. 648.

14. Утанов М.А. Проблемы борьбы с хулиганством. Автореф. дис. ... к.ю.н. – Тошкент, 1998. –С. 20.

15. Есина Л.А. Квалификация хулиганства и иных преступлений, совершенных из хулиганских побуждений(уголовно-правовые и криминологические аспекты): Автореф... канд. юрид. наук: 12.00.08. – Челябинск: Челябинский государственный университет, 2011. – С. 15. // URL: <https://www.dissercat.com/content/kvalifikatsiya-khuliganstva-i-inykh-prestuplenii-sovershennykh-iz-khuliganskikh-pobuzhdenii>

16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006, 2-жилд. – Тошкент: “O’qituvchi” НМИУ, 2007. – Б. 110.

17. Бородин СВ. Преступления против жизни - М.: Юристъ, 2000. – С. 149. // URL: <https://e.lanbook.com/book/146208>

18. Ткаченко В.И. Преступления против общественной безопасности // Уголовное право Российской Федерации. Особенная часть. –М, 2019. – С. 264. // URL: <http://lawlibrary.ru/izdanie45760.html>

19. Иващенко А. В. Насилие и уголовный закон // Социально-правовые проблемы борьбы с насилием: межвуз. сб. науч. тр. – Омск, 1996. – С. 28-39.

20. Сердюк А.В. О понятие насилия в уголовном праве // Актуальные проблемы обеспечения безопасности личности, общества и государства в современных условиях // Сборник материалов научно-практической конференции. 26 апреля 2011 г. Уфа. Т.2. – С.150. // URL: <http://lawlibrary.ru/izdanie42034.html>

21. Otajonov A. A. Legal analysis of signs participation in the crime //Право и жизнь. – 2019. – №. 1. – С. 60-65.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006, 2-жилд. – Тошкент: “O’qituvchi” НМИУ, 2007. – Б. 110.

23. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси ЖКга шарҳлар (Махсус қисм) – Т.6 “ILM ZIYO”, 2016. – С. 816. // URL: <https://library-tsul.uz/uzbekiston-respublikasining-zhinoyat-kodeksiga-shar-mahsus-ism-rustamboev-m-h-2016/>

24. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. –Тошкент: Адолат, 2010. – Б. 142. // URL: <https://library-tsul.uz/uzbekiston-yuridik-entsiklopediyasi-2009/>

25. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006, 1-жилд. – Тошкент: “O‘qituvchi” НМИУ, 2007. – Б. 222. // URL: <https://lex.uz/docs/1448644>

26. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2007 йил 27 июндаги 6-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. 2007 йил № 3. – Б. 3. // URL: <https://lex.uz/docs/1592419>

27. Бакунов П. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш жинояти. Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир ю.ф.н., доц. М.Усмоналиев – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010. – Б. 7.

28. Ўзбекистон Республикаси Олий суди қарорлари тўплами, 1991-2006. 2-жилд. – Т.: “O‘qituvchi”, 2007. – Б. 110. // URL: <https://lex.uz/docs/1452654>

29. Жиноят ҳуқуқи: Олий ўқув юртарининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун/ М.Х.Рустамбоев, Ф.Тохиров, А.К.Эркаходжаев; Ҳ.Б.Бобоев таҳрири остида. Масъул муҳаррир Й.М.Каракетов. – Тошкент: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи. – 1998. Б. 238-239.

30. Криволапов Г.Г. Преступления против общественной безопасности // Уголовное право. Часть Общая. Часть Особенная / Под ред. Н.И.Ветрова. – М., 2001. – С.454.

31. Шинкарук В.М. Ответственность за хулиганство в Российском уголовном праве: Дис... канд. юрид. наук: 2002. – С. 84. // URL: <https://www.dissertat.com/content/otvetstvennost-za-khuliganstvo-v-rossiiskom-ugolovnom-prave>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

TOSHEVA Maftuna Anvar qizi

Mehnat va ijtimoiy munosabatlar Akademiyasining katta-o'qituvchisi,
Toshkent davlat yuridik universiteti tayanch doktoranti (PhD)

Email: maftunaaslonova@gmail.com

QO'SHMACHILIK QILISH YOKI FOHISHAXONA SAQLASH JINOYATINING JINOYAT-HUQUQIY JIHLTLARI

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): TOSHEVA M.A. Qo'shmachilik qilish yoki fohishaxona saqlash jinoyatining jinoyat-huquqiy jihatlari// Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2024) В. 62-68.

 4 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-4-7>

ANNOTATSIYA

Fohishaxona tashkil qilish va saqlash, qo'shmachilik qilish jinoyatlari O'zbekiston Respublikasida jiddiy ijtimoiy muammo hisoblanadi. Ushbu jinoyatlar jinoyat kodeksining 131-moddasida belgilangan bo'lib, jamiyatning turli sohalariga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Muallif, bu jinoyatlar jamiyatga salbiy ta'sir ko'rsatib, axloqiy qadriyatlarining buzilishiga va jinoyatchilikning oshishiga olib kelishini ta'kidlaydi. Ushbu jinoyatlar jinsiy yo'l bilan yuqadigan kasalliklarning tarqalishiga, oilaviy muhitning buzilishiga, va yashirin iqtisodiyotning rivojlanishiga sabab bo'lib, sog'liqni saqlash va iqtisodiy muammolarni keltirib chiqaradi. Maqola jinoyat-huquqiy jihatlarni o'rganib, qo'shmachilik qilish va fohishaxona saqlashning obyektiv va subyektiv tomonlari, uning xavfliligi va jamiyatga yetkazadigan zararlari haqida batafsil ma'lumot beradi.

Kalit so'zlar: Qo'shmachilik, fohishaxona saqlash, Jinoyat kodeksining 131-moddasi, axloqiy buzilish, jinsiy yo'l bilan yuqadigan infeksiyalar, jinoyatning subyektiv tomonlari, jinoyatning obyektiv tomonlari, odam savdosi, jinsiy ekspluatatsiya.

TOSHEVA Maftuna

Senior Lecturer at the Academy of Labor and Social Relations,
PhD student at Tashkent State University of Law

Email: maftunaaslonova@gmail.com

CRIMINAL ASPECTS OF THE CRIMES OF PANDERING OR MAINTAINING BROTHELS

ANNOTATION

Crimes related to the organization and maintenance of brothels, as well as pandering, are serious social problems in the Republic of Uzbekistan. These crimes are provided for under Article 131 of the Criminal Code and have a negative impact on various sectors of society. The author emphasizes that these crimes negatively affect society by leading to the destruction of moral values and an increase in crime rates. These crimes contribute to the spread of sexually transmitted infections, the breakdown of family structures, and the development of the shadow economy, causing problems in the healthcare and economic sectors. The article examines the

criminal-law aspects, the objective and subjective sides of pandering and maintaining brothels, their dangers, and the harm they cause to society.

Keywords: Pandering, brothel maintenance, Article 131 of Criminal code, moral degradation, sexually transmitted infections, subjective elements of crime, objective elements of crime, human trafficking, sexual exploitation.

ТОШЕВА Мафтуна Анваровна

Старший преподаватель Академии труда и социальных отношений, Докторант (PhD) Ташкентского государственного юридического университета

Email: maftunaaslonova@gmail.com

УГОЛОВНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ПРЕСТУПЛЕНИЯ СВОДНИЧЕСТВО ИЛИ СОДЕРЖАНИЕ ПРИТОНОВ

АННОТАЦИЯ

Преступления, связанные с организацией и содержанием притонов, а также сводничество, являются серьезной социальной проблемой в Республике Узбекистан. Эти преступления предусмотрены статьей 131 Уголовного кодекса и оказывают негативное влияние на различные сферы общества. Автор подчеркивает, что эти преступления негативно влияют на общество, приводя к разрушению моральных ценностей и росту преступности. Эти преступления способствуют распространению инфекций, передающихся половым путем, разрушению семейного уклада и развитию теневой экономики, вызывая проблемы в сфере здравоохранения и экономики. Статья изучает уголовно-правовые аспекты, объективные и субъективные стороны сводничества и содержания притонов, их опасность и вред, наносимый обществу.

Ключевые слова: Сводничество, содержание притонов, статья 131 Уголовного кодекса, моральное разложение, инфекции, передающиеся половым путем, субъективные элементы преступления, объективные элементы преступления, торговля людьми, сексуальная эксплуатация.

Fohishaxona tashkil qilish va saqlash, shuningdek, qo'shmachilik qilish jinoyatlari jamiyatning barqarorligiga jiddiy tahdid soladi. Ushbu jinoyatlar:

Oilaviy muhitga zarar yetkazadi: Jinsiy xizmatlar ko'rsatish faoliyati ko'pincha oilalarni buzadi, er-xotinlar orasida ishonchsizlik va nizolarni kuchaytiradi. Bu esa oilaviy muhitga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Jamiyatda axloqiy qadriyatlarni buzadi: Fohishalik va qo'shmachilik kabi jinoyatlar jamiyatda axloqiy qadriyatlarning buzilishiga olib keladi. Bu jinoyatlar jamiyat a'zolari orasida noto'g'ri axloqiy me'yorlarni shakllantiradi.

Jinoyatchilikning oshishiga olib keladi: Fohishalik va qo'shmachilik bilan shug'ullanish ko'pincha boshqa jinoyatlar, masalan, odam savdosi, narkotik moddalar savdosi va boshqa huquqbuzarliklar bilan bog'liq bo'ladi. Bu esa jamiyatda umumiy jinoyatchilikning oshishiga sabab bo'ladi [1, B.197].

Bundan tashqari, fohishaxona tashkil qilish va saqlash, qo'shmachilik qilish jinoyatlari sog'liqni saqlash sohasida ham jiddiy muammolarni keltirib chiqaradi: jinsiy yo'l bilan yuqadigan kasalliklarning tarqalishiga, ya'ni fohishalik faoliyati jinsiy yo'l bilan yuqadigan kasalliklarning keng tarqalishiga olib keladi. Bu kasalliklar, masalan, OIV/OITS, sifilis, gonoreya va boshqa infeksiyalar odamlar orasida tez tarqaladi. Shuningdek, fohishalik bilan shug'ullanuvchi ayollar ko'pincha reproduktiv salomatlik muammolariga duch kelishadi. Ular o'z vaqtida tibbiy yordam olish imkoniyatiga ega bo'lmaganligi sababli, sog'liq muammolari og'irlashadi. Bundan tashqari, fohishalik faoliyati bilan shug'ullanuvchi shaxslar ko'pincha ruhiy va psixologik salomatlik muammolariga duch kelishadi. Bu muammolar ular orasida depressiya, stress va boshqa

psixologik kasalliklarni keltirib chiqaradi.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, fohishaxona tashkil qilish va saqlash, qo'shmachilik qilish jinoyatlari iqtisodiy muammolarni ham keltirib chiqaradi. Ushbu jinoyatlar yashirin iqtisodiyotning rivojlanishiga olib keladi. Fohishalik faoliyati qonuniy bo'lmaganligi sababli, bu faoliyatdan olinadigan daromad soliq to'lovlaridan chetda qoladi. Bu esa davlat budjetiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Ko'plab ayollar va qizlar iqtisodiy qiyinchiliklar yoki ish topa olmaslik sababli fohishalik bilan shug'ullanishga majbur bo'lishadi. Bu esa ishsizlik va kambag'allik darajasining oshishiga olib keladi. Shuni alohida e'tirof etish kerakki, fohishalik va qo'shmachilik jinoyatlari bilan kurashish uchun davlat ko'p mablag' sarflaydi. Bu mablag'lar huquqni muhofaza qilish organlari faoliyatiga, sog'liqni saqlash xizmatlariga va ijtimoiy himoya dasturlariga sarflanadi.

Fohishaxona tashkil qilish va saqlash, qo'shmachilik qilish jinoyatlari huquqiy va ijtimoiy adolatsizlikni kuchaytiradi. Fohishalik faoliyati ko'pincha odam savdosi va majburiy mehnat bilan bog'liq bo'ladi. Jinoyatchilar ayollarni aldab yoki majburlab jinsiy xizmatlar ko'rsatishga majbur qilishadi. Bu esa odamlarning huquqlarini buzadi va adolatsizlikni kuchaytiradi. Fohishalik bilan shug'ullanuvchi shaxslar ko'pincha qonuniy himoyaga ega bo'lmaydi. Ular huquq-tartibot organlaridan qo'rqib, o'zlariga zarar yetkazgan jinoyatchilarga qarshi chora ko'ra olmaydilar.

O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksiga muvofiq, qo'shmachilik qilish yoki fohishaxona saqlash jinoiy qilmish sanaladi. Fohishalik bilan shug'ullanganlik uchun Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksning 190-moddasiga ko'ra, ma'muriy javobgarlik o'rnatilgan. Fohishalik – pul yoki boshqa moddiy foyda evaziga jinsiy xizmat ko'rsatadigan faoliyatdir. Bu munosabatlar odatda shaxsiy hissiyotlardan yiroq bo'lib, ko'pincha begona odamlar bilan amalga oshiriladi va muntazam ravishda takrorlanadi. Yani, bu ish tizimli tarzda davom ettiriladi va xizmatlar uchun haq olinadi. Niyozova S.S fohishalikning ijtimoiy xavfliligini e'tiborga olib, mazkur qilmishni O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksida jinoyat sifatida mustahkamlanishi maqsadga muvofiqligini ilgari suradi [2, B.160]. Misol uchun, Buxoroda 2017-yil OITS bilan kasallangan fohisha ayol qariyb 4 yil davomida kasallikni qasddan qirqqa yaqin erkaklarga yuqtirib kelgan, achinarlisi ushbu erkaklar ayollariga ham ushbu kasallikni yuqtirgan [3].

O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 131-moddasida nazarda tutilgan qo'shmachilik qilish yoki fohishaxona saqlash jinoyatining *bevosita obyekt* – ijtimoiy axloq normalarini ta'minlovchi ijtimoiy munosabatlar hisoblanadi [4, B.243]. L.M. Prozumentov fohishalikka jalb qilish jinoyatining asosiy bevosita obyekt jamiyat odob-axloqidir, bu jamiyatda hukmron bo'lgan qarashlar tizimi va pul mukofoti evaziga ko'ngilli ravishda muntazam jinsiy xizmatlar ko'rsatishni me'yoriy baholashdan iborat qismidir [5, B.505] deb tushuntiradi. M.X. Rustambaev “qo'shmachilik qilish - g'arazli yoki boshqa past niyatlarni ko'zlab, manfaatdor shaxslarga jinsiy aloqa qilish yohud jinsiy ehtiyojlarni g'ayritabiiy qondirish uchun jinsiy aloqa sheriklarini topishda yordam ko'rsatishdan iborat” [6, B.182] deb tushuntiradi. Yuqoridagilarni inobatga olib, ko'rib chiqilayotgan jinoyatning qo'shimcha bevosita obyekt – insonlarning sog'lig'ini ta'minlovchi ijtimoiy munosabatlar deyish mumkin.

Shunday ekan, qo'shmachilik qilish jinoyatining *obyektiv tomondan*: qo'shmachilik qilish, fohishaxona tashkil qilish va saqlashda ifodalanadi, ya'ni bu harakatlar: vositachilik qilish, mijozlarni ta'minlash, xizmatlarni uyushtirish harakatlari orqali amalga oshiriladi. Qo'shmachilik qilish jinoyati jinsiy xizmatlar ko'rsatish uchun mijozlar va fohishalar orasida vositachilik qilishni anglatadi. Bu vositachilik orqali mijozlar va fohishalar orasida aloqa o'rnatiladi va jinsiy xizmatlar ko'rsatilishi ta'minlanadi. Mijozlarni ta'minlash: Qo'shmachilar mijozlarga fohishalarni tanishtiradilar va ularning jinsiy xizmatlardan foydalanishini ta'minlaydilar. Qo'shmachilar jinsiy xizmatlar ko'rsatilishini uyushtiradilar, ya'ni mijozlar va fohishalar orasidagi uchrashuvlarni tashkil etadilar, bu jarayonni boshqaradilar.

Fohishaxona tashkil qilish deganda, jinsiy xizmatlar ko'rsatish uchun joy ajratish, ushbu faoliyatni boshqarish va tashkil etish tushuniladi. Bu joylar kvartira, uy, mehmonxona xonasi yoki boshqa turdagi binolar bo'lishi mumkin. *Fohishaxona saqlash* esa, tashkil qilingan fohishaxonani boshqarish, uning faoliyatini ta'minlash va bu joyda jinsiy xizmatlar ko'rsatishni davom ettirish tushuniladi.

Ushbu moddada nazarda tutilgan jinoyatning *subyektiv tomonlarini* aniqlashga yordam beruvchi muhim huquqiy asosdir. A.A. Otajonov “jinoyatning subyektiv tomoni – jinoyat qonunida jinoyat sifatida nazarda tutilgan, aybdorning o‘zi sodir etgan ijtimoiy xavfli qilmishiga ruhiy munosabati bo‘lib, uning aybi, motivi, maqsadi va his-tuyg‘usini ifodalaydi” [7, B.145] deb tushuntiradi. Demak, jinoyatning subyektiv tomoni deganda, jinoyatni sodir etgan shaxsning ichki psixologik holati va niyati tushuniladi. Jinoyatning subyektiv tomoni jinoyatni sodir etuvchi shaxsning ichki niyatlari, motivlari va maqsadlari bilan bog‘liq. Jinoyatning subyektiv tomoni shaxsning qasdi, uning jinoyatni sodir etishga nisbatan ruhiy munosabati orqali aniqlanadi.

Qo‘shmachilik qilish va fohishaxona saqlash jinoyatining subyektiv tomoni faqat to‘g‘ri qasd bilan sodir etilishida, ya‘ni shaxs qilmishining ijtimoiy xavfliligini anglaydi va shu kabi harakalar sodir etishni xohlaydi. Jinoyatni sodir etuvchi shaxs fohishaxona tashkil qilish yoki saqlash, qo‘shmachilik qilish harakatlarini bevosita amalga oshirishga qaror qiladi. Bu holatda shaxs o‘zining harakatlari va ularning oqibatlarini anglaydi va buni amalga oshirishni istaydi. Masalan, bir shaxs ataylab jinsiy xizmatlar ko‘rsatish uchun joy tashkil qiladi va bu joyda jinsiy xizmatlar ko‘rsatilishini boshqaradi. A.A. Otajonov mazkur qilmishni jinoyat deb topishda subyektiv tomonning motivi muhim rol o‘ynashini, g‘arazli va past niyatlardan boshqa motivlarda yoki maqsadlarda sodir etilishi jinoyatni kvalifikatsiyasiga ta‘sir ko‘rsatmasligini tushuntiradi [8, B.247]. G‘arazli niyat – moddiy yoki boshqa ko‘rinishdagi manfaatni ko‘zlansa, boshqa past niyatlarda esa – jabrlanuvchi yoki boshqa shaxslarni kamsitish, ulardan o‘ch olish, xo‘rlash yoki boshqa niyatlarda aks etadi.

Fohishaxona tashkil qilish va saqlash, qo‘shmachilik qilish jinoyatlari ko‘pincha moddiy manfaat olish maqsadida sodir etiladi. Jinoyatchi jinsiy xizmatlar ko‘rsatishdan foyda ko‘rishni maqsad qiladi. Ba‘zi holatlarda jinoyatchi o‘zining ijtimoiy holatini yaxshilash yoki yuqori mavqeega ega bo‘lish maqsadida bunday jinoyatlarni sodir etishi mumkin.

O.A. Petryanina qo‘shmachilik qilish yoki fohishaxona saqlash jinoyat sodir etishda asosiy motiv sifatida, g‘arazli niyatda noqonuniy boyish, boshqalar hisobidan har qanday moddiy foyda olish istagida ifodalangan shaxsiy manfaatdir deb tushuntiradi. Quyidagi obyektiv omillar g‘arazli motivlarini ko‘rsatadi: uchinchi shaxslar tomonidan fohishalikdan foydalanishning o‘ta yuqori rentabellik darajasi; jalb etish va majburlash usullari; tashkil etishning tabiati va usullari; uyning mavjudligi; bu faktni boshqalardan yashirish, ya‘ni massaj saloni, eskort xizmatlari, saunalar, mehmonxonalar va boshqalar sifatida niqoblash; jinoiy faoliyatning ushbu sohasini tashkil etish uchun katta moddiy xarajatlar; joylarning doimiy o‘zgarishi; jinsiy xizmatlar ko‘rsatuvchi shaxslar ro‘yxatini yangilash va boshqalar [9, B.22-23].

Yuqoridagilarni hisobga olib aytish kerakki, jinoyatni sodir etuvchi shaxsning asosiy maqsadi jinsiy xizmatlar ko‘rsatilishini tashkil etish va boshqarish hisoblanadi. Bu maqsad shaxsning o‘zining yoki boshqalarning moddiy manfaatlarini ta‘minlash uchun amalga oshiriladi. Qo‘shmachilik qilish jinoyatining maqsadi mijozlarni jinsiy xizmatlar bilan ta‘minlash va bu xizmatlar uchun vositachilik qilishdir.

Shaxs o‘zining harakatlarini va bu harakatlarning oqibatlarini to‘liq anglaydi. Bu anglash orqali shaxs jinoyatni sodir etish jarayonida uning harakatlari qanday oqibatlarga olib kelishini biladi. Fohishaxona tashkil qilish va saqlash, qo‘shmachilik qilish jinoyatlarini amalga oshirayotgan shaxs o‘z harakatlarining qonunga xilof ekanini va bu harakatlar jinsiy ekspluatatsiya, odam savdosi kabi salbiy oqibatlarga olib kelishini anglab turadi.

Ta‘kidlash kerakki, shaxsning jinoyatni sodir etish niyati uning harakatlariga qasd qilganligini anglatadi. Fohishaxona tashkil qilish va saqlash yoki qo‘shmachilik qilishda shaxsning asosiy niyati jinsiy xizmatlar ko‘rsatilishini tashkil etish va boshqarish, yoki mijozlar va fohishalar o‘rtasida vositachilik qilishdir.

O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat qonuniga ko‘ra, ko‘rilayotgan jinoyatning subyeksi 16 yoshga to‘lgan har qanday aqli raso shaxs hisoblanadi. Biroq, shuni aytish kerakki, fohishaxonalarga tashrif buyuradigan shaxslar jinoiy javobgarlikka tortilmaydi [10, B.183]. Rossiya Federatsiyasi Jinoyat qonunchiligiga ko‘ra, voyaga yetmagan shaxsni, uning voyaga yetmaganligini bilgan holda, fohishalikka jalb qilgan yoki fohishalikni davom ettirishga majburlash jinoyatining subyeksi 18yoshga to‘lgan aqli raso shaxs [11, B.336] hisoblanadi.

Jinoyat kodeksining 131-moddasining 3-qismi og'irlashtiruvchi holatni ham o'rnatadi. Agar jinoyat bir guruh shaxslar tomonidan oldindan kelishilgan holda sodir etilgan bo'lsa, bu holat jinoyatning og'irlik darajasini oshiradi hamda mazkur qism bilan qilmish kvalifikatsiya qilinadi.

Agar qo'shmachilik qilish yoki fohishaxona saqlash jinoyati voyaga yetmagan shaxsni jalb qilib yoki takroran, xavfli retsdivist yoki ilgari JKning 135-, 137-moddalarida o'rnatilgan jinoyatlarni sodir etgan shaxs tomonidan; uyushgan guruh yoki uning manfaatlarini ko'zlab sodir etgan bo'lsa, jinoyatni og'irlashtiruvchi holatlar hisoblanib, JKning 131-moddasi 4-qismi bilan kvalifikatsiya qilinadi.

Yuqoridagilarga asoslangan holda aytish kerakki, O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi fohishalikga majburlash qilmishi uchun javobgarlikni belgilamaydi, hamda mazkur harakatlar o'g'irlashtiruvchi holat ham sanalmaydi. Misol uchun, Urganchda qizlarni fohishalik qilishga majburlagan shaxslar [12] 5.5 yilga qamalganini ko'rishimiz mumkin.

Kurilova E.N. "Qo'shmachilik qilish va fohishaxona saqlash jinoyatida voyaga yetmaganlarni fohishalik shaklida jinsiy ekspluatatsiya qiluvchi shaxslarning tipologiyasini aniqladi: «tashkilotchi» – voyaga yetmaganlarni fohishalik bilan shug'ullanishga jalb qilish uchun faol ekspluatatsiya qiluvchi, shu jumladan ushbu faoliyat uchun tashkilotlangan guruh yoki jinoyat uyushmasi tuzgan, iqtisodiy jihatdan himoyasiz bolalar va o'smirlarning iqtisodiy qaramligini suiste'mol qilib, moddiy foyda olish maqsadida rahbarlik qiluvchi shaxs; «bog'lovchi figura» – bu shaxs turi ziddiyatli axloqiy qarashlarga ega bo'lib, jamiyat qoidalariga nisbatan yengil fikrlilik bilan munosabatda bo'ladi; «potentsial xaridor» – voyaga yetmaganlarning fohishalik bilan shug'ullanishidan foydalanib, jinsiy xizmatlarni sotib oluvchi shaxs" [13, B.18] turlariga ajratadi.

Statistik tahlillarga ko'ra, 2021, 2022 va 2023-yillarda qo'shmachilik qilish va fohishaxona saqlash jinoyatlari bo'yicha qayd etilgan holatlarning 54 foizi ayollar tomonidan sodir etilgan [14]. Ko'pgina ayollar iqtisodiy qiyinchiliklar sababli qo'shmachilik qilish yoki fohishaxona saqlashga majbur bo'lishgan. Ularning aksariyati kambag'al oilalardan chiqqan yoki ish topishda qiyinchiliklarga duch kelgan. Ba'zi ayollar esa psixologik travmalar (masalan, jinsiy zo'ravonlik) yoki ruhiy salomatlik muammolarini boshdan kechirgan shaxslardir, bu esa ularni jinoyat sodir etishga moyil qiladi. Bu ayollar ko'pincha ta'lim va kasbiy imkoniyatlardan cheklangan shaxslar bo'ladi.

JK ning 131-moddasi bo'yicha "Qo'shmachilik qilish va fohishaxona saqlash" jinoyatining 2021, 2022 va 2023-yillardagi statistikalariga ko'ra, jinoyatchi shaxslarning yoshi ushbu jinoyatni sodir etgan boshqa jinoyatchilardan sezilarli darajada farq qiladi. Masalan, 2021-yilda 911 ta qo'shmachilik va fohishaxona saqlash jinoyati sodir etilgan bo'lib, ularning 48 foizini 31-49 yoshli "o'rta yoshli" shaxslar, 27 foizini 50-55 yosh va 60 yoshdan oshgan "katta yoshli" shaxslar, va 26 foizini 18-30 yoshdagi shaxslar sodir etgan.

Bu jinoyatlarning soni keyingi yillarda oshib borgan: 2022-yilda 1204 ta, 2023-yilda esa 1494 ta jinoyat qayd etilgan. Shu bilan birga, jinoyatchi shaxslarning yosh guruhlari ham o'sib borgan. 2023-yilda "yoshlar" tomonidan sodir etilgan jinoyatlar umumiy jinoyatlarning 30 foizini, "o'rta yoshli" shaxslar tomonidan 43 foizini, va "katta yoshli" shaxslar tomonidan 27 foizini tashkil etgan [15].

Ushbu tahlil shuni ko'rsatadiki, "o'rta yoshli" shaxslar, ya'ni 31-49 yoshdagi insonlar, qo'shmachilik va fohishaxona saqlash jinoyatlarini eng ko'p sodir etishadi. Bu yoshdagi jinoyatchilar hayotiy tajribaga ega bo'lib, ko'pincha ijtimoiy va professional jihatdan faol hisoblanadi. Ular jinoyatlarni puxta rejalashtirgan holda amalga oshiradi va jinoyat sodir etishda tizimli yondashib, muhim detallarni hisobga olishadi.

Qo'shmachilik va fohishaxona saqlash jinoyatlari bir qator iqtisodiy, ijtimoiy, huquqiy va axloqiy-psixologik omillar tufayli yuzaga keladi. Iqtisodiy sabablarni ko'rib chiqsak, ko'plab jinoyatchilar kambag'allik va ish topishdagi qiyinchiliklar tufayli fohishaxona saqlash yoki qo'shmachilik bilan shug'ullanishga majbur bo'lishadi. Ular bu faoliyat orqali tez va katta daromad olish umidida bo'lishadi. Fohishaxona saqlash va qo'shmachilik yuqori daromad keltirishi sababli, ayrim jinoyatchilar bu sohada ishlashga intiladi. Bundan tashqari, mamlakatdagi iqtisodiy tengsizlik va moliyaviy qiyinchiliklar ham bu jinoyatlarni sodir etishga sabab bo'lishi

mumkin.

Huquqiy jihatdan esa, fohishaxona saqlash va qo'shmachilik faoliyatini samarali nazorat qilish va oldini olish uchun yetarli qonunlar va qoidalar yo'qligi yoki mavjud qonunlarning samarali ijro etilmasligi bu jinoyatlarning ko'payishiga olib keladi. Shuningdek, huquqni muhofaza qilish organlari va boshqa davlat organlaridagi korrupsiya ham bu faoliyatlarining yashirin va xavfsiz amalga oshirilishiga imkon yaratadi.

Ijtimoiy omillar orasida ta'lim darajasining pastligi va jinsiy tarbiya yetishmasligi odamlarni qo'shmachilik yoki fohishaxona saqlash faoliyatiga jalb qilishi mumkin. Shuningdek, oiladagi zo'ravonlik, e'tiborsizlik va boshqa ijtimoiy muammolar bu jinoyatlarning sodir etilishiga sabab bo'ladi. Ko'plab qo'shmachilik va fohishaxona saqlash bilan shug'ullangan ayollar notinch oilalardan chiqqan yoki to'liqsiz oilalarda, o'gay ota yoki o'gay onaning tarbiyasida o'sgan bo'lib, bu omillar ularning jinoyatga qo'l urishiga sabab bo'lgan. Jamiyatda, ommaviy axborot vositalarida va internetda jinsiy axloq me'yorlarining buzilishi va jinsiy erkinlikning targ'ib qilinishi ham bu jinoyatlarning ko'payishiga hissa qo'shadi.

Qo'shmachilik qilish va fohishaxona saqlash jinoyatini umumiy profilaktika chora-tadbirlar tizimi quyidagilarni o'z ichiga oladi: hodisa sifatidagi fohishaxona saqlash va qo'shmachilik qilish jinoyatining sabablarini aniqlash va o'rganish chora-tadbirlari; mazkur jinoyatlarni muayyan jinoyatlar (retsidiv jinoyatchilik, ichkilikbozlik bilan bog'liq jinoyatchilik va hokazolarning) oldini olish chora-tadbirlar; fohishaxona saqlash va qo'shmachilik qilish jinoyatiga imkoniyat yaratuvchi shart-sharoitni aniqlash va bartaraf etish chora-tadbirlari. Bundan tashqari, ijtimoiy-iqtisodiy, ijtimoiy-madaniy, mafkuraviy, tashkiliy, huquqiy, texnikaviy va boshqa chora-tadbirlar kiradi [16, B.176]

Petryanina O.A. 1) aholining turmush darajasini ish bilan ta'minlash va daromadlarni oshirish yo'li bilan yaxshilash; 2) kichik yoshdagi bolalari bor ayollarning ish bilan ta'minlanishi masalalari bo'yicha ijtimoiy va iqtisodiy dasturlarni ishlab chiqish va amalga oshirish; 3) yolg'iz onalarga, ko'p bolali oilalarga va yosh oilalarga ijtimoiy to'lovlarni oshirish [17, B.27] orqali fohishalik bilan bog'liq jinoyatlarni umumijtimoiy oldini olish choralar deb hisoblaydi.

Shuningdek, aytish kerakki, qo'shmachilik qilish va fohishaxona saqlash jinoyatlarini oldini olish uchun maxsus choralar qo'llanilishi lozim. Bu choralar jinoyatchilarni hayot tarzini aniqlash, tekshirish va o'rganishga, shuningdek, ushbu jinoyatlarni sodir etishi mumkin bo'lgan shaxslarga tarbiyaviy ta'sir ko'rsatishga qaratilgan bo'lib, mavjud noqonuniy qadriyatlarni yo'q qilish maqsadida amalga oshiriladi. Bu maqsadga erishish uchun faol madaniy, ma'rifiy va tarbiyaviy ishlarni amalga oshirish zarur.

Xulosa qilib, ta'kidlash kerakki, fohishaxona tashkil qilish va qo'shmachilik qilish O'zbekiston Respublikasida jiddiy ijtimoiy muammo sifatida e'tirof etiladi. Ushbu jinoyatlar jamiyatda axloqiy qadriyatlarni buzadi, jinoyatchilik darajasini oshiradi va turli sohalarga, xususan, sog'liqni saqlash hamda iqtisodiyotga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Jinoyat kodeksining 131-moddasiga ko'ra, ushbu jinoyatlar jinoiy javobgarlikka tortiladi. Biroq, maqolada ta'kidlanishicha, O'zbekiston qonunchiligi bu jinoyatlarning ayrim qirralarini, masalan, fohishalikga majburlashni yetarli darajada qamrab olmagan. Shu sababli, ushbu jinoyatlar bilan kurashishda huquqiy choralarning yanada takomillashtirilishi zarur. Shuningdek, o'rganilgan jinoyatning qo'shimcha bevosita obyekti deb – insonlarning sog'lig'ini ta'minlovchi ijtimoiy munosabatlar deb hisoblash mumkin.

Bundan tashqari, qo'shmachilik qilish va fohishaxona saqlash jinoyatlarini samarali ravishda oldini olish uchun kompleks yondashuv talab etiladi. Bunga iqtisodiy, ijtimoiy, huquqiy va axloqiy-psixologik omillarni o'rganish va ularga qarshi choralar ko'rish kiradi. Iqtisodiy tengsizlik va kambag'allik kabi omillar bu jinoyatlarga turtki bo'lsa, ta'lim va jinsiy tarbiya yetishmasligi ham ularni kuchaytiradi. Shuningdek, huquqiy tizimdagi kamchiliklar va korrupsiya bu jinoyatlarning oldini olishga to'sqinlik qiladi. Ushbu jinoyatlar bilan shug'ullangan shaxslar ko'pincha notinch va to'liqsiz oilalardan chiqqan bo'lib, ularning hayot tarzini o'rganish va ularga tarbiyaviy ta'sir ko'rsatish zarur. Bu jarayonni amalga oshirish uchun faol madaniy, ma'rifiy va tarbiyaviy ishlarni olib borish, shuningdek, ijtimoiy-iqtisodiy dasturlarni ishlab chiqish va amalga oshirish muhimdir.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Jinoyat huquqi. Maxsus qism: Darslik. Qayta ishlangan va to'ldirilgan ikkinchi nashri / Sh.T.Ikramov, R.Kabulov, A.Otajonov va boshqalar: Mas'ul muharrir Sh.T.Ikramov. -T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2016. B-197.
2. Niyozova S.S. Axloqqa qarshi qaratilgan jinoyatlarning jinoyat-huquqiy va kriminologik jihatlari: Monografiya. // Mas'ul muhar: yu.fan.dok., professor G.Z.To'laganova. B-160.
3. Otajonov, A. A. (2015). Legal characteristics of incitement under the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan. *Bulletin of the Moscow University of the Ministry of Internal Affairs of Russia*, (10), 138.
4. Отажонов А.А. Жиноятда иштирокчилик институтининг жиноят-ҳуқуқий тартибга солиниши. Монография. – 2023. – 248 б.
5. Уголовное право. Особенная часть: учебник для вузов / под общ. ред. Л.М. Прокументова. – Томск: Издательский Дом Томского государственного университета, 2019. – С-505.
6. Rustambaev M.X. O'zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksiga sharxlar. Maxsus qism 2-tom / M.Rustambaev. – Toshkent: "Yuridik adabiyotlar publish", 2021. – B-182.
7. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Besh tomli. 1-tom. Jinoyat to'g'risida ta'limot. Darslik / M.X.Rustambaev, A.Otajonov va boshq. -T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2018. – B-145.
8. Otajonov A.A. Shaxsga qarshi jinoyatlar: O'quv qo'llanma. – T.: TDYU nashriyoti, 2024. – B-247
9. Петрянина О.А. Проституция как сфера теневой экономики: уголовно-правовой анализ, квалификация, причины и предупреждение. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Нижний Новгород – 2013. С 22-23.
10. Rustambaev M.X. O'zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksiga sharxlar. Maxsus qism 2-tom / M.Rustambaev. – Toshkent: "Yuridik adabiyotlar publish", 2021. – B.183.
11. Кочой С.М. Уголовное право. Общая и Особенная части: Учебник. Краткий курс. — М., 2009. – С-336.
12. URL:<https://daryo.uz/2014/11/03/urganchda-qizlarni-fohishalik-qilishga-majburlagan-uch-ayol-55-yilga-ozodlikdan-mahrum-qilindi>.
13. Курилова Е.Н. "Сексуальная эксплуатация несовершеннолетних, занимающихся проституцией: уголовно-правовые и криминологические аспекты"/ дис. ... канд. юрид. наук. – Санкт-Петербург 2017. С-18.
14. O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasining 16/2-100088/24 sonli xati. Bosh prokuratura tomonidan 2020-2024 yillarda respublika hududida sodir etilgan axloqqa qarshi jinoyatlar to'g'risida tahliliy ma'lumot.
15. O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasining 16/2-100088/24 sonli xati. Bosh prokuratura tomonidan 2020-2024 yillarda respublika hududida sodir etilgan axloqqa qarshi jinoyatlar to'g'risida tahliliy ma'lumot.
16. Niyozova. S.S. Axloqqa qarshi qaratilgan jinoyatlarning jinoyat-huquqiy va kriminologik jihatlari: Monografiya. // Mas'ul muhar: yu.fan.dok., professor G.Z.To'laganova. B-176.
17. Петрянина О.А. Проституция как сфера теневой экономики: уголовно-правовой анализ, квалификация, причины и предупреждение. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Нижний Новгород – 2013. С-27.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

ИМОМНАЗАРОВ Алишер Хасанович
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза
қилиш академияси мустақил изланувчиси (PhD)
E-mail: i.alisher1982@mail.ru

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА КЎЗДАН КЕЧИРИШ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИ ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ИМОМНАЗАРОВ А.Х.
Жиноят процессида кўздан кечириш: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар қонунчилиги
қиёсий-ҳуқуқий таҳлили // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. №
4 (2024) Б. 69-78.

 4 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-4-8>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола хорижий мамлакатлар қонунчилигида кўздан кечириш билан боғлиқ нормаларни таҳлил қилишга бағишланган. Муаллиф Россия Федерацияси, Қозоғистон, Япония, Германия ва Хитой каби давлатларнинг жиноят-процессуал кодексларида кўздан кечириш тергов ҳаракатига оид нормаларни ўрганиб чиққан. Таҳлил натижасида аниқланишича, кўпгина давлатларда кўздан кечириш гувоҳлантириш, эксгумация, тинтув каби бошқа тергов ҳаракатлари билан бирга тартибга солинган. Шунингдек, кўздан кечириш турлари Ўзбекистон қонунчилигидагига нисбатан камроқ эканлиги қайд этилган. Муҳим жиҳатлардан бири сифатида турар жойда кўздан кечириш ўтказиш учун суд санкцияси талаб этилиши келтирилган. Мақолада хорижий тажрибани ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар илгари сурилган. Жумладан, қўшимча ва қайта кўздан кечириш, ашёвий далилларни кўздан кечириш ва сақлаш каби янги нормаларни киритиш таклиф этилган.

Калит сўзлар: кўздан кечириш, тергов ҳаракати, хорижий тажриба, жиноят процесси, қиёсий таҳлил, суд санкцияси, ашёвий далил.

ИМОМНАЗАРОВ Алишер
Researcher (PhD) of the Law Enforcement
Academy of the Republic of Uzbekistan
E-mail: i.alisher1982@mail.ru

INSPECTION IN CRIMINAL PROCEDURE: COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS OF
LEGISLATION IN UZBEKISTAN AND FOREIGN COUNTRIES

ANNOTATION

This article is devoted to the analysis of norms related to inspection in the legislation of foreign countries. The author has studied the norms concerning the investigative action of inspection in the criminal procedure codes of countries such as the Russian Federation, Kazakhstan, Japan, Germany, and China. The analysis reveals that in many countries, inspection is regulated along with other investigative actions such as examination, exhumation, and search. It is also noted that the types of inspection in foreign legislation are less diverse than in the legislation of Uzbekistan. An important aspect highlighted is the requirement of judicial sanction for conducting inspections in residential premises. Based on the study of foreign experience, the article proposes a number of amendments and additions to the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan. In particular, it is suggested to introduce new norms such as additional and repeated inspection, inspection and storage of material evidence.

Keywords: inspection, investigative action, foreign experience, criminal procedure, comparative analysis, judicial sanction, material evidence.

ИМОМНАЗАРОВ Алишер Хасанович

Независимый исследователь (PhD)

Правоохранительной академии Республики Узбекистан

E-mail: i.alisher1982@mail.ru

**ОСМОТР В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА УЗБЕКИСТАНА И ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН**

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена анализу норм, связанных с осмотром в законодательстве зарубежных стран. Автор изучил нормы, касающиеся следственного действия осмотра в уголовно-процессуальных кодексах таких стран, как Российская Федерация, Казахстан, Япония, Германия и Китай. В результате анализа выявлено, что во многих странах осмотр регулируется вместе с такими следственными действиями, как освидетельствование, эксгумация, обыск. Также отмечено, что виды осмотра в зарубежном законодательстве менее разнообразны, чем в законодательстве Узбекистана. Важным аспектом выделено требование судебной санкции для проведения осмотра в жилом помещении. В статье на основе изучения зарубежного опыта выдвинут ряд предложений по внесению изменений и дополнений в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан. В частности, предложено ввести новые нормы, такие как дополнительный и повторный осмотр, осмотр и хранение вещественных доказательств.

Ключевые слова: осмотр, следственное действие, зарубежный опыт, уголовный процесс, сравнительный анализ, судебная санкция, вещественное доказательство.

Хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиётини миллий қонунчилик билан солиштириш ҳар қандай соҳани ривожлантиришнинг муҳим омили саналади. Кўздан кечириш тергов ҳаракати бўйича кўплаб таърифлар асосан МДХ давлатлари қонунчилиги, назария ва амалиётига тааллуқлидир. Уларни қуйида кўриб чиқамиз.

К.А.Бегалиев ва В.И.Поповларнинг фикрича “ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг умумий назарияси қуйидаги муҳим элементларни ўз ичига олади:

- 1) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни ташкил этиш;
- 2) далилларга асосланган ахборотнинг моддий манбаларини қидириш тизими;
- 3) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш орқали асл ҳолатни моделлаштириш ва жиноятчининг юз тузилиши шакллантириш тизими;

4) ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш асосида тўпланган маълумотлар асосида тезкорлик билан муҳим изларни топишни ташкиллаштириш тизими” [1, Б.63].

А.А.Топорков ва В.А.Обрасов фикрича кўздан кечириш тергов ҳаракати жиноий ишлар бўйича моддий объектларни терговчининг ҳис-туйғу органлари, шунингдек, воситалар ва экспериментал усуллар билан объектнинг белгиларини бевосита идрок этиш орқали кўздан кечирадиган тергов ҳаракатларидан биридир” [2, Б.177].

А.Я.Гинзбург ва А.Р.Белкин эса “Кўздан кечириш терговчи томонидан ўтказиладиган тергов ҳаракати бўлиб, у йўқлигида ўша ерда жиноят содир этилганлиги ёки у ҳақидаги хабарни олган суриштирувчи ёки суриштирув органининг катта ходими олиб борадиган ҳаракатдир” деб фикр билдирган [3, Б.85].

Юқоридаги батафсил таърифга қарамасдан, бизнинг фикримизча, кўздан кечириш тергов ҳаракати моҳияти тўлиқлигича ошкор этилмаса ҳам, бу ҳаракатни ўтказишга ваколатли бўлган шахсларнинг доирасини билиб олиш қийин эмас. Бизнингча, “кўздан кечириш” тергов ҳаракатининг тўлиқ ва аниқ мазмунига А.Н.Гусаков ва А.А.Флюшенка томонидан таъриф берилганлигини кўришимиз мумкин. Уларнинг фикрича “Кўздан кечириш ҳаракати қонунда белгиланган шахслар иштирокида терговчи томонидан ўтказиладиган, воқеа ҳолатини, изларни, моддий далилларни ва иш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа тафсилотларни аниқлаш, моддий объектларни ҳолати, хусусияти, белгиларини бевосита англашга, қайд этишга, баҳолашга қаратилган тергов ҳаракатидир” [4, Б.35].

Бошқа бир қанча мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Франция, Ҳиндистон, Қозоғистон, Британия ва бошқаларда кўздан кечириш тергов ҳаракатининг гувоҳлантириш ва бошқа тергов ҳаракатлари билан умумлашган таърифини учратишимиз мумкин. Айрим давлатларда эса, фақатгина кўздан кечириш тергов ҳаракати қонуний таърифи эмас, балки унинг вазифалари, мақсадлари ҳамда турларида ҳам баъзи фарқлар мавжуд. Масалан, баъзи мамлакатлар қонунчилигида гувоҳлантириш тергов ҳаракати кўздан кечиришнинг бир тури сифатида изоҳланган.

Франциялик криминалистар ва процессуал олимлар кўздан кечириш тергов ҳаракатини полиция фаолиятининг мустақил ҳаракати сифатида кўришмайди. У алоҳида қонуний ҳаракат ҳисобланиб, шаклан бир қатор умумий бўлган анъанавий элементлар сифатида тушунилади. Бунга қуйидагилар киради:

1. Ҳодиса содир бўлган жойга чиқиш (transport sur les lieux) — ҳодиса содир бўлган жойга келиш ва унга алоқадор ҳаракатлар;

2. Констация (constatations) — теварак-атрофни кузатиш, жойнинг режасини тузиш, суратга олиш, бармоқ изларини олиш, излар, нарсалар, қуролларни аниқлаш ва қайд қилиш (*Франция ЖПК V бўлим, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш*).

Жиноят ёки ҳуқуқбузарлик бўйича аҳамиятга эга бўлган моддий объектлар, излар воқеа ҳолатини тиклаш мақсадида аниқланади ва ўрганилади. Бунинг учун судгача тергов ўтказиш ваколатига эга бўлган шахс ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириши, турар-жойлар, предметлар, ҳужжатлар, тирик шахслар, мурдалар ва ҳайвонларни кўздан кечиради (*Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш - Қозоғистон Республикаси ЖПК 219-моддаси*).

Ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнининг французча вариантыдан фарқли ўлароқ, қўшни мамлакатлар қонунчилигида қарама-қарши фикр мавжуд бўлиб, унда ҳодиса жойини кўздан кечириш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бир қатор вазифалар қўйилади.

Булар қаторига қуйидагилар киради: ҳодисанинг табиати ва алгоритмини аниқлаш учун ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва ўрганиш; кейинчалик иш бўйича моддий далил вазифасини ўташи мумкин бўлган изларни аниқлаш ва олиш; жиноятчиларнинг индивидуал, идентификацион белгиларини аниқлаш; жабрланувчи ва бошқа тажовуз объектларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш; жиноят вақти ва содир этиш усули, жиноят содир этган шахслар ҳаракатлари кетма-кетлиги, оқибат ва сабабий боғланиш текширилади; жиноятчилар мақсадини аниқлаш; жиноят содир

этишга ёрдам берувчи ҳолатларни қайд қилиш.

Шундай қилиб, юқоридаги мавжуд тергов тактикаларининг хилма-хиллиги ва уларнинг хорижий вариантлар билан бўлган муносабатларини таҳлил қилиш асосидаги фаолиятни биз фақатгина ҳодисанинг ҳақиқий ҳолатини тушуниш ва тахминларни фактик маълумотлар асосида аниқлашни амалга оширувчи сифатида қараймиз ва бу ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг мазмуни сезиларли даражада ўзгартириши мумкин. Шунинг учун бу кўриб ўтилганлар асосида биз ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳаракатини тергов ҳаракати сифатида эмас, техник тадбир сифатида хато талқин қилишимиз эҳтимоли мавжуд.

Энди хорижий мамлакатларнинг кўздан кечиришга оид қонунчилигини кўриб чиқсак.

“Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодекси” [5]. Ушбу кодекс 24-боби кўздан кечириш ҳамда тергов эксперименти каби тергов ҳаракатларига бағишланган. Бу кодексда икки тергов ҳаракати бир бобда акс эттирилганлигидан далолат беради.

Боб олтига моддадан иборат бўлиб, унда эксгумация, гувоҳлантириш, эксперимент тергов ҳаракатлари кўздан кечириш тергов ҳаракати билан бирга изоҳланган. Уларни таҳлил қилиб чиқсак. Кодекснинг “Кўздан кечириш учун асослар” деб номланувчи 176-моддасига кўра, ҳодиса содир бўлган жойни, турар жойни, бошқа биноларни, ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш жиноят изларини аниқлаш, жиноятга алоқадор ҳолатларни аниқлаш мақсадида кўздан кечириш амалга оширилиши, ҳодиса содир бўлган жой, ҳужжатлар ва ашёларни кўздан кечириш жиноят иши қўзғатилгунга қадар амалга оширилиши мумкинлиги изоҳланган.

Ушбу модда рақамли далилларни кўздан кечириш тартиби акс эттирилмаганлигини камчилик сифатида оладиган бўлсак, жиноят ишини қўзғатишдан олдин ҳодиса содир бўлган жой, ҳужжатлар ва ашёларни кўздан кечириш мумкинлиги бўйича нормани ижобий баҳолаш мумкин. Аммо, мурдани кўздан кечириш масаласи ушбу рўйхатдан негадир тушиб қолган. Миллий қонунчилигимизни қиёслайдиган бўлсак, ЖПКда фақатгина кўздан кечириш турларидан фақатгина ҳодиса жойини кўздан кечириш жиноят иши қўзғатилишидан олдин ўтказилиши мумкин.

Фикримизча, кўздан кечиришнинг ҳамма турларини жиноят ишини қўзғатишдан олдин ўтказиш мумкинлиги бўйича мавжуд нормага ўзгартириш киритиш лозим.

РФ ЖПКнинг 177-моддаси кўздан кечириш тартиби ҳақида бўлиб, ҳодиса содир бўлган жойда ўтказиладиган тергов ҳаракати ҳисобланади. У жиноят изларини аниқлашга қаратилган дастлабки тергов ҳаракати ҳисобланади. Агарда кўздан кечириш тезкорлик билан амалга ошириш имконини чекласа, далиллар ўралиб, муҳрланиб, тасдиқлаб олиб қўйилиши ва тадқиқ қилиниши талаб қилинади. Шу билан бирга, олиб қўйилган ашёларнинг алоҳида белгилари ва хусусиятлари баённомада акс эттирилади.

Кўздан кечириш давомида аниқланган ва олиб қўйилган ашёлар, нарсалар жараён иштирокчиларига кўрсатилиши шарт. Турар жойни кўздан кечириш фақат унда яшовчи шахсларнинг розилиги билан ёки суд қарори асосида амалга оширилади. Турар жойда яшовчи шахслар кўздан кечиришга эътироз билдирса, терговчи кўздан кечириш тўғрисида судга илтимоснома билан мурожаат қилади.

Ушбу норманинг мавжудлиги инсон ҳуқуқларини бузилишини олдини олишга хизмат қилади. Фикримизча, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдан ташқари бошқа кўздан кечириш турларини ўтказишда фуқароларнинг уйларига кириш талаб қилинганда суднинг тегишли қарорини олиш талаб қилинишига оид нормани ЖПКга киритиш таклиф қилинади.

Ташкилотнинг биноларини кўздан кечириш тегишли ташкилот маъмурияти вакили иштирокида амалга оширилади. Агар унинг кўздан кечиришда иштирок этишини таъминлашнинг иложи бўлмаса, баённомага тегишли ёзув киритилади.

РФ ЖПКнинг 178-моддаси икки объектни ўз ичига қамраб олган бўлиб, мурдани кўздан кечириш ҳамда эксгумацияни тартибга солади. Мурдани терговчи кўздан кечириётганда тиббий соҳа эксперти, уни топиш имкони бўлмаса шифокор иштироки

таъминланиши талаб қилинади.

Номаълум мурдалар мажбурий суратга олинади ва бармоқ излари олинади. Номаълум мурдалар, шунингдек, Россия Федерацияси ҳукумати томонидан белгиланган тартибда Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ мажбурий давлат геном рўйхатидан ўтказилиши керак. Номаълум мурдаларни қуйдиришга (кремация қилинишига) йўл қўйилмайди.

Агар мурдани кўмилган жойдан олиб чиқиш зарур бўлса, терговчи эксгумация ўтказиш тўғрисида қарор чиқаради ҳамда марҳумнинг яқин қариндошлари ёки танишларини хабардор қилади. Қарор тегишли дафн этилган жой маъмурияти учун мажбурий. Агар марҳумнинг яқин қариндошлари ёки танишлари эксгумация қилишга эътироз билдирса, уни ўтказишга суд томонидан санкция берилади.

“Мурдани эксгумация қилиш ва кўздан кечириш суд-тиббий эксперти иштирокида амалга оширилади. Мурдани кўздан кечириш жиноят иши кўзғатилгунга қадар ўтказилиши мумкин” [6].

Қарама-қарши жинсдаги шахсни кўздан кечиришда, агар кўрикдан ўтказиш ушбу шахснинг фош этилиши билан бирга бўлса, терговчи ҳозир бўлмайди. Бундай ҳолда, кўздан кечириш шифокор томонидан амалга оширилади.

РФ ЖПКнинг 180-моддаси кўздан кечириш баённомаси деб номланади. Унга кўра, кўздан кечириш баённомаларида терговчининг барча ҳаракатлари баён қилинади. Баённомаларда кўздан кечириш вақтида олиб қўйилган барча ашёлар рўйхатга олинади ва тавсифланади.

Қозоғистон Жиноят-процессуал кодекси. Ушбу кодекснинг 27-боби кўздан кечириш ҳамда гувоҳлантиришга бағишланган. Унинг кўздан кечириш деб номланган 219-моддасига кўра, ваколатли орган жиноятга алоқадор объектларни топиш мақсадида биноларни, ашёларни, ҳужжатлар, инсонлар, мурдалар, ҳайвонларни кўздан кечиради [7].

Терговчининг кўрсатмалари ушбу тергов ҳаракатининг барча иштирокчилари учун мажбурийдир. Кўздан кечиришнинг умумий қоидаларига бағишланган 220-моддага мувофиқ, кўздан кечириш, қоида тариқасида, зарурат туғилганда кечиктирмасдан амалга оширилади. Терговга қадар терговни амалга ошираётган шахс содир этилган жиноий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ариза ёки хабарномани олгач, дарҳол ҳодиса содир бўлган жойга етиб бориши ва кўздан кечириш ўтказиши шарт ҳисобланади.

Суриштирув органларининг ходимлари кўздан кечириш жараёнида дастлабки терговни амалга ошираётган шахс номидан иш жараёнига кўмаклашишлари, ҳодиса содир бўлган жойни муҳофаза қилишлари, гувоҳларни аниқлаш, жиноятчини аниқлаш ва ушлаш бўйича зарур чораларни кўришлари шарт ҳисобланади. Бундан ташқари, жиноятдан жабрланганларни хавфсиз жойга кўчириш, ўлганларни кўздан кечириш, содир бўлган жиноятни бошқа оқибатларини бартараф этиш [8] муҳим ҳисобланади.

Кўздан кечириш натижаларини қайд этиш илмий-техник воситаларидан фойдаланган ҳолда холислар иштирокида ўтказилади. Зарур ҳолларда кўздан кечириш гумон қилинувчи, жабрланувчи, гувоҳ, шунингдек, мутахассис иштирокида ўтказилади.

Аниқланган излар ва бошқа моддий ашёларни кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказилган жойда амалга оширилади. Агар кўздан кечириш узоқ давом этса ёки топилган жойда кўздан кечириш сезиларли даражада қийин бўлса, объектлар олиб қўйилиши, қадоқланиши, муҳрланиши ва кўздан кечириш учун қулай бўлган бошқа жойга зарар етказмасдан топширилиши керак.

Кўздан кечириш чоғида аниқланган ва олиб қўйилган ҳамма нарса гувоҳларга, кўздан кечиришнинг бошқа иштирокчиларига кўрсатилиши керак, бу ҳақда баённомада қайд этилади.

Фақат ишга алоқадор ашёлар олиб қўйилади. Олинган ашёлар қадоқланади, муҳрланади ва улар иштирок этганда дастлабки терговни амалга ошираётган шахс ва гувоҳларнинг имзолари билан тасдиқланади [9].

Кўздан кечиришда иштирок этувчи шахслар дастлабки терговни амалга ошираётган

шахснинг эътиборини ишнинг ҳолатларини очиб берувчи барча нарсага қаратишга ҳақли. Айрим ҳолатларда ўлчаш усулидан фойдаланилган ҳолатда кўздан кечириш жараёнида ўлчаш, схемалар, режалар тайёрланади.

Тирик шахсни кўздан кечириш унинг кийинган кийимини, танасининг очиқ қисмларини визуал, ташқи кўздан кечириш шаклида ўтказилади, унинг бориши ва натижалари тергов ҳаракати баённомасида акс эттирилади. Тирик инсонни кўздан кечириш Ўзбекистон Республикаси ЖПКга асосан “Гувоҳлантириш” деб номланиб, алоҳида тергов ҳаракати ҳисобланади.

Турар жойни кўздан кечириш фақат унда яшовчи вояга етган шахсларнинг розилиги ёки тергов судьясининг рухсати билан амалга оширилади. Агар унда яшовчи шахслар вояга этмаган, руҳий ёки бошқа оғир касалликларга чалинганлиги маълум бўлган тақдирда ёки кўздан кечиришга эътироз билдирса, мажбурий кўриқдан ўтказиш бўйича қарор чиқарилади, ушбу тартиб учун суд терговчиси розилигини олиш талаб қилинади. Санкция бериш рад этилган тақдирда, кўздан кечириш ўтказилмайди. Турар жойни мажбурий кўздан кечириш зарурати туғилганда, дастлабки терговни амалга оширувчи шахс кўздан кечириш тўғрисида қарор чиқаради ва уни тергов судьясига юборади.

Қарорга жиноят иши материалларини кўздан кечириш зарурлигини тасдиқловчи нусхалар илова қилинади. Қарорнинг нусхаси бир вақтнинг ўзида прокурорга ҳам юборилади. Кўздан кечириш ўтказиш тўғрисидаги қарор тергов судьяси томонидан материаллар судга келиб тушганидан кейин дарҳол кўриб чиқилади.

Тергов судьяси ҳал қилув қарори ва тақдим этилган материалларни кўриб чиқиб, асослантирилган ҳал қилув қарори билан экспертиза ўтказишга рухсат беради ёки рухсат беришни рад этади. Тергов судьясининг қарори дастлабки терговни амалга ошираётган шахсга юборилади.

Агар турар жой ҳодиса содир бўлган жой бўлса ва уни кўздан кечириш шошилинич бўлса, у ҳолда турар жойни кўздан кечириш дастлабки терговни амалга оширувчи шахснинг буйруғи билан, лекин кейинчалик материалларни тергов судьясига юбориш шarti билан амалга оширилиши мумкин. Аммо ушбу ҳаракатлар бир кун, яъни 24 соат ичида амалга оширилиши керак. Қарор нусхаси тегишли прокурорга юборилади.

Тергов судьяси кўздан кечиришнинг қонунийлигини текширади ва унинг қонунийлиги ёки ноқонунийлиги тўғрисида қарор чиқаради, у жиноят иши материалларига илова қилинади [10].

Кўздан кечиришнинг ноқонунийлиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, унинг натижалари ишда далил сифатида тан олинмайди. Турар-жойни кўздан кечиришда унда яшовчи катта ёшли шахснинг иштироки таъминланиши мумкин. Унинг иштирок этиши мумкин бўлмаган тақдирда, маҳаллий ижро этувчи орган вакиллари таклиф этилади.

Биноларни кўздан кечиришда уларнинг вакиллари, фойдаланувчилари ёки ижарачилари иштирокида ўтказилади. Уларнинг иштирок этиши мумкин бўлмаган тақдирда, маҳаллий ижро этувчи органнинг вакиллари таклиф этилади.

Дипломатик ваколатхоналар ва уларда фаолият юритувчилар уйларини кўздан кечириш дипломатик ваколатхона раҳбарининг ёки шахснинг илтимоси асосидагина амалга оширилиши мумкин ҳисобланади. Кўздан кечириш давомида прокурор ва Қозоғистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги вакилининг иштирок этиши шарт [11].

Агар бирор сабабга кўра дастлабки кўздан кечириш чоғида объектнинг муҳим жиҳатлари ўрганилмаган бўлса, улар қўшимча равишда кўздан кечирилади.

Куйидаги ҳолатларда объектни қайта кўздан кечириш мумкин: дастлабки кўздан кечириш объекти самарали идрок этиш учун ноқулай бўлганда; дастлабки экспертизадан сўнг янги маълумотларни олиш мумкин бўлганда; агар дастлабки кўздан кечириш сифатсиз ўтказилган бўлса.

Ушбу нормани Ўзбекистон Республикаси ЖПКда “Кўшимча ва қайта кўздан кўздан кечириш” деб номланган 140³-модда киритиш таклиф қилинади. Шунда ушбу норма

қуйидаги кўринишда бўлади:

Кўздан кечириш тергов ҳаракати қўшимча ва қайта ўтказилиши мумкин.

Дастлабки кўздан кечириш чоғида объектнинг муҳим жиҳатлари ўрганилмаган бўлса, улар қўшимча равишда кўздан кечирилиши мумкин.

Қуйидаги ҳолатларда объектни қайта кўздан кечириш мумкин: дастлабки кўздан кечириш объекти ноқулай шароитларда тўлиқ амалга оширилмаганида; дастлабки кўздан кечиришнинг ўтказиш усуллари самарали бўлмаганида; агар дастлабки кўздан кечириш сифатсиз ўтказилганида.

221-модда далилий ашёларни кўздан кечириш ва сақлашга бағишланиб, унга кўра кўздан кечириш жараёнида олинган ёхуд ваколатли шахснинг илтимосига биноан тақдим этилган ашёлар кўздан кечирилади. Кўрсатилган ашёлар кўздан кечирилгандан сўнг ашёвий далил деб топилиши мумкин.

Судгача терговни амалга оширувчи шахс ашёни ашёвий далил деб топиш ва уни жиноят ишига илова қилиш тўғрисида қарор қабул қилади. Агар ашёларни жиноий иш бўйича кўплиги ёки бошқа сабабларга кўра сақлаш мумкин бўлмаса, улар фото ёки видеотасвирга олиш йўли билан олиниши, имкони борича муҳрланиши ва дастлабки терговни амалга оширувчи шахс кўрсатган жойда сақланиши керак.

Ишга ашёвий далиллар намунаси илова қилиниши мумкин. Ишда ашёвий далилларнинг жойлашган жойи тўғрисида тегишли маълумотнома тақдим этилиши керак. Миллий ва хорижий валютадаги пул маблағлари қонунда белгиланган тартибда сақланади.

Тез эскириши мумкин бўлган ашёвий далиллар, тегишли ташкилотларга топширилади. Иш бир ваколатли шахсдан бошқасига ёки судга юборилганда ашёвий далиллар белгиланган тартибда юборилади.

Ашёвий далиллар қадоқланган ва муҳрланган ҳолда, уларни индивидуаллаштирувчи белгиларни кўрсатувчи инвентар илова қилинган ҳолда топширилади. Фикримизча, ушбу нормани миллий ЖПКга “Ашёвий далилларни кўздан кечириш ва сақлаш” деб номланган 140²-модда сифатида киритиш таклиф қилинади.

Мурдани кўздан кечириш деб номланган 222-моддага асосан, шахс мурдани жиноят содир этилган жойда кўздан кечирилади. Унда эксперт ёки шифокор иштироки шарт ҳисобланади. Мурдани кўздан кечиришга бошқа мутахассислар ҳам жалб этилиши мумкин. Мурдани қўшимча ёки такрорий кўздан кечиришда суд тиббиёти соҳасидаги тиббиёт мутахассисининг иштироки мажбурий ҳисобланади.

Шахси номаълум мурдани суратга олиш, бармоқ изларини олиш, шунингдек экспертиза ўтказиш учун намуналар олиш мажбурийдир. Мурдани ташқи кўздан кечириш кейинчалик суд-тиббий экспертизасини ўтказишни истисно этмайди.

Мурдани кўздан кечириш чоғидаги фуқароларнинг мурдасини кўздан кечириш тўғрисидаги аризаси баённомага қайд этилади, сўнгра ариза берувчи гувоҳ сифатида сўроқ қилинади.

Япония Жиноят-процессуал кодекси. Япония жиноят-процессуал кодекси Европа ва Осиё ҳуқуқий тизимларини ўзида мужассамлаштирган қонун ҳисобланади. Япония ЖПК 2-қисми “Биринчи инстанция” деб номланиб, унинг биринчи боби “Суриштирув ва тергов” деб номланиб, унинг 222-моддасига кўра, кодекснинг 99-модданинг 1-банди, 100-модда, 102-105-моддалар, 110-112-моддалар, 114-модда, 115-модда ва 118-124-моддалар қоидалари мутахассис томонидан қўлланилади. 218-модда, 220-модда ҳамда 110-модда, 111-2-модда, 112-модда, 114-модда, 118-модда, 129-модда қоидаларига мувофиқ прокурор, прокурор ёрдамчиси ёки суд полицияси мансабдор шахси, 131-модда ва 137-140-моддалар ваколатли шахс кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиши белгиланган, бироқ 122-124-моддаларда назарда тутилган қарорлар судья томонидан рад этилиши ҳам мумкинлиги белгиланган. Ушбу кодексда ҳам кўздан кечиришга оид моддаларда тинтув тергов ҳаракати ҳам изоҳланган [12].

Прокурор, прокурор ёрдамчилари ёки суд, полиция мансабдор шахслари куёш чиқишидан олдин ёки куёш ботганидан кейин шахснинг яшаш жойига ёки шахс

томонидан қўриқланадиган биноларга ёки кемага тинтув учун киришлари мумкин эмас, агар ордерда тунги вақтда кўздан кечиришни амалга оширишга рухсат берилганлиги тўғрисида ёзма ҳужжат бўлса, бундан мустасно [13].

Кўздан кечириш қуёш ботишидан олдин бошланганда, у қуёш ботгандан кейин ҳам давом этиши мумкин. 218-модданинг қоидаларига мувофиқ тинтув, олиб қўйиш ёки кўздан кечиришда зарур бўлганда, прокурорлар, прокурор ёрдамчилари ёки суд, полиция мансабдор шахслари рухсати билан гумон қилинувчи ҳам ушбу жараёнларда иштирок этишлари мумкин.

Кўздан кечириш жараёнларига тўсқинлик қилган шахслар жиноий бўлмаган жаримага тортилиши ёки тўсқинлик қилиш натижасида қилинган харажатларнинг ўрнини қоплаши керак, бунда судга ҳаражатларни қоплаш бўйича илтимоснома киритилади.

Кодекснинг I бўлими “Умумий қоидалар” деб номланиб, унинг 10-боби “Кўздан кечириш” деб номланади. Ушбу кодекснинг 129-моддасига кўра, суд томонидан шахслар, объектлар кўздан кечирилиши, қабрни эксгумация қилиниши ҳамда кўздан кечиришда ашёларни йўқ қилинишини олдини олиш мақсадида зарурий чоралар кўрилиши керак [14].

130-модданинг 1-қисмига кўра, жиноят ишини юритувчи шахслар хонадон эгаси розилигисиз қуёш чиқишидан олдин ёки қуёш ботганидан кейин кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш учун унинг турар-жойига, бинога кириши мумкин эмас.

131-модданинг 1-қисмига кўра, гувоҳлантирилаётган шахснинг жинси, жисмоний ҳолати ва бошқа ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, шахсни кўздан кечириш, гувоҳлантириш тартибига қатъий риоя қилиниши керак.

Аёлларга нисбатан ўтказиладиган кўздан кечиришда суд томонидан аёл жинсидаги мутахассис иштирок этиши лозимлиги белгиланган.

ЖПКнинг 132-моддасига кўра, суд айбланувчидан бошқа шахсни ҳам судга ёки шахсни белгиланган жойга гувоҳлантириш учун чақириши мумкин ҳисобланади.

Германия Жиноят-процессуал кодекси. Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддаси мурдани кўздан кечириш деб номланади. Кўздан кечириш прокуратура органлари томонидан амалга оширилади. Ушбу тергов ҳаракати прокурорлар ва судьялар рухсати билан амалга оширилади ҳамда шифокор иштирокида амалга оширилади. Шифокор ҳолатни аниқлаш жараёнида мурдадаги ташқи жиноят белгилари бўлмаганда, унинг иштирокига эҳтиёж сезилмаганда иштирок этиши шарт эмас [15].

Мурдани ёриб ички органларини кўздан кечириш икки нафар шифокор томонидан амалга оширилади. Шифокорлардан бири суд-тиббий экспертиза муассасаларининг эксперти ёки ушбу муассасанинг бошлиғи бўлиши талаб қилинади. Мурданинг тириклигида унинг соғлиғига ғамхўрлик қилган тиббиёт ходимининг мурдани кўздан кечириш жараёнини ўтказиши тақиқланади.

Аммо, ушбу шифокорнинг мурдани ички аъзоларини (ёриб) кўздан кечириш жараёнида иштироки унинг касаллик тарихидаги хулосалар ҳақида маълумот бериши учун жалб қилиши мумкин саналади. Прокуратура ходимлари мурдани ички кўздан кечириш жараёнида иштирок этиши мумкин ҳисобланади. Унинг илтимосномаси билан ушбу жараёнда судья ҳам қатнашиши мумкин.

Агарда ўлим сабаби айнан жиноий қилмиш натижасида амалга оширилди деган гумон бўлганда, мурдани кўздан кечириш амалга оширилиши талаб қилинади [16].

Германия ЖПКнинг ўзига хос томони шундаки, кўздан кечириш жараёнида суд-тиббий экспертининг иштироки мажбурий эмас, холислар иштирокига эса эҳтиёж мавжуд эмас, чунки прокуратура органларининг ишига шубҳа билан қаралмайди.

Фикримизча, кўздан кечириш тергов ҳаракатида холисларнинг иштироки масаласини ЖПКдан чиқариб ташлаш талаб қилинади. Ушбу ҳолатлар ўрнига жараёнга замонавий технологияларни 3D суратга олиш тизимини киритиш мақсадга мувофиқ саналади. Ушбу ҳолат ўз навбатида ҳолатни тўлиқ кўриш ва англаш имкониятини яратади.

Хитой жиноят-процессуал кодекси. Хитой ЖПКнинг 4-бобига кўра, кўздан кечириш

ва гувоҳлантириш тергов ҳаракатлари биргаликда изоҳланган [17].

Хитой ЖПКнинг 101-моддасига кўра, кўздан кечириш ва гувоҳлантириш жиноятга алоқадор бўлган ҳодиса содир бўлган жой, мурда, предмет, шахсга нисбатан ўтказилиши мумкин ҳисобланади. Айрим ҳолатларда эса кўздан кечириш ва гувоҳлантиришда махсус билим эгаларининг билимига эҳтиёж сезилганда терговчи раҳбарлигида улар таклиф қилинади ва билимларидан фойдаланилади.

Кодекснинг 102-моддасига кўра, ҳар қандай ташкилот ёки маълум бир шахс жиноят содир этилган жой хавфсизлигини, далилларнинг йўқотилмаслиги ҳамда тегишли ҲМҚОларга жиноят ҳақида хабар беришлари учун масъул ҳисобланади. Фикримизча, миллий ЖПКга ҳам ҳодиса содир бўлган жой хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҲМҚОларга жиноят юзасидан хабар бериш мажбурияти киритилиши ушбу жараёнларнинг янада сифатни ўтказилишига қўшимча имкон яратади. 103-моддага кўра, терговчилар кўздан кечириш ва гувоҳлантириш тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида терговчи ўзида гувоҳномасини олиб юриши керак. 104-моддага кўра, жамоат хавфсизлигини таъминловчи органлар мурдани ички кўздан кечириш тўғрисида қарор қабул қилишади ва унинг қариндошларини ушбу жараён қаерда ўтказилиши ҳақида хабар беришади. 105-моддага кўра, жабрланувчи, гумон қилинувчининг алоҳида белгиларини аниқлаш, етказилган соғлиққа зарар ҳамда жисмоний ўзига хосликни аниқлаш мақсадида терговчи гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказиши [18].

Работа с психологами на платформе BetterHelp поможет женщинам найти подходящие решения, развить здоровые стратегии и достичь успеха в своем бизнесе и личной жизни. BetterHelp обеспечивает высокий уровень конфиденциальности данных своих пользователей.

Это только некоторые примеры онлайн платформ, которые оказывают правовую и психологическую консультацию, а также консультацию в сфере составления бизнес-проектов женщинам.

В заключении следует отметить, что, несмотря на усилия правительств и онлайн платформ, защита прав женщин все еще остается актуальной проблемой. Необходимо продолжать работу над улучшением законодательства, повышением осведомленности и обеспечением доступа к поддержке для женщин, которые сталкиваются с насилием и дискриминацией.

Защита прав женщин является общим вызовом для всего мирового сообщества. Только путем совместных усилий правительств, международных организаций и гражданского общества мы сможем достичь равных прав и защиты для всех женщин.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Н.Х.Рахмонкулова. Защита прав женщин: международные стандарты и национальное регулирование (зарубежное законодательство) // URL: <https://inscience.uz/index.php/socinov/article/view/4377/version/4377>;
2. D.Umarkhanova. Women's access to justice: best practices from European Union Countries // URL: <https://www.scholarexpress.net>;
3. Организация Объединённых Наций. Структура «ООН-женщины» // URL: <https://www.unwomen.org/en>;
4. Социальное мобильное приложение – Najot.uz // URL: <https://najot.uz/ru>;
5. Онлайн-платформа по расширению прав и возможностей женщин ЦАРЭС (WEOP) // URL: <https://weop.carecprogram.org/ru/about/>;
6. Global Fund for Women // URL: www.globalfundforwomen.org;
7. Women's Rights Online // URL: www.womensrightsonline.org
8. Equality Now // URL: www.equalitynow.org;
9. Sayfty // URL: www.sayfty.com;
10. Hollaback! // URL: www.ihollaback.org;
11. Women's Business Centers (WBC) // URL: <https://www.sba.gov/local-assistance/resource-partners/womens-business-centers>;
12. SheStarts // URL: <https://au.linkedin.com/company/shestarts>;
13. LegalZoom // URL: <https://www.legalzoom.com/country/uz>;
14. BetterHelp // URL: <https://www.betterhelp.com/>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЕСЕМУРАТОВ Алишер Избасарович
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси катта ўқитувчиси

МИГРАНТЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ЕСЕМУРАТОВ А.И.
Мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг замонавий концепциялари // Юрист
ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2024) Б. 108-116.

 4 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-4-13>

АННОТАЦИЯ

Миграция ҳуқуқлари замонавий концепциялари халқаро ва миллий ҳуқуқ тизимларида муҳим роль ўйнайди. Мазкур мақола мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ва миллий ҳуқуқий механизмларни таҳлил қилади. Миграция ҳуқуқи, унинг соҳалари ва ҳуқуқий асослари, шунингдек, давлатлараро муносабатларнинг ҳуқуқий компонентлари кўриб чиқилади. Мақолада миграцияни халқаро ва миллий даражада тартибга солишнинг ҳуқуқий ва назарий ёндашувлари ўрганилади. Миграция жараёнларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий аспекти таҳлил қилинади.

Калит сўзлари: миграция ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ, миллий ҳуқуқ, мигрантлар ҳуқуқлари, давлат суверенитети, қочоқлар, миграция жараёнлари, ижтимоий-иқтисодий стандартлар.

ESEMURATOV Alisher

Senior teacher of the Law Enforcement
Academy of the Republic of Uzbekistan

MODERN CONCEPTS OF PROTECTION OF MIGRANTS' RIGHTS

ANNOTATION

Modern concepts of migration rights play a significant role in international and national legal systems. This article analyzes international and national legal mechanisms aimed at protecting the rights of migrants. It examines the areas and legal foundations of migration law, as well as the legal components of interstate relations. The article explores the legal and theoretical approaches to regulating migration at both the international and national levels. It also analyzes the socio-economic, political, and legal aspects of migration processes.

Keywords: migration law, international law, national law, migrant rights, state sovereignty, refugees, migration processes, socio-economic standards

СОВРЕМЕННЫЕ КОНЦЕПЦИИ ЗАЩИТЫ ПРАВ МИГРАНТОВ

АННОТАЦИЯ

Современные концепции миграционного права играют важную роль в международных и национальных правовых системах. В данной статье анализируются международные и национальные правовые механизмы, направленные на защиту прав мигрантов. В статье рассматриваются правовые и теоретические подходы к регулированию миграции на международном и национальном уровнях. Анализируются социально-экономические, политические и правовые аспекты миграционных процессов.

Ключевые слова: миграционное право, международное право, национальное право, права мигрантов, государственный суверенитет, беженцы, миграционные процессы, социально-экономические стандарты.

Халқаро ва миллий ҳуқуқ тизимида миграция соҳасидаги тадқиқотлар муҳим роль ўйнайди. Бундай жараёнларни тартибга солишнинг энг мақбул механизмлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий таълимотларни яратиш бугунги кунда; муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган норматив база ҳуқуқнинг турли соҳаларидаги меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган. Миграция жараёнлари ва мигрантларга доир ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар салмоғининг тобора ошиб бораётганлиги ҳуқуқшунослик назариясида “миграция ҳуқуқи”нинг мавжудлиги ҳақида турли саволлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Шу ўринда, Т.Алейникофф, Р.Апплеярд, В.Шетай, К.Бретель, Г.Гудвин-Гилл, Р.Перрушу, Р.Человински каби машҳур олимлар миграция ҳуқуқининг асосий тушунчаларини ишлаб чиқишда улкан ҳисса қўшганлигини алоҳида эътироф этиш зарур [1]. Гарчи, “Халқаро миграция ҳуқуқи” атамаси [2] юридик фанга илк мартаба 1927 йилда Луи Варлез томонидан киритилганлигига қарамай [3], “Миграция ҳуқуқи”нинг ҳуқуқ тизимида алоҳида ажралиши муаммоси ҳануз баҳс-мунозаралар марказида қолмоқда, уни тадқиқ этишда уч асосий ёндашув шаклланди: *биринчидан*, миграция ҳуқуқи, бу ҳуқуқнинг мураккаб ва мустақил соҳасидир [4]; *иккинчидан*, миграция ҳуқуқи, бу ҳуқуқнинг мураккаб соҳалараро институтидир [5]; *учинчидан*, миграция ҳуқуқи, бу маъмурий ҳуқуқнинг кичик соҳасидир [6].

Миграция жараёнлари замонавий фаннинг турли соҳалари: социология, психология, иқтисод, тарих, фалсафа, демография, география, сиёсатшунослик вакилларининг эътибор марказида. Бизнинг фикримизча, шахснинг ҳаракат эркинлиги билан боғлиқ энг муҳим субъектив ҳуқуқларидан бирини таъминлаш учун миграция муаммоларига фақат ҳуқуқшунослик жавоб бериши мумкин. Бу, ҳар бир давлатнинг ўз ҳудудига табақалаштирилган тоифадаги мигрантларни қабул қилиш суверен ҳуқуқи билан мантиқий бирлаштирилган. Айрим олимларнинг фикрича, миграция жараёнларини тартибга солишнинг халқаро-ҳуқуқий механизми кўриб чиқиляётган соҳада давлат органларининг ўз ваколатларини амалга ошириш бўйича фаолиятини ўз ичига олади.

Миграцияни тартибга солишда алоҳида давлатларнинг манфаатлари давлатлараро универсал ва минтақавий бирлашмаларнинг фаолияти билан тўлдирилади. Миграцияни тартибга солишнинг халқаро-ҳуқуқий механизмлари юридик фанда ҳалигача батафсил кўриб чиқилмаган, бу кўп жиҳатдан уларнинг мазмуни, миграцияни тартибга солишнинг махсус тамойилларининг роли ва миграция турларининг ягона таснифи таҳлил қилинмаганлиги билан боғлиқ, деб ҳисоблаймиз. Аҳолининг миграцияси муаммоларини юридик фан учун долзарблаштириш аҳолининг ҳудудий ҳаракати

соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳимоя қилиш эҳтиёжлари билан тавсифланади. Аҳоли миграциясининг мавжуд муаммоларини ҳал қилиш жамият ва давлат [7] ривожланиши, унинг ижтимоий йўналиши учун зарурий эҳтиёждир. Шундай қилиб, бугунги кунда миграцияни халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг устувор йўналишларидан бири бу турли тоифадаги мигрантларнинг ҳуқуқий мақоми асосларини тартибга солиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустаҳкамлашда ифодаланади.

2015–2017-йилларда Франция, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Швеция, Испания ва Финляндияда содир этилган бир қатор террорчилик хуружлари билан боғлиқ фожиали воқеалар бир қатор Европа давлатларида фуқаролик жамиятида фаолликни кучайтиришга оид муҳокамани яна бир бор жонлантди. Африка ва Яқин Шарқдан сиёсий тўнтаришлар ва қуролли можаролар туфайли юзага келган мигрантларнинг назоратсиз оқими Европа Иттифоқига аъзо давлатларни консолидациянинг янги шакллари излашга мажбур қилмоқда. Ҳозирча бу консолидация натижалари самарасиз қолмоқда.

Миграция халқаро ҳамкорликнинг долзарб мавзуси сифатида ягона ёндашув зарурлигини тақозо этади. Ўз давлатидан ташқарида ҳаракатланиш эркинлиги 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (13-модданинг 2-қисми) ва 1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (модданинг 2-қисми) мазмунида мустаҳкамланган универсал халқаро-ҳуқуқий стандартдир.

Замонавий халқаро ҳуқуқда бугунги кунда бир вақтнинг ўзида универсал ёндашувларни сақлаб қолиш, давлатларнинг тегишли бирлашмалари доирасида минтақавий ва субминтақавий ҳуқуқ ижодкорлигини кучайтириш каби тенденциялар мавжуд. Ушбу тенденцияларни ўрганар экан, Ю.Н.Малеев эътиборни миллий чегаралар ўзининг анъанавий маъносини йўқотаётгани, пайдо бўлаётган ва мустаҳкамланиб бораётган минтақавий институционал механизм мутлақ давлат суверенитети ёки ҳеч бўлмаганда умумий манфаатлар заруриятидан келиб чиққан ҳолда уни чеклаётганига қаратади. Шунга кўра, пайдо бўлаётган минтақавий институционал механизмлар аллақачон бир-бири билан ўзаро алоқада бўлишга қодир [8].

Миграциянинг ижобий омиллари қаторига чет элдан ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланишдан реал даромад олиш учун ижтимоий-иқтисодий стандартларни ошириш, иммиграциянинг миллий демографияга фойдали таъсири киради. Миграциянинг халқаро-ҳуқуқий институтлари, агар улар жисмоний шахслар ҳаракатини ижобий тартибга солиш ва давлатлар учун салбий оқибатларнинг олдини олиш ўртасидаги оптимал мувозанатни таъминласа самарали бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Ғарбий Европа экспертлари миграция келиб чиққан мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий тизимларни янада шаффоф ва реал қилади, деган ғояни илгари сурдилар. П.Х.Шоок таъкидлашicha, юридик илм-фан шахсларнинг мулкӣ ва иқтисодӣ фаолиятга, сиёсий иштирок этишга, жисмоний хавфсизликка, диний ва маданий ўзига хосликка, оилавий муносабатларга бўлган ҳуқуқларини белгилайди [9].

Миграцияни халқаро-ҳуқуқий ва миллий-ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзаро ҳамкорлиги давлатларнинг ўз мажбуриятларини зиммасига олиши ва миллий қонунчиликда уларни амалга оширишнинг турли шакллари қатъий бажаришига асосланади. Давлатларнинг халқаро мажбуриятлари ва уларнинг миллий миграция қонунчилиги ўртасидаги муносабатлар қочоқларни халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг классик тамойилларидан универсал даражада фойдаланиш ва уларнинг замонавий воқеликларга мувофиқлиги, миллий режимни қўллаш доирасида меҳнат мигрантларининг касбий ҳуқуқлари рўйхатини шакллантириш, мажбурий ва ихтиёрий миграциянинг халқаро ҳуқуқда тартибга солинмаган шакллариининг мавжудлиги, миграцияни ҳудудий тартибга солишда янги тенденциялар ва ёндашувларнинг мавжудлиги шулар жумласидан. Ниҳоят, назарий нуқтаи назардан, миграцияни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш механизмларининг моҳиятини ойдинлаштириш ва уларнинг таркибий элементларини аниқлаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Миграция жараёнларига ҳуқуқий ёндашувларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапирганда, рус олими И.В.Плюгинанинг фикрича, таснифлашнинг меъёрий консолидацияси билан фақат мигрантларнинг барча тоифаларини назарий ва амалий жиҳатдан акс эттириш мумкин эмас [10].

Бизнинг фикримизча, жисмоний шахслар ҳаракатининг табиати уларнинг ҳуқуқий ҳолатига нисбатан халқаро-ҳуқуқий ёндашувларни белгилайди.

Халқаро миграция бўйича глобал комиссиянинг ҳисоботида бу ҳодиса ижтимоий, маданий ва этник келиб чиқиши ҳамда хусусиятлари улар кўшилган жамиятда яшовчи кўпчиликдан фарқ қиладиган одамларнинг ҳаракати, деб таърифланади [11]. Бизнинг фикримизча, бу таъриф кўрсатилган ҳаракатнинг сабабларини кўрсатиш билан тўлдирилиши керак.

Миграцияни ички миқёсда ҳуқуқий тартибга солиш мураккаб. Ўзбекистон Республикасида миграцияни тартибга солишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари шахснинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини ўз ичига олади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддаси). Т.А.Жадяева таъкидлаганидек, аҳолининг ташаббускор ҳаракати давлат ҳудуди бўйлаб (ички миграция) ҳам, унинг чегаралари орқали ҳам (ташқи миграция), турли ҳуқуқий тартибга солишга эга бўлган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин. Ўз мамлакатини эркин тарк этиш ва эркин қайтиш ҳуқуқи рухсат берувчи ҳуқуқий режим билан боғлиқ [12]. Дарҳақиқат, ички ихтиёрий миграцияни тартибга солишнинг конституциявий, ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий шакллари одамларнинг алоҳида мамлакатлар чегараларидан ташқарига ҳаракатланишига оид халқаро-ҳуқуқий ёндашувлардан тубдан фарқ қилади.

А.М.Барнашев тўғри таъкидлаганидек, ҳар бир давлат ўз қонунчилигини умумий халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириш жараёнида инсон ҳуқуқлари соҳасида ўз зиммасига қандай, қайси муддатда ва қай даражада аниқ мажбуриятларни олганлигини белгилайди [13].

Мутахассислар МДҲда рўй бераётган миграция жараёнларига минтақавий таъсирнинг янги тенденциялари мавжудлигини таъкидлар экан, бугунги кундаги давлатлараро муносабатлар “реципиент-мамлакатнинг миграция сиёсатини ва ўз вақтида “ўйин қоидаларини” шакллантирган ҳукмронлиги билан тавсифланади [14]. Бизнинг фикримизча, минтақавий миграция сиёсати фақат қабул қилувчи давлатлар томонидан белгиланиши мумкин эмас. Бошқа томондан, меҳнат, академик ёки таълим миграциясининг тўлиқ алмашинуви давлатлараро ҳамкорликнинг янги халқаро-ҳуқуқий асосларини яратиши мумкин, бу бугунги кунда айниқса Ўзбекистон Республикаси учун муҳимдир.

Айни пайтда постсовет ҳудудида миграция жараёнларига таъсир этувчи, масалан, Евроосиё иқтисодий иттифоқи салоҳияти ва унга аъзо давлатлар фуқаролари учун бандликдан имтиёзли фойдаланиш каби янги омиллар пайдо бўлмоқда.

А.И.Кривенкий чет элликлар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва бипатридлар, сиёсий қочоқлар ва меҳнат мигрантлари - хусусий ҳуқуқнинг ҳақиқий субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш алоҳида аҳамиятга эга, деб баҳолайди [15]. Мигрантлар ҳуқуқларининг мустақамланишига таъсир кўрсатган ана шундай халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 13 декабрдаги 40/144 резолюцияси билан тасдиқланган Ўзлари яшаётган давлат фуқароси бўлмаган шахсларга нисбатан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ декларациясидир [16].

Кўрсатилган концептуал ёндашувларни миграциянинг асосий институтларига нисбатан қўллаган ҳолда, бу ерда давлат ҳуқуқи миграция нормалари ва уларни амалга оширувчи органларнинг мажмуини белгилашда ифодаланганлигини таъкидлаш мумкин. Зеро, шахс ҳуқуқи ўз ифодасини мигрантларнинг ҳуқуқий мақомини ва уларни қабул қилувчи давлатдаги кафолатларини аниқлаш тизимида топади [17].

Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан, миграцияни тартибга солиш мигрантларни қабул қилувчи давлатлар ўртасидаги муносабатлар билан белгиланади, шунингдек, ушбу соҳадаги халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ўз

ичига олади. Бундан ташқари, давлатлар мигрантларнинг айрим тоифаларини ҳимоя қилишнинг универсал механизмларида иштирок этадилар.

Мигрантларнинг асосий тоифаларига мос келадиган универсал ва/ёки минтақавий ҳуқуқий таърифларнинг мавжудлиги, албатта, халқаро-ҳуқуқий тартибга солишни тизимлаштиради. Аммо давлатларнинг миграция соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажаришининг ҳуқуқий шакли уларнинг миллий қонунчилик ва амалиётда таъминланиши ҳисобланади. Демак ушбу мигрант тоифалари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми асослари ҳам давлатларнинг ички қонунчилигида мустақкамланган бўлиши керак.

Миграцияни ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳар бир даражаси ва ҳуқуқий муносабатлар субъектлари доираси ўзига хос ҳуқуқий нормалар усуллари, субъектлари, объектлари ва турларига эга.

А.А.Шаповалов ҳуқуқ соҳасини ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормалар ва ҳуқуқий институтлар тизими сифатида белгилайди [18]. Ушбу таъриф келажакда нафақат кодификацияланган ҳужжатларга (Ўзбекистон Республикасининг миграция кодекси) [19], балки бошқа соҳавий қонун ҳужжатларида мавжуд бўлган индивидуал нормаларга ҳам асосланадиган замонавий миграцияни тартибга солишнинг комплекс характерини таъминлаш имконини беради. Бироқ, бу меъёрлар индивидуал миграция институтларини (меҳнат мигрантларининг соғлиқни сақлаш ҳуқуқи, уларнинг жамоавий меҳнат шартномаларида иштирок этиши, уларнинг оила аъзоларининг қабул қилувчи мамлакатда таълим олиши ва бошқалар) ташкил қилади. Г.И.Муромцев “кодификация тушунчасини икки хил – кенг ва тор маънода талқин қилади. Биринчи маънода, кодификация акти ўз таъсирини бутун ҳуқуқий соҳага, иккинчидан – фақат ҳуқуқнинг айрим соҳаларига ўтказиши [20].

Кўриниб турибдики, миграцияни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни кодификация қилиш, уни миллий миқёсда амалга ошириш билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасининг мигрантларнинг айрим тоифалари мақоми ва кафолатларига оид халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларига ҳам асосланиши керак. Кейин ушбу мажбуриятларни ташкил этувчи халқаро шартномалар нормалари ҳуқуқий тизимга унинг ажралмас қисми сифатида киритилади. Шу билан бирга, В.Э.Сафонов тўғри таъкидлаганидек, миллий ҳуқуқ тизимлари халқаро ҳуқуққа риоя қилиш зарурати билан боғлиқ ўзгаришларга дуч келиши мумкин [21]. Демак, у ёки бу тарзда Ўзбекистоннинг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлари миграцияни тартибга солишнинг ҳуқуқий ҳужжатлари иерархиясидан жой олиши керак.

Агар фақат маъмурий-ҳуқуқий компонентни эмас, балки тартибга солинадиган муносабатларнинг мураккаб хусусиятини ҳисобга олган ҳолда миграция қонунчилигининг бутун тизимини кодекслаштиришга ҳаракат қилинса, бу миграция ҳуқуқи каби соҳага асос яратади. Ҳозирча гап Ўзбекистонда миграцияни тартибга солишнинг ҳуқуқий модели ҳақида бормоқда.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, постсовет ҳудудида давлатлараро миграцияни миллий ҳуқуқий тартибга солиш асослари шаклланган бўлиб, унинг ҳар хил турларига нисбатан табақалаштирилган ёндашувлар асосида қурилган. Чет эл фуқароларининг бир вақтнинг ўзида давлат ҳудудига кириши ва фуқароларнинг унинг чегараларидан ташқарига чиқиб кетиши туфайли тартибга солишнинг иммиграция ва эмиграция жиҳатлари комбинацияси мавжуд бўлиб, бу бугунги кунда МДХ мамлакатлари учун одатий ҳолдир. Н.А.Воронина МДХга аъзо давлатлар томонидан олиб борилаётган миграция сиёсатининг умумий мақсадлари сифатида чет элда меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат иммиграция сиёсатида селективлик тамойилини жорий этиш, миграция бўйича статистик маълумотларни йиғиш ва сақлаш тизимини такомиллаштириш, ноқонуний миграцияга қарши курашда илғор технологияларни жорий этиш соҳасида ахборот алмашинуви ва ҳамкорлик каби жиҳатларни санаб ўтган [22].

Буларнинг барчаси МДХнинг айрим мамлакатларида миллий ҳуқуқ тизимининг

мустақил тармоғи сифатида миграция ҳуқуқини шакллантириш тенденцияси мавжуд деган хулосага келиш имконини беради. “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги 2021 йил 4 июндаги ЎРҚ-692-сон Қонунда [23] миграцияни тартибга солишнинг тармоқ принциплари рўйхати ва чет эл фуқароларининг аниқ таснифи мавжуд эмас. Бизнинг фикримизча, миграция ҳуқуқи каби мураккаб соҳани тартибга солиш объекти, жумладан, чет эл фуқароларининг кириш мақсадларига қараб, уларнинг ҳуқуқий мақомининг табақалаштирилган турлари сифатида белгиланиши керак.

Ҳар бир миллий ҳуқуқий тизим миграция жараёнларини бошқариш тамойилларини шакллантиришда ўзига хос ёндашувга эга. У кўп жиҳатдан давлат томонидан миграцияни тартибга солишнинг умумий концепциясида белгилаб берилган вазифалардан, унинг ушбу соҳадаги универсал ва минтақавий ҳамкорлик механизмларида иштирокидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Баъзи муаллифлар томонидан давлатлараро муносабатларни тартибга солишнинг белгиланган тизими сифатида кўриб чиқиладиган миграция ҳуқуқи каби халқаро оммавий ҳуқуқнинг бундай кичик тармоғига (ёки институтига) келсак [24], унинг мавжудлиги масаласи мунозаралигича қолмоқда. Дарҳақиқат, миграция соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш ўзига хос хусусиятга эга эмас ва соҳавий тартибга солишнинг махсус усуллари, нормалари ва тамойилларининг бирлиги ҳақида гапиришга имкон берадиган тизимлаштириш даражаси ҳали мавжуд эмас. Масалан, Э.В.Киселева миграцияни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш тамойиллари сифатида давлатларнинг суверенитети, шахсларнинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи ва давлатлараро ҳамкорликка ишора қилиб, унинг умумий предметини давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан тартибга солувчи муносабатлар ташкил қилади, деган фикрни билдиради [25].

Бизнинг фикримизча, халқаро мобилликнинг барча турларини мажбурий ва ихтиёрий миграция турларига шартли равишда ажратиш ва уларни ҳуқуқий тартибга солишдаги туб фарқлар концептуал халқаро-ҳуқуқий ёндашувлар ҳисобланади. Улар тегишли давлатлараро шартномаларда жуда аниқ белгиланган. Бундан ташқари, ушбу ёндашувлар мавжуд универсал ва минтақавий шартномалар ва миллий миграция қонунчилигининг мазмуни билан боғлиқ бўлган бундай таснифлаш учун қабул қилувчи давлатлар зарурати билан боғлиқ.

Ҳуқуқшунос олимлар халқаро ҳуқуқда соҳаларнинг шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтишган. Жумладан, А.Н.Талалаевнинг фикрича, замонавий халқаро ҳуқуқ – бу турли даражадаги умумийлик ва эътирофга эга бўлган жуда кўп миқдордаги ҳуқуқий нормалар йиғиндиси. Халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари билан ўзаро боғлиқ бўлган бу нормалар, уларнинг моҳияти ва шакллари хилма-хиллигига қарамай халқаро ҳуқуқ тизимини ташкил этади [26].

Л.Н.Галенская ҳуқуқ тамойилларининг ўзига хос таснифини берар экан, уларни турга бўлган: 1) ҳуқуқнинг умумий тамойиллари; 2) миллий ҳуқуқ тизимлари ва халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари; 3) ҳуқуқнинг махсус тамойиллари [27].

Давлатлараро муносабатларнинг ҳар қандай соҳасида халқаро ҳуқуқнинг турли нормаларини бирлаштирувчи тизимни ташкил этувчи хусусият унинг тармоқ тамойиллари билан боғлиқ. Юқорида айтиб ўтилганидек, миграцияни универсал ва минтақавий халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида муайян тамойиллар фақат миграциянинг айрим турларига, масалан, бошпана изловчиларнинг, қочоқларнинг, қуролли тўқнашувларда ҳимояланган шахсларнинг мажбурий кўчиши ва ишга жойлашиш мақсадида ҳаракатланишига нисбатан қўлланилади. Ноқонуний миграцияга қарши кураш ҳам алоҳида тартибга солинади. Миграциянинг ҳар бир тури ўзига хос усул ва тартибга солишнинг махсус тамойилларини талаб қилади.

Халқаро ҳуқуқ фани миграцияни тартибга солиш қочоқлар ҳуқуқи каби тор профилли институтларга бўлинган ёндашув билан тавсифланади [28]. Асосан, бу институтлар мажбурий мигрантларни ҳимоя қилишнинг шартнома механизмларини

ва уларни амалга ошириш амалиётини ўз ичига олади. Европалик тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, қочоқларни ҳимоя қилиш бўйича халқаро-ҳуқуқий нормалар халқаро ҳуқуқнинг маълум манбаларидан, хусусан, халқаро конвенциялар, халқаро ва дунёнинг асосий ҳуқуқий тизимларида мавжуд бўлган умумий тамойиллардан келиб чиқади [29].

Кодификация жараёни халқаро ҳуқуқнинг амалдаги тизимида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Ф.И.Кожевников буни меъёрларни тизимлаштириш деб таърифлаган. Бу уларни моҳиятан умумий тамойиллар асосида қайта ишлаш билан боғлиқ. Кодификациянинг натижаси умумий ёки унинг бирон бир тармоғига тегишли бўлган ва маълум бир тизимга мувофиқ тартибга солинган халқаро қоидалар тўпламидир [30].

Бизнинг фикримизча, халқаро ҳуқуқда кодификация соҳани шакллантиришнинг зарурий элементи эмас, балки тартибга солишнинг барча хусусиятларини ҳисобга оладиган ягона халқаро-ҳуқуқий ҳужжат яратиш орқали уни тизимли равишда мустақкамлаши мумкин.

Халқаро миграция ҳуқуқи каби соҳанинг ривожланишини башорат қилиш қийин, чунки уни ташкил этувчи нормалар ҳали ҳам тарқоқ, бир вақтнинг ўзида ҳам универсал, ҳам минтақавий тартибга солишда қўлланилади. Бундан ташқари, миграция нормаларининг салмоқли қисми конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасига тегишли. Аввало, миграцияни халқаро ва миллий ҳуқуқий тартибга солиш ўртасида фарқни билиш лозим.

Шундай қилиб, миграцияни халқаро ҳуқуқий тартибга солиш манбаларини кодификация қилиш масалалари давлатларнинг унинг турларини таснифлаш ва турли тоифадаги мигрантларнинг кириши ва бўлишининг тегишли ҳуқуқий режимларини ўрнатишдаги манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ. Чет эл фуқароларининг мақоми халқаро-ҳуқуқий ва миллий-ҳуқуқий тартибга солишни бирлаштирган анъанавий институт бўлиб қолмоқда. Уни ташкил этувчи шахсий ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлардан давлатлар қисман қочоқлар, бошпана изловчилар ва меҳнат мигрантларининг ҳуқуқий ҳолатини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш учун ушбу тоифадаги шахсларга нисбатан муомала қилишнинг махсус тамойиллари асосида фойдаланадилар. Бугунги кунда бир қатор МДҲга аъзо давлатларнинг миллий қонунчилигида ташқи ва ички миграция асосларини, қочоқлар ва ички кўчирилганларнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солишни назарда тутувчи миграция қонуни каби соҳани кодекслаштириш тенденцияси кузатилмоқда.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Пархомова Ю. Источники международного миграционного права. Журнал международного права и международных отношений, № 3, 2008. – С.32.
2. Varlez L. Les migrations internationales et leur reglementation. – Paris: RCADI, 1927. – P.165, 171.
3. Chetail V. International Migration Law, Oxford: Oxford University Press, 2019. – 512 p.
4. Вокуев М. Р. Миграционное право современной России: теоретико-правовой анализ: дис. ... канд. юрид. наук. Ростов н/Д, 2006.
5. Хабриева Т. Я. Миграционное право России: теория и практика. – М.: КОНТРАКТ, 2008.
6. Жеребцов А.Н. Концепция административно-правового регулирования миграционных отношений в Российской Федерации (комплексный анализ теории и практики): автореф. дис.... докт. юрид. наук. – М., 2009. – С. 21.
7. Жеребцов А.Н. Концепция административно-правового регулирования миграционных отношений в Российской Федерации: (комплексный анализ теории и практики): автореф. дис. ... д-ра юрид. наук: 12.00.14. М., 2009. С. 3.
8. Малеев Ю.Н. Новое международное право? // Россия и пути решения современных международно-правовых вопросов: сборник материалов науч.-практ. конф., посвящ. 60-летию кафедры междунар. права МГИМО (У) МИД России / под ред. А.Н.Вылегжанина. М.: МГИМО, 2010. С. 177.
9. Schuck P.H. Law and the Study of Migration // Migration Theory: Talking across

Disciplines. 3rd ed. New York; London: Routledge, 2000. P. 189.

10.Плюгина И.В. Понятие мигранта и основные категории мигрантов // Журнал российского права. 2007. № 8. Доступ из инф.-правовой системы «Гарант Аэро», 2017. URL: <http://www.garant.ru>.

11.Миграция во взаимосвязанном мире: новые направления деятельности: доклад Глобальной комиссии по международной миграции, октябрь 2005 г.: пер. с англ. М., 2006. С. 45.

12.Жадяева Т.А. Реализация права человека и гражданина на свободу передвижения, выбор места пребывания и жительства в Российской Федерации: автореф. дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.02. Саранск, 2006. С. 15. О реализации права индивида на свободу передвижения см. также: Алешкова И.А. Право на свободу передвижения: вопросы теории и практики: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.01, 12.00.02. М., 2005

13.Барнашев А.М. Современные интеграционные процессы и проблемы взаимодействия норм международного и национального права // Международно-правовые стандарты в конституционном праве: сб. науч. тр. Ч. I. М.: РАП; ИНИОН РАН, 2006. С. 20–21.

14.Зайончковская Ж.А., Тюрюканова Е.В., Флоринская Ю.Ф. Трудовая миграция в Россию: как двигаться дальше. М., 2011. С. 27.

15.Кривенький А.И. Взаимоотношение прав человека и международного частного права // Права и свободы человека и гражданина: теоретические аспекты и юридическая практика: материалы межвуз. науч. конф. памяти Ф.М.Рудинского. (Москва, МГПУ, 26 апреля 2012 г.) М.: 2012. С. 114.

16.Текст Декларации ООН о правах человека в отношении лиц, не являющихся гражданами страны, в которой они проживают, 1985 г. приводится по: URL: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/not_nationals_rights.shtml.

17.Подробнее об этом см.: Мишунина А.А. Система правового регулирования миграционных процессов в федеративном государстве: конституционно-правовое исследование: дис. ... д-ра юрид. наук: 12.00.02. Тюмень, 2009.

18.Шаповалов А.А. Понятие и место отрасли права в системе права // Система права в Российской Федерации: проблемы теории и практики: материалы V ежегод. междунар. конф. (Москва, 19–22 апреля 2010 г.) / отв. ред. В.М.Сырых, С.А.Рубаник. М.: РАП, 2011. С. 209.

19.Исоқов Л. Мигрантлар ҳуқуқлари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. Монография. – Тошкент: “EFFECT-D”, 2022. – 436 б.

20.Муромцев Г.И. О некоторых методологических аспектах исследования свода законов // Современное правоведение: поиск методологических оснований. Жидковские чтения: материалы Всерос. науч. конф. (Москва, 26 марта 2010 г.) / отв. ред. Г.И.Муромцев, М.В.Немытина. М.: РУДН, 2011. С. 26.

21.Сафонов В.Е. К вопросу о соотношении международного и внутригосударственного права в сфере права человека. // XX лет Конституции Российской Федерации. Конституционализм в теории и практике отечественной государственности: история и современность: материалы III Конституционных чтений. (Москва, 22 ноября 2013 г.) М.: РГУП, 2014. С. 52.

22.Voronina N.A. Xalqaro huquq va MDH davlatlarining migratsiya qonunchiligi: (tarixiy va huquqiy tahlil) / IGP RAS. M., 2015. 108-109-betlar.

23.Закон «О правовом положении иностранных граждан и лиц без гражданства в Республики Узбекистан» // <https://lex.uz/docs/5443901>

24.Зинченко Н.Н. Международное миграционное право: основы теории и практики. М., 2011.

25.Киселева Е.В. Международно-правовое регулирование миграции: учеб. пособие. 3-е изд., испр. и доп. М, 2017. С. 73–74.

26.Талалаев А.Н. Право международных договоров. Т. 1: Общие вопросы / отв. ред. Л.Н.Шестаков. М.: Зерцало, 2011. Доступ из инф.-правовой системы «Гарант Аэро», 2017.

URL: <http://www.base.garant.ru>.

27.Галенская Л.Н. Категория принципов как правовых регуляторов международных отношений // Международное право: вчера, сегодня, завтра: к 100-летию со дня рождения Р.Л.Боброва: тез. докл. науч.-практ. конф. СПб., 2010. С. 6.

28.См., например: Patronogic J. Promotion, dissemination and teaching of International Refugee Law: a Guide. San Remo: IHL, 1990; Grahl-Madsen A. Territorial Asylum. Stockholm, 1980.

29.Хрестоматия по правам беженцев: решения, документы, материалы / гл. ред. М.Фуллerton. 2-е изд. на рус. яз. Будапешт: Венгерский Хельсинкский Комитет, 2014. С. 41.

30.Кожевников Ф.И. Русское государство и международное право (до XX века) / под ред. Л.Н.Шестакова. М.: Зерцало, 2008. Доступ из инф.-правовой системы «Гарант Аэро», 2017. URL: <http://www.base.garant.ru>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ABDULLAYEVA Dilfuza

Toshkent davlat yuridik universiteti dotsenti,
Yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD)
E-mail: dilfuza.abdullayeva@yandex.ru

MEHNAT MUNOSABATLARIDA KAMSITISHGA YO'L QO'YMASLIK: XALQARO MEHNAT STANDARTLARI VA MILLIY QONUNCHILIK

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ABDULLAYEVA D. Mehnat munosabatlarida kamsitishga yo'l qo'ymaslik: xalqaro mehnat standartlari va milliy qonunchilik // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2024) B. 117-122.

 4 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-4-14>

ANNOTATSIYA

Maqolada mehnat va mashg'ulotlar sohasida kamsitishni taqiqlashga oid xalqaro standartlar hamda milliy qonunchilikning o'ziga xos jihatlari o'rganilgan. Bundan tashqari ayrim toifadagi xodimlarni mehnat sohasida kamsitishni taqiqlash bo'yicha xorijiy mamlakatlar tajribasi tahlil qilingan. Shuningdek, insonlarning irqi, jinsi va yoshiga nisbatan kamsitishga yo'l qo'ymaslik masalalari ko'rib chiqilgan.

Kalit so'zlar: kamsitish, mehnat qonunchiligi, mehnat munosabatlari, xodimlar, xalqaro standartlar, milliy qonunchilik, ayrim toifadagi xodimlar.

АБДУЛЛАЕВА Дилфуза

Доцент Ташкентского государственного
юридического университета,
доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: dilfuza.abdullayeva@yandex.ru

НЕДОПУСТИМОСТЬ ДИСКРИМИНАЦИИ В ТРУДОВЫХ ОТНОШЕНИЯХ: МЕЖДУНАРОДНЫЕ ТРУДОВЫЕ СТАНДАРТЫ И НАЦИОНАЛЬНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются международные стандарты по запрету дискриминации в сфере труда и обучения, а также особенности национального законодательства. Кроме того, проанализирован опыт зарубежных стран по запрету дискриминации отдельных категорий работников в сфере труда. Также были рассмотрены вопросы недопущения дискриминации людей по расовой принадлежности, полу и возрасту.

Ключевые слова: дискриминация, трудовое законодательство, трудовые отношения, работники, международные стандарты, национальное законодательство, отдельные категории работников.

NON-DISCRIMINATION IN LABOR RELATIONS: INTERNATIONAL LABOR STANDARDS AND NATIONAL LEGISLATION¹

ANNOTATION

The article discusses international standards on the prohibition of discrimination in the field of labour and education, as well as the features of national legislation. In addition, the experience of foreign countries in prohibiting discrimination of certain categories of workers in the world of work is analysed. Issues of preventing discrimination against people based on race, gender and age were also considered.

Keywords: discrimination, labour legislation, labour relations, employees, international standards, national legislation, certain categories of employees.

Ma'lumki, har bir davrda va jamiyatda insonlar teng huquqlilik, qonun oldida barcha barobarligi prinsipi asosida yashishi lozimligi va bu hozirgi kunga qadar eng maqbul yechim sifatida ushbu mexanizmdan yaxshirog'i yo'qligi ko'p yillar davomida isbotlanib kelmoqda.

Jahon miqyosida mehnatkashlar huquqlarini himoya qilish va ijtimoiy adolatni ta'minlash zarurligini e'tirof etish Ikkinchi jahon urushidan keyin kuchaydi. Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) 1945-yilda xalqaro tinchlik va xavfsizlikni saqlash, xalqlar o'rtasidagi hamkorlikni rivojlantirish va inson huquqlarini ta'minlash maqsadida tashkil etilgan. Birlashgan Millatlar Tashkilotining birinchi tashabbuslaridan biri mehnat muammolarini hal qilish va ijtimoiy adolatni ta'minlash uchun ixtisoslashgan tashkilot sifatida Xalqaro Mehnat Tashkilotini (XMT) tashkil etish edi. XMT xalqaro mehnat standartlarini ishlab chiqish va konventsiyalar, tavsiyalar va texnik yordam dasturlari orqali munosib mehnatni rag'batlantirishda hal qiluvchi rol o'ynadi. Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi (UDHR) 1948-yilda Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasi tomonidan Ikkinchi jahon urushi vahshiyliklariga javob sifatida va asosiy inson huquqlarini himoya qilish muhimligini tan olgan holda qabul qilingan. Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi keng doiradagi fuqarolik, siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlarni, jumladan, mehnat qilish huquqi, adolatli va qulay mehnat sharoitlari, kasaba uyushmalarini tuzish va ularga qo'shilish huquqini mustahkamladi.

O'zbekiston Respublikasi 1958-yildagi "Mehnat va ish sohasida kamsitish to'g'risida"gi Jeneva Konvensiyasini ratifikatsiya qilgan. Ratifikatsiya qilishdan maqsad O'zbekistondagi mavjud mehnat amaliyotidagi kamsitilishlar, masalan, ayollarni kamsitish, nogironligi bo'lgan shaxslarni nuqsonlari uchun ishga qabul qilmaslik yoki irqi, kelib chiqishi nuqtai nazaridan turli xil tarzda ajratib qo'yishi holatlari kuzatilib kelayotgan edi. Masalan, O'zbekiston SSR da faqatgina tub mahalliy aholi paxta terishga majbur qilingan, ayollar va bolalar yoshidan qat'i nazar yoshu qarilar paxta terishga jalb qilinganligi sir emas. Biroq rus millatiga mansub aholi paxta terim ishlariga jalb qilinmagan, birgina paxta terimi emas balki, boshqa turdagi ishlarga ular jalb qilinmagan. 1958-yilda Jenevada "Mehnat va ish turlari sohasidagi kamsitish"ga oid Konvensiya imzolanayotgan vaqtda, o'zbek xalqi uchun kamsitishni cheklash, unga barham berish kabi tushunchalar mutlaqo begona edi. Agar dunyo xalqlari tarixiga nazar solsak, bir qator kamsitishga doir holatlarni kuzatishimiz mumkin. Bu ayniqsa 18 – 19 asrlarda Amerika Qo'shma Shtatlari, Fransiya, Angliya, Germaniya kabi davlatlarda muttasil ravishda kuzatilib kelingan.

¹This research was supported by a Marie Curie Research and Innovation Staff Exchange scheme within the «MARS: Non-Western Migration Regimes in a Global Perspective», funded by the European Commission, Horizon Europe MSCA Staff Exchanges Programme (project number 101130177)

Xalqaro mehnat munosabatlarida xalqaro shartnomalar va konvensiyalarning ahamiyati beqiyosdir. Masalan, Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasiga deyarli butun dunyo mamlakatlari a'zo hisoblanadi. Uning 23-moddasida har bir shaxs mehnat qilishga haqli va adolatli ish haqi olishga to'laqonli haqli deya qayd etilgan.

O'zbekistonda mustaqillikning dastlabki kunlaridanoq inson huquqlarini ta'minlash, uning erkin rivojlanishi va salohiyatini ro'yobga chiqarishi uchun shart-sharoit yaratish, har kimning teng huquqliligini ta'minlash va shaxslarni kamsitishlardan himoya qilish, shuningdek, xalq farovonligini yuksaltirishni davlat siyosatining eng muhim ustuvor vazifa sifatida belgilandi. O'zbekiston bu boradagi 80 dan ortiq xalqaro hujjatlarga izchil qo'shilgan va ratifikatsiya qilingan hamda ularni milliy qonunchilik va huquqni qo'llash amaliyotiga tatbiq etish chora-tadbirlarini amalga oshirmoqda. Birgina so'nggi yillarda 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi, "O'zbekiston - 2030" strategiyasi [1], 2022-2026-yillarda Yangi O'zbekistonni rivojlantirish strategiyasi [2], "Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasining Milliy strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni (2020-yil), shuningdek, 50 dan ortiq boshqa konsepsiya va dasturlar amalga oshirilmogda.

Bizga ma'lumki, so'nggi yillarda mehnat sohasidagi kamchiliklar va bo'shliqlar yuzaga kelayotgani, xodim va ish beruvchi o'rtasidagi munosabatlarda hali tartibga solinmagan ayrim masalalar mavjudligi sababli yangi O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksini qabul qilindi va 2022-yildan amaliyotga keng joriy qilindi. Hozirgi kunda O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksidagi yangi tushunchalar va institutlar bo'yicha tushuntirishlar hamda targ'ibot ishlari olib borilmoqda.

Masalan yangi O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksi bir qancha tamoyillar asosida qurilgan bo'lib, ulardan eng asosiylari bu mehnat huquqlarining tengligi, mehnat va mashg'ulotlar sohasida kamsitishni taqiqlash prinsipi hisoblanadi. Ushbu qoida Mehnat kodeksining 4-moddasida [3] aniq bayon qilinadi: Har kim mehnat huquqlarini amalga oshirish va himoya qilishda teng imkoniyatlarga ega ekanligi, mehnat va mashg'ulotlarda kamsitish taqiqlanishi belgilab qo'yilgan. Ushbu modda milliy mehnat qonunchiligining asosiy tamoyillaridan biri bo'lib, unga rioya qilmaslik nafaqat Mehnat kodeksi talablarini buzishga olib keladi, shu qatorda tegishli tarzda javobgarlikka ham sabab bo'ladi. Biz ushbu norma mazmunidan kamsitishni ikki xil toifaga ajratishimiz mumkin: birinchisi - qonunda belgilangan tartibdan tashqari asossiz ravishda turli xil imtiyozlar yoki huquqlar berish; ikkinchisi - asossiz ravishda imtiyoz va huquqlardan mahrum qilish, yoki boshqacha tarzda cheklashlardir.

Olim Z.Sh.Matchanovanning fikriga ko'ra, "kamsitishni oldini olish xodimlar va ularning oilalari uchun, shuningdek, ishda kasbiy rivojlanish va o'sish uchun imkoniyatlar yaratib beradi va ishda xavfsiz, sog'lom muhitni yaratishga imkon beradi" [4].

Shuni nazarda tutish lozimki, kamsitish mehnat sohasining har bir qismida namoyon bo'ladi, masalan ish haqini berishda, ustamalar ajratish, ishga qabul qilish, ish xajmini xodimlar o'rtasida taqsimlash kabi holatlarda uchrab turadi. Hozirgi kunda O'zbekiston Respublikasida kamsitishga oid ishlar ko'lamining eng katta qismi - ishga qabul qilishda yuzaga kelmoqda. Turli xil asoslarga ko'ra, masalan, nogironligi sababli, oilaviy sharoiti tufayli, yosh bolalari bor ayollarni ishga qabul qilishni rad etish holatlari ko'plab sohalarda mavjud.

Xususan, nogironligi bo'lgan shaxslarni ishga asossiz ravishda qabul qilmaslikni ko'rib chiqadigan bo'lsak bir qancha muammolarga duch kelishimiz mumkin. "Jahonda mehnatga layoqatli taxminan 470 million kishi nogiron hisoblanadi. Nogironligi bo'lgan shaxslar ham ishga kirishda, mehnat munosabatlariga kirishishda boshqa shaxslar bilan teng huquqlarga egadir. Faqatgina ularni mehnat qilishlarini quyidagi hollarda cheklash mumkin: agar tibbiy-ijtimoiy ekspert komissiyasining xulosasiga ko'ra nogironligi bo'lgan shaxsning sog'lig'i holati kasbiy vazifalarini bajarishga monelik qiladigan yoxud uning yoki boshqa shaxslarning hayotiga yoki sog'lig'iga, mehnat xavfsizligiga tahdid soladigan hollar [3]. Yuqoridagi holatlardan birortasi nomzodda kuzatilmasa boshqa asoslarga ko'ra ishga qabul qilishni rad qilish asossiz deb topiladi va bu diskriminatsiyaning bir ko'rinishidir. Masalan Buyuk Britaniyada nogironligi bo'lgan shaxslarni kamsitish juda qattiq qoralanadi va ularni himoya qilish davlat siyosati

darajasigacha ko'tarilgan. Ushbu mamlakatda bu borada alohida qonun mavjud bo'lib, u 2010-yilda qabul qilingan.

Ko'rishimiz mumkinki, davlat nogironligi bo'lgan shaxslarni sog'ligi jihatidan faqatgina uning ishlashi jamiyat uchun xavfli bo'lganda yoki o'zi uchun zararli bo'lgandagina qaysidir ma'nodagi "kamsitish"ga yo'l qo'yadi. Bundan tashqari, amaliyotda nogironligi bo'lgan shaxslarning oylik to'lovlarini amalga oshirishda ham bir qator kamsitish holatlari mavjud. Masalan, ish samaradorligi past deb, ushbu asos bilan to'lovlarni qolgan xodimlarga nisbatan kamroq amalga oshirish ham kamsitishning bir turidir. Garchi nogironligi bo'lgan xodimning ish samaradorligi qolgan xodimlarnikiga nisbatan pastroq bo'lsada, ular bilan teng miqdorda oylik maosh olish imtiyoziga ega. Ushbu normadan maqsad esa ijtimoiy adolat prinsipini ro'yobga chiqarish hisoblanadi.

Jinsiga ko'ra kamsitish. O'zbekiston Respublikasida gender masalasidagi mutanosibliklar va ushbu sohadagi ayrim o'ziga xos munosabatlar qonun darajasida tartibga solingan bo'lib, 2019-yilda "Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonuni [5] qabul qilingan. Ushbu qonunning maqsadi xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlarni ta'minlash sohasidagi munosabatlarni tartibga solishdan iboratdir.

"Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonunida jins bo'yicha kamsitishning ikki turi mavjud. Birinchisi, jinsiga ko'ra bevosita kamsitish, ikkinchisi esa jinsiga ko'ra bilvosita kamsitish hisoblanadi. Bundan tashqari ushbu qonunning asosiy prinsiplari qonuniylik, demokratizm, xotin-qizlar va erkaklarning teng huquqliligi, ochiqlik va shaffoflik va eng muhimi jins bo'yicha kamsitishga yo'l qo'ymaslik hisoblanadi. Ko'p guvohi bo'lgan hodisalarimizdan biri ayollar uchun majburiy ish o'rinlarini yaratish bilan bog'liq. Agar tarixga nazar solsak, diniy mutaasiblik ta'sirida jamiyat ayollarning mehnatini qoralagan va ayollar mehnat qilishlari mumkin emas deya uqtirib kelingan. Biroq demokratik prinsiplarda har bir inson uchun munosib mehnat sharoitlarida ishlash, erkin kasb tanlash huquqi kafolatlanadi.

O'zbekiston Respublikasi dunyoviy davlat ekanligini hisobga olib shuni aytish mumkinki, har bir erkak va ayol bir xil va teng sharoitlarda mehnat qilishlari lozim. Masalan, ayol kishini og'ir mehnat sharoitlariga, masalan, tog'-kon sanoatida, yer ostida ishlashiga to'sqinlik qilish bu kamsitish hisoblanmaydi. Chunki qonun bilan bu mustahkamlab qo'yilgan bo'lib, bu ayollarning salomatligi va ularning tabiiy fiziologik holatidan kelib chiqib belgilangan. Shu qatorda ayollarning me'yoridan ortiq normadagi og'ir yuklarni ko'tarishlari ham mumkin emasligi belgilangan, bu esa erkaklarga nisbatan kamsitish deb qaralmasligi lozim. "Xalqaro miqyosda gender tengligiga erishish istagi uchun kurash 1945-yilda boshlangan desak ham bo'ladi. Chunki BMTning ham tashkil etilishi shu yil amalga oshirilgan edi. BMT xalqaro miqyosda jinsga ko'ra kamsitishni taqiqlashga bir ovozdan kurashga chaqirdi. Bunda davlatlar ayollarga erkaklar bilan teng ravishda davlat boshqaruvida va saylov jarayonlarida ishtirok etish huquqi ta'minlanishi ko'zda tutildi" [6].

Irqi yoki terisining rangi bo'yicha kamsitishlar O'zbekistonda kamdan kam hollarda uchrasada, ammo yo'q deb bo'lmaydi. Bunday turdagi kamsitish asosan, ko'p millatli davlatlarda yuzaga keladi. Ayniqsa bu o'rta asrlarda juda avj olgan, biroq bu oddiy holdek qabul qilingan. Yevropa va Amerikada juda ko'p ko'zga tashlanadi. Hozirgi kunda huquq rivoji eng yuqori bosqichlarda bo'lsada, ayrim sohalarda irqiy va teri rangiga ko'ra kamsitish holatlari ko'zga tashlanib kelmoqda. Hatto yaqingacha Amerika va Yevropaning ayrim davlatlarida qora tanli odamlarga kamroq maosh to'lanishi yoki ayrim imtiyozlardan mahrum etilishi qonuniy tarzda belgilab qo'yilgan edi. Amerikaning tub aholisi hisoblangan aborigenlar hatto inson sifatida tan olinmagan. "Irqi kamsitish mehnat sohasida teng imkoniyatlardan foydalanishni cheklashning eng tarixiy ko'rinishidir va ko'pincha irqiy kamsitish qurbonlari stressga tushadilar, o'zini past baholaydi" [7]. Irqi kamsitish tarixiy jarayonlarning natijasidir: Eduard Bonilla-Silva kabi olimlar irqiy kamsitish ijtimoiy va iqtisodiy tengsizliklarni keltirib chiqargan tarixiy jarayonlarning natijasi deb hisoblashadi [8]. Irqi kamsitishlarga qarshi kurashni tartibga soluvchi asosiy hujjat BMTning "Irqi kamsitishning barcha shakllarini tugatish to'g'risida"gi

konvensiyasi hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasi mazkur konvensiyaga Oliy Majlisning 1995-yil 31-avgustdagi 129-I-sonli qaroriga asosan qo'shilgan. Mamlakatimiz uchun 1995-yil 28-oktabrda kuchga kirgan [9].

O'zbekiston Respublikasida yoshga doir kamsitish holatlari ham uchrab turadi, masalan, xodimlar va ish izlovchilarning ko'pchiligi 50 yoshdan keyin o'zlariga nisbatan eydjizm sodir bo'ladi deb hisoblaydilar. Eydjizm – bu ma'lum bir yosh guruhiga, xususan yoshi katta shaxslarga nisbatan cheklovlar o'rnatish yoki kamsitish hisoblanadi. Bu borada ham bir qator muammolar mehnat qonunchiligimizda uchrab turar edi. Masalan, eski tahrirdagi Mehnat kodeksining 100-moddasi 2-qismiga ko'ra, xodim yoshga doir pensiya olish huquqini olish yoshiga yetganda ish beruvchi u bilan mehnat shartnomasini o'z tasahbusiga ko'ra bekor qilishi mumkin edi. Bu esa yoshi katta qatlamdagi va mehnat faxriylari tomonidan ko'plab e'tirozlarga sabab bo'layotgan edi. Ular ko'p yillar davomida mehnat qilsada, yoshi o'tgach qadrlanmayotganini ta'kidlayotgan edilar. Shu va shu kabi e'tirozlar hisobga olingan holda yangi tahrirdagi Mehnat kodeksi ishlab chiqilib, unda mehnat shartnomasini ish beruvchi tashabbusiga ko'ra bekor qilishga doir qismidan, pensiyanerlar bilan mehnat shartnomasini bekor qilish qismi chiqarib tashlandi. Biroq baribir amaliyotda ayrim korxonalar, muassasa va tashkilotlarda pensiyanerlar bilan boshqa asoslarni niqob qilgan holda mehnat shartnomasini bekor qilish amaliyoti saqlanib qolgan.

Olim Antifontning ta'kidlashicha, “tabiat barchani, ayollarni ham erkaklarni ham teng qilib yaratdi, lekin odamlar insonlarni tengsiz holatga soluvchi qonunlar ishlab chiqishadi” [10]. Yuqoridagi Antifontning fikrlari bundan bir necha asr ilgari aytilgan bo'lsada, hozirgi kunda dolzarbligini hech ham yo'qotgani yo'q.

“Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq va imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida”gi Qonunda ham bir qator jinsiga ko'ra kamsitishga oid holatlarni ta'qiqlash haqida so'z yuritiladi. Bunda hatto ayollarga majburiy ish o'rinlari yaratilishi va teng imkoniyatlar berilishi ta'kidlanadi. Biroq amaliyotda ko'p holatlarda boshqaruv lavozimlarini egallashda erkaklar va ayollarning mutanosib emasligini uchratichimiz mumkin.

12. OSCE Office for Democratic Institutions and Human Rights. (2019). Strengthening Access to Justice for Women Victims of Violence in the OSCE Region. // URL: <https://www.osce.org/odihr/429363>;

13. WAVE (2015). WAVE report on the role of specialist women's support services in Europe (France country information). Available at: http://files.wave-network.org/researchreports/WAVE_Report_2015.pdf;

14. The Belgian Ministry of Justice website // URL: (<https://www.belgium.be/en/justice>) for information on victim support programs.

15. "Specialist Domestic Violence Court Programme" details the program's goals and how it integrates support services // URL: <https://www.cps.gov.uk/legal-guidance/domestic-abuse>;

16. United Nations Office on Drugs and Crime. (2021). Global Study on Legal Aid: Gender Perspectives. // URL: https://www.unodc.org/documents/justice-and-prison-reform/Gender_Legal_Aid.pdf;

17. Feedback report on gender mainstreaming in the Swedish Courts // URL: (<https://www.coe.int/en/web/genderequality/gender-mainstreaming>);

18. The Finnish Ministry of Justice website: (<https://oikeusministerio.fi/en/>);

19. The Federal Ministry for Women and Equality (BMFSFJ) website // URL: (<https://www.bmfsfj.de/bmfsfj/meta/en>);

20. The ISTAT report and other resources // URL: (e.g., <https://www.direcontrolaviolenza.it/>);

21. The Austrian Federal Chancellery: // URL: <https://www.bundeskanzleramt.gv.at/en.html>;

22. United Nations Entity for Gender Equality and the Empowerment of Women. (2018). Turning Promises into Action: Gender Equality in the 2030 Agenda for Sustainable Development. // URL: <https://www.unwomen.org/en/digital-library/publications/2018/2/gender-equality-in-the-2030-agenda-for-sustainable-development-2018>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

YULDOSHBEKOV Avazbek Alisher o'g'li

Toshkent davlat yuridik universiteti mustaqil izlanuvchisi (PhD)

E-mail: yuldoshbekov94@mail.ru

SOLIQ MASLAHATCHILARI KASBIY JAVOBGARLIGINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): YULDOSHBEKOV A. Soliq maslahatchilari kasbiy javobgarligining o'ziga xos xususiyatlari // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2024) В. 136-143.



4 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-4-17>

ANNOTATSIYA

Soliq solish sohasidagi maslahat maslahatchi va mijoz o'rtasida yuqori darajadagi ishonchni talab qiladi. Ammo zamonaviy, ya'ni ayovsiz raqobat sharoitida tashkilotlar o'zlarining tijorat sirini tashkil etuvchi ma'lumotlarni maslahatchi uchun oshkor qilishdan qo'rqishlari ma'lum bo'ldi. Bu esa o'z navbatida turli ko'rinishdagi xizmatlar bozorida soliqqa tortish bo'yicha maslahatlarning rivojlanishiga ham aks ta'sir qilishi aniqlandi. Ushbu muammoni fuqarolarning huquqiy madaniyatini oshirish, ya'ni turli xil seminarlar, soliq to'lovchilarning savodxonligini oshirish kurslari va bunday tadbirlarni targ'ib qilish orqali hal qilish mumkin. Soliq amaliyotida soliq maslahati ko'rinishidagi faoliyatning keng qo'llanilishiga qaramay, ushbu masala nazariyasi hali ham yetarli darajada rivojlanmaganligini guvohi bo'lishimiz mumkin. Buni chuqur nazariy tahlil qilish zarurati xorij tajribasini hisobga olgan holda malakatimizda soliq maslahati institutining oqilona modelini qurish metodologiyasini ishlab chiqish zarurati bilan bog'liqligi aniqlandi. Mazkur maqolada soliq maslahatchilarining xulq-atvori va kasbiy javobgarligi to'g'risida olimlarning munosabatlari ko'rib chiqilgan.

Kalit so'zlar: soliq huquqi, soliq maslahati, soliq maslahatchisi, moliyaviy savodxonlik, soliq munosabatlari, kasbiy etika, motivatsiya, samaradorlik, javobgarlik.

ЮЛДАШБЕКОВ Авазбек Алишерович

Самостоятельный соискатель (PhD)

Ташкентского государственного юридического университета

E-mail: yuldoshbekov94@mail.ru

ОТЛИЧИТЕЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ НАЛОГОВЫХ КОНСУЛЬТАНТОВ

АННОТАЦИЯ

Налоговые консультации требуют высокого уровня доверия между консультантом и клиентом. Но в условиях сегодняшней жесткой конкуренции стало известно, что организации боятся раскрывать консультантам свою коммерческую тайну. Установлено, что это, в свою очередь, влияет на развитие налогового консультирования на рынке различных видов услуг. Эту проблему можно решить за счет повышения правовой культуры

граждан, то есть проведения различных семинаров, курсов по повышению грамотности налогоплательщиков, популяризации подобных мероприятий. Несмотря на широкое использование деятельности в форме налогового консультирования в налоговой практике, мы видим, что теория этого вопроса еще недостаточно разработана. Установлено, что необходимость глубокого теоретического анализа связана с необходимостью разработки методологии построения обоснованной модели института налогового консультирования в нашей стране с учетом зарубежного опыта. В данной статье рассматриваются взгляды ученых на поведение и профессиональную ответственность налоговых консультантов.

Ключевые слова: налоговое право, налоговое консультирование, налоговый консультант, финансовая грамотность, налоговые правоотношения, результативность инвестиций, стимул, эффективность, механизм.

YULDASHBEKOV Avazbek

Independent researcher (PhD) of Tashkent State University of Law

E-mail: yuldashbekov94@mail.ru

DISTINCTIVE FEATURES PROFESSIONAL RESPONSIBILITY OF TAX CONSULTANTS

ANNOTATION

Tax consultations require a high level of trust between the consultant and the client. But in today's fierce competition, it has become known that organizations are afraid to disclose their trade secrets to consultants. It has been established that this, in turn, affects the development of tax consulting in the market of various types of services. This problem can be solved by improving the legal culture of citizens, that is, by holding various seminars, courses to improve the literacy of taxpayers, and popularizing such events. Despite the widespread use of activities in the form of tax consulting in tax practice, we see that the theory of this issue has not yet been sufficiently developed. It is established that the need for in-depth theoretical analysis is associated with the need to develop a methodology for building a sound model of the institute of tax consulting in our country, taking into account foreign experience. This article examines the views of scientists on the behavior and professional responsibility of tax consultants.

Keywords: tax law, tax consulting, tax consultant, financial literacy, tax relations, investment performance, incentive, efficiency, mechanism.

Statistik ma'lumotlarga nazar tashlar ekanmiz, Respublika bo'yicha jami 204 nafar soliq maslahatchilari va 74 ta soliq maslahatchilari tashkiloti (keyingi o'rinlarda SMT) ro'yxatdan o'tgan bo'lib, shundan atigi 29 ta SMT yuridik shaxs ixtiyoriy tugatilayotganda xulosa berish huquqiga ega tashkilot bo'lib hisoblanadi [1].

Bundan tashqari, yurtimizda faoliyat yuritayotgan jami 74 ta soliq maslahatchilari tashkilotidan Jizzah viloyatida 1 ta, Farg'ona viloyatida 1 ta, Toshkent viloyatida 2 ta, Buxoro viloyatida 3 ta, Andijon viloyatida 4 ta, Qoraqalpog'iston Respublikasida 1 ta, Samarqand viloyatida 3 ta, Qashqadaryo viloyatida 1 ta, Sirdaryo viloyatida 1 ta soliq maslahatchilari tashkiloti ro'yxatdan o'tgan bo'lsa, qolgan 57 tasi Toshkent shahri hisobiga to'g'ri keladi.

Shu bilan bir qatorda, mamlakatimizda faoliyat yuritayotgan korxonalar va tashkilotlar bilan proporsional ravishda taqqoslaydigan bo'lsak, yurtimizda jami 485024 ta korxonalar va tashkilotlar mavjud bo'lib, shundan Qoraqalpog'iston Respublikasida 25928 ta, Andijon viloyatida 29717 ta, Buxoro viloyatida 31203 ta, Jizzax viloyatida 19923 ta, Qashqadaryo viloyatida 33064 ta, Navoiy viloyatida 21880 ta, Namangan viloyatida 27634 ta, Samarqand viloyatida 43477 ta, Surxondaryo viloyatida 24657 ta, Sirdaryo viloyatida 13432 ta, Toshkent viloyatida 45295 ta, Farg'ona viloyatida 42574 ta, Xorazm viloyatida 27089 ta, Toshkent shahrida 99151 tani tashkilot etadi [2].

Demak, yuqorida keltirilgan statistik ma'lumotlardan kelib chiqqan holda aytishimiz mumkinki, mamlakat bo'yicha jami 485024 ta korxon va tashkilotga 204 nafar soliq maslahatchisi to'g'ri kelmoqda.

Vaholanki, Yevropa va AQSHning rivojlangan mamlakatlari o'rtacha statistik koeffitsientga ega bo'lib, mamlakatda ishlaydigan soliq xizmatlarining 10 nafar xoidimi uchun 11 nafar soliq maslahatchisi, Avstraliyada esa har 18 million kishiga 18000 nafar soliq xizmati xodimi va 21000 soliq maslahatchisi to'g'ri keladi [3].

Institutsional tartibga solish doirasida soliq munosabatlarining rivojlanishi soliq huquqbuzarliklarining oldini olishda soliq maslahatlarining ahamiyatini oshirishga va mumkin bo'lgan soliq oqibatlari nuqtayi nazaridan mantiqiy bo'lmagan boshqaruv qarorlari tufayli korporativ soliq to'lovchilarning faoliyatiga yetkaziladigan zararining oldini olishga yordam beradi.

XVII-XVIII asrlarda shakllangan ma'rifat davrida almashinuv nazariyasining atomistik nazariya deb nomlangan turi paydo bo'lib, ushbu nazariyaga fransiyalik mutafakkirlar Sebastyen Le Pretr de Voban (fr. Sébastien Le Prestre de Vauban, 1633-1707) (jamoat shartnomasi nazariyasi) va Sharl Lui de Monteskye (fr.Charles-Louis de Seconda, Baron de La Brède et de Montesquieu; 1689-1755) (davlat shartnomasi nazariyasi) hamda Volter kabilar asos soldi. Ushbu nazariya soliq fuqarolar va davlat o'rtasidagi shartnoma mahsuli ekanini e'tirof etadi. Unga muvofiq fuqaro shaxsiy va mulkiy xavfsizligi himoyasi hamda boshqa xizmatlar uchun davlatga haq to'laydi [4, B.340].

Soliq maslahati instituti oldida turgan barcha vazifalarni amalga oshirish, mutaxassislarning zarur malakadarajasiga erishish, ularning nazorati va mijozlar oldidagi mas'uliyatini shakllantirish, maslahat xizmatlari bozoriga tartibga solinmagan holda erkin kirish, mutaxassislarning o'z-o'zidan paydo bo'lishi va ularning professional birlashmalarda ishtirok etishining ixtiyoriyligi sharoitida bir muncha qiyindir. Ushbu sohaning yuksak ijtimoiy ahamiyatini inobatga olgan holda, soliq maslahati institutining faoliyati uchun davlat manfaatlari nuqtayi nazaridan ham, soliq to'lovchilarning ehtiyojlari nuqtayi nazaridan ham tartibga solinadigan shart-sharoitlarni yaratish zarur. Shu bilan birga, "zarar yetkazmaslik", ya'ni ushbu manfaatlar muvozanatini ta'minlash va soliq maslahatchilarining javobgarligi va ularning faoliyatini nazorat qilish masalasiga oqilona yondashish juda muhimdir.

Binobarin, A.A.Orlovaning qayd etishicha, professional hamjamiyat oldida soliq maslahati bozorini rivojlantirish va jamiyatda soliq maslahati kasbining ijobiy imidjini shakllantirishdek muhim vazifa turibdi [5].

Maslahatchilarning professional birlashmalari barcha sohalarda yetarli ta'sirga ega emas, shuningdek, mijozlar individual maslahatchi yoki maslahat kompaniyasining ishonchliligi va professionaligi to'g'risida ma'lumot olishlari uchun yetarli manbalar ham mavjud emas. Natijada, mijozlar maslahat berishga oid axloqiy me'yorlarga rioya qilmaydigan va professional bo'lmagan odamlarning xizmatidan foydalanishadi. Bu esa maslahat xizmatlarining umumiy sifatiga va potensial mijozlar oldida soliq maslahatchisining imidjiga salbiy ta'sir qiladi [6].

Beqaror global iqtisodiy vaziyat sharoitida, maksimal foyda olishga intilib, har qanday korxon va hajmidan qat'iy nazar, o'z daromadlari va xarajatlarini rejalashtirish va tartibga solish zaruratiga duch keladi. Daromadlar va xarajatlarni boshqarish orqali xo'jalik yurituvchi subyekt xatarlarni kamaytirish va bankrotlikning oldini olish kabi masalalarni hal qiladi.

Xususan, yu.f.d., professor I.A.Ergashevning qayd etishicha, "Soliq bo'yicha maslahat berish yagona shartnoma orqali belgilanadigan faoliyat turi bo'lib, soliq maslahatchisi bu soliq to'lovchining moliyaviy manfaatlarini himoya qiladigan shaxs hisoblanadi. Shu bilan bir qatorda, maslahatchi nafaqat o'z mijozini himoya qilishi va soliq to'lovlarini optimallashtirishi, balki soliqlarni o'z vaqtida va to'g'ri to'lashi uchun ko'maklashishi zarur bo'lib hisoblanadi" [3].

Yana bir tadqiqotchi olim S.Killianning keltirishicha, "Soliq maslahatchilarining ham davlat, ham soliq to'lovchi vakili sifatidagi ikkitomonlama pozitsiyasi har doim ham muvozanatli bo'lavermaydi. Shunday ekan, soliq maslahatchilari soliq to'lovchining qonun hujjatlariga rioya etishi yoki rioya qilmasligi xatti-harakatlari ustidan nazorat qiluvchi vazifasini ham bajaradi. Soliq maslahatchisining soliq to'lovchiga iqtisodiy jihatdan qaramligi uning o'z vazifalarini

muvofiglik agenti sifatida bajarishiga to'sqinlik qilib, oqibatda soliq maslahatchilari soliq to'lovchining soliqdan agressiv qochish istagini ma'qullashga majbur bo'lib qoladi" [7].

Soliq maslahatchisi soliqqa tortishni optimallashtirish va xo'jalik yurituvchi subyektlarni rivojlantirish uchun qonuniy soliq sxemalarini taklif qilish, ularning samaradorligini tahlil qilish va yuzaga kelishi mumkin bo'lgan xatarlarni baholash uchun ixtisoslashgan bo'ladi. Ushbu funksiyalarni sifatli bajarish uchun kasbiy malaka va professional tayyorgarlikka ega bo'lish kerak [8, B.17-23].

Xususan, N.V.Timoshkovaning fikriga ko'ra, "Soliq maslahatchisi quyidagi xususiyatlarga ega bo'lishi kerak:

- 1) muloqot qobiliyatlari;
- 2) kuchli irodaga o'xshash sifatlar;
- 3) mantiqning o'ta aniqligi va o'z nuqtayi nazarini taqdim etish.

Shuningdek, iqtisodiyotning innovatsion rivojlanishini rag'batlantirish uchun soliq maslahatchisi tomonidan ishda kasbiy etikaga rioya qilishni belgilaydigan asosiy xususiyatlar quyidagilar:

- 1) soliq maslahati masalalari bo'yicha professional pozitsiyani aniq va tushunarli taqdim eta olish qobiliyati;
- 2) ishbilarmonlik suhbatini o'tkazish qobiliyati;
- 3) biznes aloqalarini o'rnatish qobiliyati;
- 4) berilgan maslahat savollariga javoblarni aniq va tushunarli ifodalash qobiliyati;
- 5) soliq maslahati masalalari bo'yicha hisobotlarda javoblarni taqdim etishning mantiqiyligi va izchilligi;
- 6) maslahat maqsadida tadqiqot o'tkazish uchun ma'lumotlarni to'g'ri tanlash qobiliyati [9, B.25-27].

O'zining kasbiy faoliyatida soliq maslahatchisi firmalar va yakka tartibdagi tadbirkorlar bilan ham, davlat organlari bilan ham o'zaro aloqada bo'ladi. Innovatsion rivojlanishni boshqarish, shuningdek tashkilotdagi innovatsiyalarni baholash ko'p jihatdan faoliyatning turli sohaslarida, shu jumladan soliq xatarlarini baholashda va bahsli arbitraj amaliyotida olingan sifatli va to'liq ma'lumotlarga bog'liq. Shunday qilib, soliq maslahatchisining kasbiy vakolatlar darajasi soliq qonunchiligi va kasbiy etika prinsiplariga qat'iy rioya qilishga asoslangan bo'ladi. Kasbiy etika prinsiplariga muvofiq soliq maslahati sohasida professional xizmatlar ko'rsatish maqsadida maslahatchi mijozlarning millati, jinsi va dinidan qat'iy nazar, ularning manfaatlarini himoya qilish majburiyatini oladi.

Har qanday holatda ham maslahatchi mijozning manfaatlarini shaxsiy manfaatlaridan ustun qo'yishi va ularning bir-biriga zid kelmasligiga ishonch hosil qilishi kerak. Maslahatchi mijozning muayyan qarorlariga qiziqmasligi va hissiy jihatdan mustaqil bo'lishi kerak.

Soliq maslahatchisi tomonidan xatolarni tuzatish amaldagi mehnat va fuqarolik qonunchiligida belgilangan chegaralar doirasida moddiy zarar yetkazganlik uchun javobgarlikni o'z ichiga oladi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida innovatsiyalarni joriy etish va boshqarish masalalari bo'yicha ommaviy axborot vositalari orqali professional soliq maslahat xizmatlarini reklama qilish va taklif qilish firmalar, jismoniy shaxslar va o'zini o'zi boshqaruvchi tashkilotlar tomonidan amalga oshiriladi.

Soliq maslahatchisi tomonidan kasbiy etika prinsiplarini qo'llash yoki qo'llamaslikni ko'rsatadigan va yuqoridagi masala bilan bog'liq bo'lgan prinsip ommaviy axborot vositalaridan adolatli foydalanishni o'z ichiga oladi. Shuningdek, ommaviy axborot vositalaridan foydalangan holda iqtisodiyotda innovatsion faoliyatni reklama qilishda tartiblilik prinsipi bilan chambarchas bog'liq holda halollik prinsipini ajratib ko'rsatish mumkin.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida umumiy masalalar bo'yicha ham, innovatsiyalarni joriy etish va boshqarish bo'yicha ham soliq maslahati xizmatlarini amalga oshirishda soliq maslahatchisi o'z manfaatlari va mijozlar manfaatlari o'rtasida ziddiyatning yo'qligi, hissiy mustaqillik va mijozning manfaatlarini o'z manfaatlaridan ustun qo'yishni o'z ichiga oladigan kasbiy etika prinsiplariga rioya qilishi kerak [10, B.87-96].

Yuqoridagi fikrlardan farqli ravishda, A.K.Kobilyanskiyning qayd etishicha, “Qonunchilik normalariga soʻzsiz rioya qiladigan mustaqil professional soliq maslahatchilarining faoliyati nafaqat maslahat xizmatining buyurtmachisi sifatida soliq toʻlovchi manfaatlarining, balki huquqbuzarliklar doirasini qisqartirish orqali jamiyat manfaatlarining ham himoya qilinishini taʼminlaydi. Mustaqil soliq maslahatchilarining asosiy funksiyalari quyidagilardan iborat:

- soliq toʻlovchilar va soliq organlari oʻrtasida bitimlar tuzishda ular oʻrtasidagi muzokaralarda ishtirok etish;

- soliq nizolarida va nizoli vaziyatlarni hal qilishda soliq toʻlovchining manfaatlari yuzasidan vositachilik qilish yoki vakillik qilish;

- soliq hisobotlarini, soliq nazorati maqsadlari uchun zarur boʻlgan boshqa hujjatlarni taqdim etish, ortiqcha toʻlangan soliqlarni qaytarish, oʻzaro hisob-kitoblarni solishtirish va boshqa tartib-qoidalarni taqdim etish munosabati bilan soliq organlari bilan hamkorlikda soliq toʻlovchining manfaatlarini ifodalash;

- soliq toʻlovlarini tejash uchun qonuniy ruxsat etilgan imkoniyatlardan foydalangan holda soliq hisobotini tuzish;

- soliq qonunchiligini tushuntirish va taklif etilayotgan bitimlarning soliq oqibatlarini rejalashtirish”[11, B.41-42].

Shuningdek, S.V.Barulinning fikriga koʻra “Koʻpgina mamlakatlarning xorijiy amaliyoti soliq maslahati tor ixtisoslashuv va maslahatchilarning yuqori kasbiy tayyorgarligini talab qiladigan biznesning muhim infratuzilma elementi ekanligini isbotladi. Birinchidan, soliq maslahatchisi soliq va boshqa qonunchilikdagi barcha oʻzgarishlarni va soliq nizolarini hal qilishning sud amaliyotini atayin kuzatib brogan holda ushbu oʻzgarishlarni maʼlum bir mijozning xususiyatlariga tizimlashtiradi va moslashtiradi. Ikkinchidan, soliq maslahatchisi soliq sohasidagi muammolarni hal qilishning maxsus vositalariga ega boʻlib, ulardan foydalanish maslahatchiga oʻz vazifalarini muvaffaqiyatli va samarali hal qilishga imkon beradi. Uchinchidan, soliq maslahatchisi mijozga soliq sohasidagi bir qator masalalarni hal qilish boʻyicha oʻz bilim va tajribasini taklif qilishi mumkin” [12].

Tadqiqot natijalari tahlili.

Shu oʻrinda qayd etish joyizki, soliq maslahatchilarining kasbiy javobgarligi boshqa javobgarlik turlaridan bir qator xususiyatlariga koʻra farqlanadi va ular quyidagilardan iboratdir:

Birinchidan, kasbiy javobgarlik maʼlum bir kasb yoki faoliyat sohasiga tegishli boʻlib, shu sohaning oʻzigagina xos boʻlgan talablar va standartlariga asoslanadi. Shu bilan bir qatorda, bu javobgarlik turi mutaxassisning kasbiy malakasi, bilimlari va koʻp yillik tajribasiga ham bogʻliq boʻlib hisoblanadi.

Ikkinchidan, kasbiy javobgarlik koʻp holatda kasbiy etika kodekslari va prinsiplariga tayangan holda, mijozlar va jamiyat oldidagi masʼuliyatni qatʼiy ravishda belgilaydi, bunda kasbiy javobgarlik nafaqat ish beruvchi, balki mijozlar va keng jamiyat oldidagi masʼuliyatni ham oʻz ichiga oladi.

Uchinchidan, kasbiy javobgarlik maʼlum litsenziyalar yoki sertifikatlarning mavjudligi bilan bogʻliq boʻlib hisoblanadi va mutaxassisdan oʻz bilim va koʻnikmalarini muntazam yangilab borishni talab qiladi.

Toʻrtinchidan, kasbiy xatolar yoki etika qoidalarining buzilishi holatlari huquqiy oqibatlarga, jumladan litsenziyaning bekor qilinishi yoki jarimalar toʻlashga olib kelishi mumkin. Shu jumladan, koʻplab kasb turlarida kasbiy javobgarlik sugʻurtasi mavjud boʻlib, bu boshqa javobgarlik turlarida kam uchraydigan holat boʻlib hisoblanadi.

Xususan, soliq maslahatchilari va soliq maslahatlari faoliyatini tartibga solish va nazorat qilish tizimini yaratish juda ham muhim boʻlib, ushbu tizimni rivojlantirish davlat tomonidan tartibga solish orqali ham, soliq maslahatchilarining professional birlashmalari orqali oʻzini oʻzi tartibga solishni yanada rivojlantirish orqali ham amalga oshirilishi kerak. Soliq maslahati sohasidagi faoliyatni davlat tomonidan tartibga solish quyidagi yoʻnalishlarda amalga oshirilishi kerak: soliq maslahatchilarining qonun ijodkorligi faoliyatidagi rolini oshirish, shuningdek soliqqa tortish va soliq organlarining nazorat tartib-qoidalarining munozarali masalalarini hal

qilish uchun shart-sharoitlar yaratish shular jumlasidandir [13].

Fikrimizcha, soliq maslahatchilarining javobgarligi masalasi muhim ahamiyatga ega bo'lib, bugungi kunda javobgarlik mijoz bilan tuzilgan shartnoma doirasida belgilanadi. Kelajakda soliq maslahatchisiga murojaat qilib, kompaniya duch kelishi mumkin bo'lgan xatarlar uchun javobgarlik to'liq belgilanishi kerak.

Xulosa va takliflar

Xulosa o'rnida qayd etish joyizki, soliq maslahatchilari o'zlarining faoliyatlarini Axloq kodeksi orqali soliq to'lovchi va soliq organlari o'rtasidagi munosabatlarning sinxronizatori sifatida izohlaydilar. Axloq kodeksi soliq maslahatchilarining soliq to'lovchilar oldidagi majburiyatlarini bajarishdagi asosiy vositasi hamdir. Soliq maslahatchilari va soliq to'lovchilar o'rtasidagi munosabatlar tranzaksion bo'lsada, soliq maslahatchilari professional axloq kodeksini qo'llab-quvvatlagan holda xizmat ko'rsatishlari shart.

Tadqiqot doirasida soliq xizmati xodimlari, soliq maslahatchilari va boshqa kasb vakillaridan iborat auditoriyada o'tkazilgan so'rovnoma natijalariga asosan, "Sizningcha, "Soliq maslahatchilarining Etika kodeksini ishlab chiqishga zarurat mavjudmi?" degan savolga respondentlarning 70,1 foizi "zarurat mavjud" deya javob bergan bo'lsalar, qolgan 29,9 foizi esa "zarurat mavjud emas" degan javob bilan o'z pozitsiyalarini bildirib o'tganlar.

Xususan, AQSH, Daniya, Italiya, Belgiya, Slovakiya kabi davlatlarning ijobiy tajribalaridan foydalangan holda O'zbekiston Respublikasi Soliq maslahatchilarining kasb etika qoidalari ishlab chiqish va soliq maslahatchilari faoliyatiga to'liq joriy etish taklif etiladi.

Jumladan, soliq maslahatchilari faoliyatiga kasb etika qoidalarini joriy etishning bir qancha ijobiy jihatlari mavjud bo'lib, ular quyidagilardan iboratdir:

Birinchidan, etika qoidalari soliq maslahatchilari uchun aniq yo'riqnomalar beradi va ularning ish sifatini oshiradi. Shuningdek, kasb etika qoidalarining ishonchni mustahkamlash funksiyasi ham mavjud bo'lib, mijozlar va jamoatchilik soliq maslahatchilari faoliyatiga ko'proq ishonch bildiradi.

Ikkinchidan, etik tamoyillar asosida ish faoliyatini olib borish korrupsiya va qonunbuzarlik holatlarini kamaytirishga yordam beribgina qolmasdan, soliq maslahatchilarining mehnat faoliyatini yanada ochiq va shaffof qilishga ko'maklashadi.

Uchinchidan, kasb etika qoidalariga rioya qilish soliq maslahatchilari kasbining obro'sini oshirib, ushbu qoidalar mijozlarning huquq va manfaatlarini himoya qilishga qaratilgan bo'ladi. Shu bilan bir qatorda, etika qoidalari soliq maslahatchilarini o'z bilim va ko'nikmalarini doimiy ravishda yangilashga undaydi.

Bundan tashqari, doktor B.S.Rahimovning fikriga ko'ra, "Soliq maslahatchilari faoliyatini majburiy sug'urtalashni O'zbekistonda joriy etish zarur bo'lib, bu kasbiy xizmatlar bozorini tartibga solishning samarali usuli bo'lib hisoblanadi" [14].

Shu bilan bir qatorda, professor G.H.Qodirov soliq maslahatchilari faoliyatini majburiy sug'urtalash tizimini bosqichma-bosqich joriy etishni taklif qilib, bu jarayonni soliq maslahatchilarining kasbiy malakasini oshirish bilan birga olib borish zarurligini ta'kidlaydi [15].

Yuqorida qayd etilgan olimlarning fikrlari soliq maslahati faoliyatini majburiy sug'urtalashning turli jihatlari yoritishga qaratilgan bo'lib, ular asosan bu amaliyotning mijozlar manfaatlarini himoya qilish va kasbiy xizmatlar sifatini oshirishdagi ahamiyatiga urg'u beradilar.

Bundan tashqari, Fransiya, Kanada, Finlandiya, Ispaniya, Lyuksemburg, Latviya, Belgiya va Belorussiya kabi rivojlangan davlatlarning ijobiy tajribalaridan foydalangan holda "Soliq maslahatiga oid faoliyat to'g'risida"gi qonunga soliq maslahati faoliyatini faqatgina soliq maslahatchisi va soliq maslahatchilari tashkilotining sug'urta polisi mavjud bo'lgan taqdirda amalga oshirishi mumkinligini belgilovchi qoida kiritilishi maqsadga muvofiq bo'lib hisoblanadi.

Hozirda soliq maslahatchilari va soliq maslahatchilari tashkilotlari tomonidan Soliq maslahatchilari palatasiga a'zolik ixtiyoriy bo'lib, shu jumladan "Soliq maslahatiga oid faoliyat to'g'risida"gi qonunda ham soliq maslahatchisi va soliq maslahatchilari tashkilotining palataga hisobdorligi belgilanmagan. Bu esa o'z navbatida palata tomonidan kerakli ma'lumotlarni yig'ib

olish va zarur statistik ko'rsatkichlarni shakllantirishda ulkan to'siq vazifasini bajarib kelmoqda.

Shu jumladan, tadqiqotchi olim O.S.Yakubovning fikriga ko'ra, "Soliq maslahati sohasini monitoring qilish bo'yicha chora-tadbirlar belgilangan bo'lsa-da, ushbu sohada mavjud kamchiliklarni chuqurroq tahlil qilish uchun zarur bo'ladigan ko'rsatkichlar bo'yicha vakolatli organga hisobot yoki ma'lumot taqdim qilib borilishi tartibini joriy qilish lozim" [16].

Xususan, rivojlangan mamlakatlar tajribasiga tayangan holda, Norvegiya, Finlandiya, Gretsiya kabi davlatlarning ijobiy tajribalaridan foydalangan holda, palataning so'roviga asosan soliq maslahatchilari va soliq maslahatchilari tashkilotlarining renkingini o'tkazish uchun axborot hamda o'z faoliyati yuzasidan hisobotlarni majburiy taqdim etilishiga doir qoidani qonunda mustahkamlashga ehtiyoj mavjud.

O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirining 2012-yil 29-martdagi 31-son buyrug'iga ilova tarzida tasdiqlangan Soliq maslahati bo'yicha xizmatlar ko'rsatish to'g'risida shartnoma tuzish tartibi (1-sonli SMMS)ning 14-bandiga ko'ra, Soliq maslahatchilari tashkiloti shartnomani bajarmaganligi yoki lozim darajada bajarmaganligi oqibatida mijozga (ishonch bildiruvchiga) zarar yetkazganligi uchun javobgar bo'ladi. Mijozga (ishonch bildiruvchiga) yetkazilgan zararlarning, shu jumladan boy berilgan foydaning o'rni qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda qoplanishi kerakligi qayd etilgan. Biroq, ushbu milliy standart va "Soliq maslahatiga oid faoliyat to'g'risida"gi qonunda soliq maslahatchisi yoki soliq maslahatchilari tashkiloti tomonidan bila turib soxta xulosa tuzish va uning oqibatlari haqida fikr yuritilgan.

Biroq, O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2012-yil 28-maydagi 44-son buyrug'iga ilova tarzida tasdiqlangan Soliq maslahati bo'yicha hisobot va soliq maslahatiga oid xulosani tuzish hamda mijozga (ishonch bildiruvchiga) taqdim etish tartibi (2-son SMMS) ning 16-bandiga asosan, "Soliq maslahatchilari tashkiloti qonunchilik hujjatlari talablariga yoki shartnomaga mos kelmaydigan hisobot va xulosa tuzganligi uchun qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgardir" deya qayd etilgan bo'lib, qanday holatda javobgarlik kelib chiqishi va boshqa holatlarga aniqlik kiritib o'tilmagan.

Xususan, tadqiqot doirasida o'tkazilgan so'rovnoma natijalariga asosan, "Sizningcha, bila turib soxta tuzilgan soliq maslahatiga oid xulosa to'g'risidagi ma'lumotlarni qonunda aks ettirishga ehtiyoj mavjudmi?" degan savolga respondentlarning 78,7 % qismi "ehtiyoj mavjud, chunki, ushbu modda kiritilsa, soliq maslahatchisini tuhmat va noto'g'ri ayblovdan himoya qiladi" deya javob bergan bo'lsalar, qolgan 21,3 % qismi esa "ehtiyoj mavjud emas" deya o'z pozitsiyalarini bildirib o'tganlar.

Shuningdek, "United Tax Consultants" soliq maslahatchilari tashkilotining soliq maslahatchisi N.Xodjabekov bilan olib borilgan intervyuda ham hozirda soliq maslahati faoliyatida bila turib soxta tuzilgan soliq maslahatiga oid xulosa haqidagi normani qonunchilikka kiritish, xulosa faqatgina sudning qonuniy kuchga kirgan qaroriga ko'ra bila turib soxta tuzilgan deb topilishini qonun bilan belgilashga ehtiyoj mavjudligini qayd etib o'tgan.

Yuqoridagilarga asosan, O'zbekiston Respublikasining "Soliq maslahatiga oid faoliyat to'g'risida"gi qonuniga soliq maslahati faoliyatida bila turib soxta tuzilgan soliq maslahatiga oid xulosa haqidagi yangi normani kiritish taklif etiladi.

Iqtiboslar/Сноски/References:

1. O'zbekiston Respublikasi Soliq maslahatchilari palatasining internetdagi rasmiy sahifasi https://pnk.uz/?page_id=279
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligining internetdagi rasmiy sahifasi <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/usreo-2>
3. Ergashev Ikrom Abdurasulovich. Soliq nizolarini muqobil hal etishning huquqiy mexanizmlarini takomillashtirish masalalari. Yurisprudensiya. 2021/4. 9-bet.
4. Soliq nazariyasi va tarixi. O'quv qo'llanma / I.M.Niyazmetov, S.A.Giyasov, F.A.Fayziyev, R.R.Duschanov – T.: «Chinor fayzi baland». 2022. 340 b.
5. Орлова Анастасия Александровна Создание института налогового консультирования на условиях государственного регулирования // Управленческое

консультирование. 2016. №7 (91). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sozdanie-instituta-nalogovogo-konsultirovaniya-na-usloviyah-gosudarstvennogo-regulirovaniya> (дата обращения).

6. Урман Наталья Альбертовна Налоговое консультирование: развитие и проблемы // Вестн. Том. гос. ун-та. Экономика. 2013. №4 (24). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nalogovoe-konsultirovanie-razvitie-i-problemy>

7. Killian, S. and Doyle, E. (2004). Tax aggression among tax professionals: the case of South Africa. Journal of Accounting, Ethics and Public Policy, 4(3), 159-189.

8. Лебедева, Е. И. Налоговый консультант призван обеспечить баланс частных и публичных интересов / Е. И. Лебедева // Налоги и налогообложение. – 2008. – №7. – С. 17 – 23.

9. Timoshkova N.V. (2018). Retrospective analysis of the formation of tax accounting in the Russian Federation - Finance and accounting policy, No. 2 (4). - pp. 25-27.

10. Тимошкова Н.В. Государственное регулирование деятельности малых и средних предприятий // Государственное управление и экономика: современное состояние и перспективы развития: материалы международной научно-практической конференции / под общ. ред. С.Б. Мурашова. – СПб.: Северо-Западный институт повышения квалификации ФНС России, 2016. – 280 с. — С. 87-96.

11. Кобылянский Артем Константинович Развитие налогового консультирования корпоративных налогоплательщиков // Вестник РГЭУ РИНХ. 2013. №1-2 (41,42). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-nalogovogo-konsultirovaniya-korporativnyh-nalogoplatelshikov>.

12. Барулин Сергей Владимирович, Минвалиев Антон Викторович Проблемы и перспективы развития института налогового консультирования в России // Налоги и финансы. 2018. №3 (39). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-i-perspektivy-razvitiya-instituta-nalogovogo-konsultirovaniya-v-rossii>.

13. Барулин Сергей Владимирович, Минвалиев Антон Викторович Проблемы и перспективы развития института налогового консультирования в России // Налоги и финансы. 2018. №3 (39). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-i-perspektivy-razvitiya-instituta-nalogovogo-konsultirovaniya-v-rossii>.

14. Rahimov B.S. «O'zbekistonda soliq konsaltingi: rivojlanish istiqbollari». O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi, 2022-yil, 3-son.

15. Qodirov G.H. «Soliq konsaltingi xizmatlarini takomillashtirish yo'llari». O'zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi ilmiy jurnali, 2023-yil, 2-son.

16. Yakubov Otabek Sadullayevich. Soliq maslahati insitutini rivojlantirish masalalari. Iqtisodiyot va ta'lim / 2023-yil 6-son. 168-bet.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

МЕЛИЕВ Худоёр

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси (PhD)

КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЧИЛИККА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): МЕЛИЕВ Х. Коррупциявий жиноятчиликка имкон берган шарт-шароитлар // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. №4 (2024) Б. 144-147.

 4 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-4-18>

АННОТАЦИЯ

Ушбу тезисда коррупциявий жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берга шарт-шароитлар, шунингдек уларнинг профилактик жиҳатлари масаласига алоҳида тўхталиб ўтилган ва жамиятдаги коррупциявий муҳитга таъсир қилувчи омиллар хусусида фикр юритилган. Шунингдек, коррупциявий жиноятчиликка имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишда социологик ва криминологик талдқиқотларнинг зарурлигига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: коррупция, коррупция жиноятини содир этишга имкон берган шарт-шароитлар, коррупция сабаби, оқибати.

МЕЛИЕВ Худоёр

Самостоятельный соискатель (PhD) Ташкентского государственного юридического университета

УСЛОВИЯ, СПОСОБСТВУЮЩИЕ КОРРУПЦИОННОЙ ПРЕСТУПНОСТИ

АННОТАЦИЯ

В данной диссертации отдельно рассматриваются причины совершения коррупционных преступлений и условия, способствующие этому, а также их профилактические аспекты и факторы, влияющие на коррупционную среду в обществе. Также уделяется внимание необходимости социологических и криминологических исследований по выявлению и устранению условий, способствующих коррупции.

Ключевые слова: коррупция, условия, которые стали причиной совершения коррупционного преступления, причина, последствие коррупции.

MELIYEV Xudoyor

Researcher (PhD) at Tashkent State University of Law

CONDITIONS THAT ENABLE CORRUPTIVE CRIME

ANNOTATION

This dissertation separately examines the causes of corruption crimes and the conditions conducive to this, as well as their preventive aspects and factors influencing the corruption environment in society. Attention is also paid to the need for sociological and criminological research to identify and eliminate conditions conducive to corruption.

Keywords: corruption, conditions that caused the commission of a corruption crime, cause, consequence of corruption.

Криминологияда сабабийлик механизмида сабаб ва шароитнинг ўрни фарқланади: сабаб оқибатни келтириб чиқаради, шароит эса, бунга ёрдам беради. Уларнинг биргаликда бир тизимда амалга оширилиши жиноятни келтириб чиқаради. Шароит, сабабдан фарқли равишда оқибатнинг табиатини белгилаб бермайди [1].

Жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар бу жиноят содир этилишига имкон берадиган, шахс ва жамиятга боғлиқ бўлган ёки боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра юзага келувчи, танқидий жиҳатдан баҳоланувчи вазиятлардир [2].

Маълумки, сабаб ҳаракат орқали оқибатни келтириб чиқаради. Сабаб бўлувчи ҳаракатлар учун муайян шароитлар зарур. Аммо бу шароитлар ўз-ўзидан жиноятни келтириб чиқармайди, бу учун сабаб ҳаракат қилиши керак. Коррупцияда сабабнинг ҳаракат соҳаси бу мотивация ва қарор қабул қилиш босқичи бўлиб, бунда мотив, мақсад жиний натижага эришиш учун қўлланадиган воситалар тўғрисида сўз боради.

Ҳар қандай жиноятчилик тури сингари коррупциянинг ҳам сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар ижтимоий-иқтисодий тузумга зид салбий ҳодисалар мажмуи бўлиб, у оқибат сифатида коррупциявий жиноятчиликни келтириб чиқаради. Жиноятчиликнинг сабаблари ва шароитлари келиб чиқиши жиҳатидан ижтимоийдир. Улар ҳаммиша жамиятдаги ижтимоий зиддиятлар таркибига киритилган. Криминология соҳасидаги адабиётларга кўра шароитлар бу ўз-ўзидан жиноятчилик ва жиноятни вужудга келтирмайдиган балки вужудга келишига ёрдам берадиган, тезлаштирадиган (жиноятчиликнинг сабабини, ҳаракатини, ташкил этилишини) ижтимоий ҳодисалардир. Улар жиноятчиликнинг жамиятда бўлишини тақозо қилувчи, ўсишини таъминловчи сабабларга таъсир қилиш ва кўмаклашиш билан уларнинг юз беришини таъминлайди [1].

Коррупциявий жиноятчиликнинг икки гуруҳ шароитини ажратиш кўрсатишимиз мумкин:

а) коррупциявий қилмишлар вужудга келишига олиб келувчи ижтимоий-руҳий ҳодисалар;

б) коррупцияга ёрдам берувчи, унинг келиб чиқишига, жиний натижаларга эришилишига вазият ҳозирловчи шароитлар.

Биринчи гуруҳ шароитлар маданий-тарбиявий, маънавий соҳадаги эътиборсизлик ва хатолардан иборатдир. Иккинчи гуруҳ шароитлар ҳуқуқбузарлик профилактикасида, ташкилий-бошқарув соҳасида йўл қўйилаётган нуқсонларнинг оқибатидир.

Коррупцияга мойил маданиятлардан ташқари, маълум иқтисодий ва сиёсий тизимлар ҳам коррупцияга йўл очади. Шундай иқтисодий ва сиёсий тизимларнинг икки энг муҳим жиҳати ҳал қилувчи бўлиши мумкин. Биринчи жиҳат бу давлатнинг иқтисодиётга чуқур аралашиб кетишидир. Коррупцияни рағбатлантирадиган иккинчи муҳим жиҳат эса давлат хизматчилари томонидан қарор қабул қилишдаги шаффофликнинг етишмаслиги [3].

Анкета сўровида [4] 58 % респондентлар коррупция ҳолатларига шахсан дуч келганлигини кўрсатишган. Ҳозирги пайтда турли соҳаларда майда коррупция содир этилиши учун жуда кўп сабаблар мавжуд. Унинг асосий шароити сифатида

коррупциявий битим тузаётган кишиларнинг иккала томони ҳам ундан манфаатдор эканлигини кўрсатиш мумкин. Мисол учун, ҳайдовчи йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганлиги учун жарима жазосига тортилиши лозим бўлган ҳолатда шу жарима суммасини бир қисмини инспекторга бериб ва жарима тўлаш билан боғлиқ икир-чикирлар ва вақти кетишидан халос бўлишни истаса, инспектор берилган порадан моддий манфаатдор бўлаётганлиги учун уни олади.

Мансабдорлик ва коррупциявий жиноятларни содир этилишига қўмаклашувчи шарт-шароитлардан яна бири бу ташкилий-тақсимот характеридаги ва ижтимоий назоратдаги камчиликлардир. Уларга режалаштиришдаги камчиликлар, шартнома шартларининг бузилиши; хизмат вазифаларини ташкиллаштиришдаги (мажбуриятларни тақсимлаш, ваколатларни бериш, иш ҳажмининг ҳаддан ташқари кўпайиши ва б.); кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги камчиликлар (дилетантларни, шубҳали репутацияга эга бўлганларни, қариндошларни ишга қабул қилиш); ҳисобга олиш ва назоратдаги камчиликлар; хўжасизлик (энергия ресурслари, моддий ва инсоний ресурслардан фойдаланишда исрофгарчилик); тарбиявий ишдаги камчиликлар; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятидаги камчиликлар, мансабдор шахсларнинг, хизматчиларнинг даромадлари ва харажатлари, шунингдек уларнинг хизмат вазифаларини бажариши устидан назоратнинг йўқлиги, коррупция фактларига зарур муносабат билдирмаслик [5].

Бу фикрга қўшилган ҳолда шуни айтиш керакки, давлат органларининг очиқлигига қўйилган талабларнинг бузилиши, шаффофликнинг таъминланмаслиги коррупцияга шароит яратувчи кўп тарқалган омиллардан дейишимиз мумкин.

Фикримча, ижтимоий муносабатларнинг такомиллашуви, банк тизими, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши маълум маънода коррупциянинг янги, очиш мураккаб бўлган шакллари вужудга келишига шароит яратади. Бу эса ушбу соҳаларда киберхавфсизлик йўналишида коррупцияга қарши тадбирлар амалга оширишни тақозо қилади.

Айрим хорижий давлатлардаги коррупция билан боғлиқ ҳолатлар шуни кўрсатадики, сиёсий беқарорлик турли даражадаги мансабдор шахсларнинг эртанги кунига ишончсизлик ҳиссини уйғотади. Бундай ҳолатда улар келажақдаги манфаатини, асосан, моддий таъминланишини кўзлаб ғайриқонуний фаолиятни амалга оширишга киришади.

Ўтказилган анкета сўровида “Сизнингча, нима сабабдан мансабдор шахсларда моддий фойда олиш учун қонун ва ахлоқ нормаларига қарши боришга мойиллик кучли бўлади?”, деган саволга берилган жавобларга тўхталиб ўтсак. Сўралганларнинг 40.5% очкўзлик ва хасадгўйлик каби шахсий феъл-атворларининг устунлиги юксак касбий ва ахлоқий фазилатларга эга эмаслигини, 48 % коррупция натижасида катта бойликка эришган мансабдор шахсларнинг мавжудлигини, 11.5% ниҳоятда қиммат турувчи одатлар ва қизиқишларнинг мавжудлигини кўрсатишган [4].

Кузатишлар, суд-тергов материалларини ўрганиш натижаларига кўра қуйидагиларни давлат хизматчилари томонидан содир этиладиган коррупциявий жиноятларга имкон берувчи асосий шарт-шароитлар дейишимиз мумкин:

- ўзининг мақомидан, ва у орқали орттирган обрў-эътибордан бошқа давлат ва нодавлат идоралар фаолиятига қонунда ҳамда унинг вазифалари ва бурчларида назарда тутилмаган ҳолда аралашиш;
- қарорлар қабул қилишда жисмоний ва юридик шахсларга қонунга зид равишда афзалликлар бериш;
- давлат функцияларини бажаришда унга маълум бўлган ва расман тарқатилмаган ахборотлардан шахсий ва гуруҳий манфаатлар йўлида фойдаланиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилиши

назарда тутилган маълумотларни асоссиз равишда бермаслик, кечиктириб бериш ёки ишончсиз, тўла ҳажмда бермаслик;

- жисмоний ва юридик шахслардан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган маълумотларни беришни талаб қилиш;

- давлат ва маҳаллий молиявий ва моддий ресурсларни алоҳида сайлов фондларига, жамоат бирлашмаларига ўтказиш;

- давлат функцияларини бажаришга ваколатли шахснинг бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг молиявий ва моддий ресурсларидан ўзининг ёки бошқа шахслар манфаати йўлида фойдаланиш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, шунингдек ўз вазифаси ҳисобланган бошқа масалаларни ҳал этиш тартибини бузиш;

- ўзидан юқори турган расмий шахсларга ҳадялар қилиш ва бошқа моддий қийматга эга бўлган хизматлар кўрсатиш;

- тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда давлатнинг айрим функцияларини маҳаллий, баъзида республика бошқаруви даражасида хўжалик юритувчи субъектларга юклатилиши.

Дарвоқе, коррупция яшовчанлигини жуда кўплаб: сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, руҳий-ахлоқий ва бошқа омиллар белгилаб беради [6].

Ушбу фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда мазкур омилларни, коррупциянинг сабаблари ва шарт-шароитларини мунтазам ўрганиб, таҳлил қилиб бориш ва натижаларини тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга киритиб бориш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 январдаги ПФ-10-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони [7] билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти ушбу масалаларга алоҳида эътибор бериши мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Репецкая А.Л., Рыбальская В.Я. Криминология : Общая часть : Учеб. пособие. – Иркутск : Изд-во ИГЭА, 1999. – с.88;

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.09.2021 йилдаги “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 565-сон қарори // URL: <https://lex.uz/uz/docs/5623688>;

3. Anti-corruption strategies. A Cross-Cultural Perspective. Yahong Zhang, Cecilia Lavena. International Standard Book Number-13: 978-1-4987-1202-6 (eBook - PDF), p. 248-249;

4. 1-сон илова. Коррупциявий жиноятчилик ва унга қарши курашнинг криминологик чораларини такомиллаштириш юзасидан аҳоли фикрини ўрганиш бўйича анкета сўровномаси натижаси бўйича маълумотнома;

5. Криминология: Учебник для вузов / под ред. проф. В.Д. Малкова — 27е изд., перераб. и доп. — М.: ЗАО «Юстицинформ», 2006. — С. 334;

6. Буравлев Ю.М. Коррупция в госаппарате. Правовые и организационные проблемы системного противодействия этому злу. // Государство и право, 2008, № 11. с. 98–103;

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.01.2024 йилдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-10-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/6755597>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
4 СОН, 4 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА
НОМЕР 4, ВЫПУСК 4

LAWYER HERALD
VOLUME 4, ISSUE 4

TOSHKENT-2024